6. Tao Y., Global existence of classical solutions to a combined chemotaxis-haptotaxis model with logistic source, Journal of Mathematical Analysis and Applications, Vol.354, 2009.
7. Tao Y., Cui C., A density-dependent chemotaxis-haptotaxis system modeling cancer invasion, Journal of Mathematical Analysis and Applications, Vol.367, 2010.
8. Ладыженская О.А., Солонников В.А., Уралцева Н.Н. Линейные и квазилинейные уравнения параболического типа. -М.: Наука, 1967.
9. Zarnitsina V.I., et al. Dynamics of spatially nonuniform patterning in the model of blood coagulation // Chaos. 2001. -Т.11, №1.
10. Атауллаханов Ф.И. и др. Сложные режимы распространения возбуждения и самоорганизация в модели свертывания крови // УФН. 2007. -Т.177, №1.
11. Lobanov A.I., Nikolaev A.V., Starozhilova T.K. Mathematical model of Fibrin polymerization // Math.Model.Nat.Phenom., 2001, v.6, N7.
12. Лобанов А.И. Полимеризации фибрина как волна фазового перехода. Математическая модель // ЖВМиМФ.-2016. -Т.58. -№6.
13. Кругжов С.Н. Нелинейные параболические уравнения с двумя независимыми переменными // Труды Моск. Матем. общ.ва. -Т.16 (1967).
14. Pao C.V.. Nonlinear Parabolic and Elliptic Equations, Plenum Press, New York, 1992.

(Рецензент: А.Уринов – доктор физико-математических наук, профессор).

ИЗУЧЕНИЕ ДИНАМИКИ РАБОЧИХ ОРГАНОВ ОЧИСТИТЕЛЯ ХЛОПКА ПАХТА ТОЗАЛАГИЧНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ ДИНАМИКАСИНИ ЎРГАНИШ STUDY OF THE OPERATING ELEMENTS DYNAMICS OF THE COTTON CLEANER

Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш.

Аннотация

Мақолада пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичнинг янги самарали конструктив схемаси тақдим қилинган. Назарий тадқиқотлар асосида пахта тозалагич ишчи органларининг ҳаракат қонуниятлари аниқланган, келтирилган боғланиш графикалари таҳлили асосида тозалагич ишчи органларининг тавсия қилинажак параметрлари аниқланган.

Аннотация

В статье представлена новая эффективная конструктивная схема очистителя хлопка от крупного сора. На основе теоретических исследований определены закономерности движения рабочих органов очистителя хлопка, а также на основе анализа приведенных графиков зависимости определены рекомендуемые параметры рабочих органов очистителя.

Annotation

The article provides an effective constructive scheme of a cotton cleaner from large litter. On the basis of theoretical studies, patterns and graphic dependencies of the parameters of the operating elements of the cotton cleaner were determined. The analyses determined the recommended values of the parameters of the cleaner.


Таянч сўз ва иборалар: пахта тозалагич, ҳаракат режими, тасмали узатма, бурчакли тезлик, чўткали барабан, ҳаракатлантиргич роторининг инерцияси, динамик характеристика, таранглик, диссипатив хоссалар, тебранишлар амплитудаси.

Ключевые слова и выражения: очиститель хлопка, режим движения, ременная передача, угловая скорость, щеточный барабан, инерция ротора двигателя, динамическая характеристика, упругость, диссипативные свойства, амплитуда колебаний.

Keywords and expressions: temporary transmission, angular velocity, brush drum, rotor engine inertia, dynamic characteristics, resilience, dissipative features, oscillation amplitude.

В секции очистки хлопка от крупного сора для привода колково-пильчатых барабанов и щеточных валков используются ременные передачи, которые недостаточно обеспечивают требуемые переменные режимы движения. Поэтому нами рекомендуется новая конструкция ременной передачи [1,2,3], обеспечивающая переменные угловые скорости рабочих органов.

На рис. 1 представлена кинематическая схема очистителя.



1, 2, 3, 4, 8, 11-подшипники; 5, 6, 10, 12, 13, 15, 16, 17-шкивы; 9-ремень;
7, 14-электродвигатель.

Рис. 1. Кинематическая схема секции крупной очистки

Р.Х.Максудов – ректор ФерГУ, доктор технических наук, профессор.
А.Джураев – Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности, доктор технических наук, профессор.
Ш.Шухратов – ФерГУ, преподаватель кафедры БЖГ.
Ш.Холдоров – Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности, ассистент

Согласно кинематической схеме, на рис.2 составлены системы дифференциальных уравнений, описывающие движение рабочих органов.

$$\begin{aligned} I_{11}\ddot{\varphi}_{11} &= M_{g1} - C_{11}(\varphi_{11} - U_{12}\varphi_{12}) - b_{11}(\dot{\varphi}_{11} - U_{12}\dot{\varphi}_{12}); \\ I_{11}\ddot{\varphi}_{11} &= U_{12}C_{11}(\varphi_{11} - U_{12}\varphi_{12}) + b_{11}U_{12}(\dot{\varphi}_{11} - U_{12}\dot{\varphi}_{12}) - M_c \end{aligned} \quad (1)$$

для четырех массовых машинных агрегатов с приводом пальчатых барабанов и шнека получим следующую систему дифференциальных уравнений:

$$\begin{aligned} I_{21}\ddot{\varphi}_{21} &= M_{g1} - C_{21}(\varphi_{21} - U_{12}\varphi_{22}) - b_{21}(\dot{\varphi}_{21} - U_{12}\dot{\varphi}_{22}); \\ I_{22}\ddot{\varphi}_{22} &= U_{12}C_{21}(\varphi_{21} - U_{12}\varphi_{22}) + U_{12}b_{21}(\dot{\varphi}_{21} - U_{12}\dot{\varphi}_{22}) - C_{22}U_{23}(\varphi_{22} - U_{23}\varphi_{23}) - C_{23}U_{24}(\varphi_{22} - \\ &U_{24}\varphi_{24}) - b_{22}U_{23}(\dot{\varphi}_{22} - U_{23}\dot{\varphi}_{23}) - b_{23}U_{24}(\dot{\varphi}_{22} - U_{24}\dot{\varphi}_{24}) - M_{c2}; \\ I_{23}\ddot{\varphi}_{23} &= U_{23}C_{22}(\varphi_{22} - U_{23}\varphi_{23}) - U_{23}b_{22}(\dot{\varphi}_{22} - U_{23}\dot{\varphi}_{23}) - M_{c3}; \\ I_{24}\ddot{\varphi}_{24} &= U_{24}C_{23}(\varphi_{22} - U_{24}\varphi_{24}) + U_{24}b_{23}(\dot{\varphi}_{22} - U_{24}\dot{\varphi}_{24}) - M_{c4} \end{aligned} \quad (2)$$

где: I_{11}, I_{21} - моменты инерции ротора электродвигателя и щеточного барабана очистителя УХК; $I_{21}, I_{22}, I_{23}, I_{24}$ - моменты инерции ротора двигателя, пальчатых барабанов и шнека; $C_{11}, C_{21}, C_{22}, C_{23}$ - коэффициенты круговых жесткостей ременных передач, U_{12}, U_{23}, U_{24} - передаточные отношения соответствующих ременных передач машинных агрегатов очистителя

УХК для зоны крупной очистки; $b_{11}, b_{21}, b_{22}, b_{23}$ - коэффициенты диссипации, соответствующие ременным передачам очистителя хлопка УХК.

Для изучения динамики машинных агрегатов электродвигателя, учитываются в виде динамической характеристики, предложенной И.С.Пинчуком [4]:

При этом для двух массовых систем с приводом и сточного барабана имеем:

$$\frac{1}{2\omega M_k} - \frac{dM_g}{dt} + \frac{S_k}{2M_k} M_g = \frac{\omega_0 - \frac{d\varphi_g}{dt}}{\omega_0} \quad (3)$$

где: M_g - движущий момент; S_k, M_k - критическое значение скольжения и момента двигателя; ω_0 - угловая частота идеального холостого хода; ω - угловая частота сети.

Численное решение (1) задачи динамики машинного агрегата с приводом щеточного барабана с учетом механической динамической характеристики электродвигателя согласно (3) произвели при следующих исходных численных значениях параметров: $N = 4,5 \text{ кВт}$, $n = 945 \text{ об/мин}$, $\dot{\varphi}_{11} = \dot{\varphi}_{12} = 0,9 \text{ с}^{-1}$; $U_{12} = 1,0$; $C_{11} = (200 \div 400) \text{ Нм/рад}$; $b_{11} = (10 \div 12,5) \text{ Нмс/рад}$; $M_c = [(25 \div 45) \text{ Нм} + (3,5 \div 4,5) \sin \omega t] \text{ Нм}$; $J_{11} = 0,0026 \text{ кгм}^2$; $J_{12} = 0,0036 \text{ кгм}^2$;

Расчет задачи осуществляли на ПК с использованием метода Рунге-Кутты. На основе численного решения задачи получены закономерности изменения угловых скоростей ротора электродвигателя и щеточного барабана (рис. 2).

Анализ закономерностей изменения угловых скоростей на рис. 2 показывает, что при работе очистителя с производительностью 4,5 т/ч система выходит на установившийся режим за $(0,42 \div 0,51) \text{ с}$. При этом, чем больше нагрузки на момент инерции вращающихся рабочих органов, тем больше затягивается выход машинного агрегата на установившийся ремень. В процессе работы очистителя хлопка щеточный барабан выполняет работу по съему хлопка с зубьев пил барабанов а также

выравниванию силы хлопка между пальчатыми барабанами. При этом важным является изменение угловой скорости щеточного барабана. На частоту и амплитуду колебаний угловой скорости щеточного барабана влияет, в основном, нагрузка от очищаемого хлопка, а также упруго диссипативные свойства упругой передачи, и момент инерции барабана. Анализ закономерностей изменения $\dot{\varphi}_{11}$ и $\dot{\varphi}_{12}$ показывает, что с увеличением нагрузки от очищаемого хлопка, то есть от производительности очистителя, фактически увеличивается амплитуда колебаний угловых скоростей ротора электродвигателя и щеточного барабана.

При этом из рис. 3 видно, что с увеличением средней нагрузки от хлопка от 6 Нм до 53 Нм коэффициент неравномерности угловой скорости щеточного барабана возрастает от 0,018 до 0,12, а для ротора электродвигателя от 0,009 до 0,026 при коэффициенте круговой жесткости ременной передачи от двигателя к щеточному барабану равен 200 Нм/рад. С увеличением жесткости ремня система становится как бы единой, и вращение валов становится более равномерным. Так, при увеличении C_{11} до 400 Нм/рад коэффициент неравномерности угловой скорости щеточного барабана изменяется в пределах $(0,015 \div 0,087)$, а электродвигателя в пределах $(0,006 \div 0,034)$.




Рис. 2. Закономерности изменения угловых скоростей щеточного барабана и ротора электродвигателя очистителя хлопка от крупного сора при изменении нагрузки от хлопка


Следует отметить, что увеличение коэффициента неравномерности щеточного барабана может привести к нарушению процесса съема хлопка с зубьев пильчатого барабана, а также к дополнительным механическим повреждениям волокон хлопка. Поэтому целесообразным считается обеспечение $\delta_{11} = (0,007 \div 0,03)$ и $\delta_{12} = (0,01 \div 0,07)$.

Анализ полученных графических зависимостей на рис.4 показывает, что с возрастанием жесткостей ременной передачи δ_{11} и δ_{12} уменьшаются по нелинейным закономерностям. Так, при увеличении коэффициента круговой жесткости ременной передачи от 100 Нм/рад до 600 Нм/рад коэффициент неравномерности угловой скорости щеточного барабана снижается от 0,122 до 0,033 при нагрузке от хлопка $M_c = (45 + 4,5 \sin \omega t) \text{ Нм}$, а δ_{11} от 0,071 до 0,014. При снижении нагрузки $M_c = (25 + 3,5 \sin \omega t) \text{ Нм}$

соответственно δ_{12} уменьшается от 0,089 до 0,026, а также для ротора электродвигателя δ_{11} уменьшается от 0,041 до 0,0057.

Это объясняется тем, что при увеличении жесткости ремня ее деформация уменьшается, система становится единой, колебания ϕ_{11} и ϕ_{12} снижаются. Поэтому для обеспечения $\delta_{12} = (0,01 \div 0,07)$ и $\delta_{11} = (0,007 \div 0,03)$ рекомендуемыми значениями являются $C_{11} = (350 \div 400) \text{ Нм/рад}$.


Численное решение произвели при: $N = 4,5 \text{ кВт}$, $n = 945 \text{ об/мин}$, $\phi_g = 98,9 \text{ с}^{-1}$, $\phi_{22} = \phi_{23} = 31,4 \text{ с}^{-1}$; $\phi_{24} = 13,6 \text{ с}^{-1}$, $P_p = (4,0 \div 6,0) \text{ Т/ч}$; $C_{21} = (600 \div 700) \text{ Нм/рад}$; $C_{22} = (550 \div 650) \text{ Нм/рад}$; $C_{23} = (450 \div 550) \text{ Нм/рад}$; $b_{21} = (10 \div 12) \text{ Нмс/рад}$; $b_{22} = (8,0 \div 10,5) \text{ Нмс/рад}$; $b_{23} = (8,0 \div 9,0) \text{ Нмс/рад}$; $U_{12} = 3,15$; $U_{23} = 1,0$; $U_{24} = 2,3$; $J_{21} = 0,0027 \text{ кгм}^2$; $J_{22} = 0,12 \text{ кгм}^2$; $J_{23} = 0,093 \text{ кгм}^2$; $J_{24} = 0,24 \text{ кгм}^2$;



$$1,2 - \delta_g = f(M_c); 3,4 - \delta_{ш} = f(M_c)$$

1,3 – при $C = 400$ Нм/рад; 2,4 – при $C = 200$ Нм/рад;

Рис. 3. Графические зависимости изменения коэффициентов неравномерностей угловых скоростей щеточного барабана и ротора электродвигателя от технологической нагрузки хлопка.



$$1,2 - \delta_{ш} = f(C); 3,4 - \delta_g = f(C) \text{ при } M_c = (45 + 5,5\sin\omega t) \text{ Нм};$$

1,3 – при $M_c = (25 + 3,5\sin\omega t) \text{ Нм};$

Рис. 4. Графические зависимости изменения коэффициентов неравномерностей угловых скоростей от изменения жесткости ременной передачи очистителя хлопка от крупного сора.

На рис. 5 представлены полученные закономерности изменения, M_g , $\dot{\varphi}_{21}$, $\dot{\varphi}_{22}$, $\dot{\varphi}_{23}$, $\dot{\varphi}_{24}$ при производительности очистителя 4,0 т/ч и 6,0 т/ч. Анализ закономерностей вращающихся валов машинного агрегата показывает, что система выходит на установившийся режим за 0,051с при $P_p = 4,0$ т/ч, и за 0,079с при $P_p = 6,0$ т/ч.

Важным является определение частоты и амплитуды колебаний угловых скоростей,

особенно пыльных барабанов и ротора электродвигателя. Следует отметить, что колебания угловых скоростей пыльных барабанов в основном зависят от следующих параметров: изменение технологической нагрузки от очищаемого хлопка-сырца; моментов инерций пыльных барабанов; упруго-диссипативных свойств упругих передач в машинном агрегате.




Рис. 5. Закономерности изменения угловых скоростей валов двигателя, пальчатых барабанов и шнека, а также крутящего момента на валу двигателя.

При изменении производительности от 1,0 т/ч до 6,0 т/ч размах колебаний верхнего пальчатого барабана увеличивается от $3,6 \text{ c}^{-1}$ до $38,7 \text{ c}^{-1}$ по нелинейной закономерности. Эти колебания в основном возникают от периодически изменяющейся составляющей технологической нагрузки, которая получена экспериментальными исследованиями [7,8]. При этом размах колебаний угловой скорости нижнего пальчатого барабана будет значительно меньше, чем в верхнем барабане. Увеличение $\Delta \dot{\phi}_{23}$ происходит от $2,7 \text{ c}^{-1}$ до $33,2 \text{ c}^{-1}$. Это объясняется тем, что основная нагрузка по разрыхлению и очистке хлопка

происходит в основном в зоне очистки верхней пальчато-колосниковой системы. При этом изменение нагрузки на нижний пальчатый барабан будет более равномерным, и поэтому размах колебаний данного пальчатого барабана будет меньше на $(5,0 \div 8,0) \text{ c}^{-1}$, чем в верхнем пальчатом барабане. Изменения $\Delta \dot{\phi}_{24}$ будут наименьшими, $(2,1 \div 13,5) \text{ c}^{-1}$. Это объясняется относительно низкой технологической нагрузкой, а также большим значением момента инерций $J_{24} = 0,24 \text{ кгм}^2$ шнека. Самым скоростным является ротор электродвигателя. Все рабочие органы

вращательное движение получают от двигателя.

Поэтому, хотя в двигателе технологическая нагрузка и не действует, на изменение $\Delta\dot{\phi}_{21}$ влияют изменения угловых скоростей пильчатых барабанов и шнека через ременные передачи. Поэтому размах колебаний угловой скорости ротора двигателя доходит до $21,5 \text{ с}^{-1}$.

Учитывая результаты экспериментов [5,6,7], наиболее приемлемыми значениями являются: $\Delta\dot{\phi}_{21} = (18 \div 20) \text{ с}^{-1}$; $\Delta\dot{\phi}_{22} = (26 \div 30) \text{ с}^{-1}$; $\Delta\dot{\phi}_{23} = (20 \div 23) \text{ с}^{-1}$; $\Delta\dot{\phi}_{24} = (8,0 \div 10) \text{ с}^{-1}$, которые обеспечиваются при $P_p \leq 6,0 \text{ т/ч}$. Увеличение коэффициентов жесткостей ременных передач приводит к уменьшению размаха угловых скоростей валов.

Так, при увеличении C_2 от 110 Нм/рад до 745 Нм/рад приводит к уменьшению $\Delta\dot{\phi}_{22}$ от $52,0 \text{ с}^{-1}$ до 19 с^{-1} . Размах угловой скорости шнека снижается с от $18,5 \text{ с}^{-1}$ до $4,6 \text{ с}^{-1}$ при увеличении коэффициента круговой жесткости C_{23} ременной передачи, приводящий к движению шнека.

При этом размах колебаний ротора двигателя снижается от $26,4 \text{ с}^{-1}$ до $9,7 \text{ с}^{-1}$ при увеличении круговой жесткости ремня C_{23} . Для обеспечения необходимых равномерностей угловых скоростей пильчатых барабанов, шнека и ротора двигателя рекомендуемыми значениями являются: $C_{21} = (600 \div 620) \text{ Нм/рад}$; $C_{22} = (480 \div 500) \text{ Нм/рад}$; $C_{23} = (400 \div 420) \text{ Нм/рад}$. Для соответствующих значений коэффициентов жесткостей рекомендуется использование ремней типа «В» с соответствующими значениями $b_{21} = (9,0 \div 10,0) \text{ Нмс/рад}$; $b_{22} = (8,5 \div 9,0) \text{ Нмс/рад}$; $b_{23} = (10,0 \div 11,0) \text{ Нмс/рад}$. Для обеспечения необходимых значений коэффициентов неравномерностей пильчатых барабанов, шнека и ротора электродвигателя рекомендуемыми значениями моментов инерций машинного агрегата являются: $J_{21} = (0,002 \div 0,0095) \text{ кгм}^2$; $J_{22} = (0,12 \div 0,14) \text{ кгм}^2$; $J_{23} = (0,09 \div 0,1) \text{ кгм}^2$; $J_{24} = (0,22 \div 0,25) \text{ кгм}^2$.

Литература:

1. Битус Е.И., Плеханов А.Ф., Разумов К.Э., Джурев А., Ташпулатов Д.С. Колосниковая решетка очистителя волоконистого материала // Патент RU №2668544 Бюл. №28 01.10.2018. по заявке № 2017143328, 12.12.2017.
2. Максудов Р.Х. и др. Очистительная пильчатая секция хлопкоочистительного агрегата // Патент Рес. Узб. FAP00947.30.09.2014 г. Бюл. №9.
3. Tashpulatov D. Sh., Plekhanov A. F., Djuraev A. Questions of the rationale preparation of the parameters of the kolosnikov on elastic supports of the fiber material cleaner // European Sciences review Scientific journal № 5–6 2018.
4. P.L. Ballaney. Theory Machines and Mechanisms // A textbook for engineering students. Khanna publishers, 2003.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ФИЗИКА ВА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ УЗВИЙЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ВЗАИМОСВЯЗИ ФИЗИКИ И МАТЕМАТИКИ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ

ANALYSES OF CONNECTIVITY OF PHYSICS AND MATHEMATICS IN SECONDARY SCHOOLS

О.Дехқонова

Аннотация

Умумтаълим мактабларида физика предмети бўйича мавзуларни ўрганишда, физик қонуниятларни таҳлил қилишда математика тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Тарихий нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, физика фанининг тараққиётида математика жуда катта роль ўйнаганлигини кўришимиз мумкин. Маъюлада умумтаълим мактабларида физика ва математика фанларидаги мавзуларнинг узвийлиги масаласи таҳлил қилинган.

Аннотация

В общеобразовательных школах для изучения, анализа физических явлений и законов широко используются математические понятия. С исторической точки зрения, как мы знаем, математика сыграла важную роль в развитии физики. В данной работе анализируется взаимосвязь между предметами физики и математики в общеобразовательных школах.

Annotation

We use mathematical concepts in studying the physics subject and analyzing the physical laws in secondary schools. From a historical point of view, we can see that mathematics has played a major role in development of physics. In this article we have analyzed the connectivity of physics and mathematics in secondary schools.

Таянч сўз ва иборалар: интеграция, физика, математика, кинематика, функция, координата, юза, ҳажм, босим, зичлик, пропорция, парабола.

Ключевые слова и выражения: интеграция, физика, математика, кинематика, функция, координата, поверхность, объем, давление, плотность, пропорция, парабола.

Keywords and expressions: integration, physics, mathematics, kinematics, function, coordinate, surface, volume, pressure, density, proximity, parabola.

Умумтаълим мактабларида физика предмети бўйича мавзуларни ўрганишда, физик қонуниятларни таҳлил қилишда математика тушунчаларидан кенг фойдаланамиз. Тарихий нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, физика фанининг тараққиётида математика жуда катта роль ўйнаганлигини кўришимиз мумкин. Биз ушбу мақолада умумтаълим мактабларида физика ва математика фанларидаги мавзуларнинг узвийлиги масаласини таҳлил қиламиз. Физика ва математика ўртасидаги ўзаро боғланишга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Математика предмети мавзуларида координата чизиғи, унда сонларни жойлаштириш, манфий сонлар ҳақида тушунча берилиши натижасида ўқувчилар физика дарси жараёнида физик асбобларнинг ишлаш принципларини, масалан, термометрнинг ишлаш тамойилини ўрганиш имконига эга бўладилар. Математика предметида ўтиладиган юза, сирт тушунчалари физикада босим, ҳажм, зичлик каби тушунчаларни осонгина ўзлаштиришга имкон беради.

1. Муаммонинг қўйилиши ва вазифалари

Бошланғич синфларда ўқувчилар физика бўйича масалаларни ечишда оддий бир жинсли тенгламалардан тортиб квадратик тенгламаларгача фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Ўқувчилар лаборатория машғулотларида тажриба ўтказишда кўпгина ўлчаш ишларини бажарадилар. Мавзуни осон ўзлаштириш учун, аввало, ўқувчилар математикада узунлик, юза, нисбат, фоиз тушунчаларини билишлари лозим бўлади. Масалан, умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф физика курсида Архимед қонунларига доир лаборатория машғулотларини олиб боришда фоиз, пропорция, тескари пропорция, комбинаторика элементлари, юза ва ҳажм каби математик тушунчалар кенг қўлланилади. 5-синф математика дарслигида нисбат, пропорция ва тескари пропорция тушунчалари ҳақида таърифлар келтирилган. Шу синфнинг математика курсида юза ва ҳажм тушунчалари ҳам атрофлича баён этилган. Комбинаторика элементлари эса 6-синф математика дарслигида келтирилган. Демак, юқорида

О.Дехқонова – ФарДУ, физика кафедраси ўқитувчиси.

кўрсатиб ўтилган лаборатория машғулотларини олиб бориш жараёнини биз келтириб ўтган математик тушунчалар орқали таҳлил қилсак, ўқувчиларнинг дарсни ўзлаштириш даражаси анча юқори бўлади, деган умиддамиз [1, 67].

Физика ва математика фанлари ўзаро алоқасининг муҳим шаклларида бири физик мазмундаги математик масалаларни ечишдир. Бир пайтда ҳам физикага, ҳам математикага тааллуқли бўлган масалаларни ечиш (ҳаракатга, зичликка доир) фойдалидир. Шунинг учун ҳам физика курсида амалий машғулотларни олиб бориш жараёнида ёки масалалар ечаётганда математикага кўп маротаба эҳтиёж сезамиз.

2. Олинган натижаларнинг таҳлили.


1. Физика курсининг механика бўлимида масалалар ечиш давомида турли хил математик функциялар ва уларнинг графикларидан фойдаланишга тўғри келади. Масалан, шулардан бири энг оддий чизиқли функциялардир.

Тўғри чизиқли текис ҳаракатда йўл. Моддий нуқтанинг тўғри чизиқли текис ҳаракатдаги тезлигини билган ҳолда унинг маълум вақт ичида босиб ўтган йўлини ҳисоблаш мумкин. Кўчишнинг вектор ифодаси

$$\Delta \vec{s} = \vec{s} - \vec{s}_0 = \vec{v} \cdot (t - t_0). \quad (1)$$

t, c	0	1	2	3	4	5	6	7
s=5+2t, m	5	7	9	11	13	15	17	19

Бунинг учун t вақтга турли қийматлар берилиб, s нинг бу қийматларига мос бўлган жадвал тузиб оламиз.



1-расм. Жисм босиб ўтган йўлнинг вақт бўйича ўзгариш графиги.

Жуда кўп ҳолларда ҳаракатни графикда ифодалашга тўғри келади. График ёрдамида ҳаракатни «кўзга кўринарли» қилиб тасвирлаш мумкин (1-расм). График бир нечта жисм ҳаракатини таққослаш ва ҳаракатни тавсифловчи бошқа катталикларни аниқлаш имконини беради [2,206].

Тўғри чизиқли текис ҳаракатда кўчиш векторининг узунлиги босиб ўтилган йўлга тенглиги учун йўлни ҳисоблаш формуласи

$$\Delta s = s - s_0 = v \cdot (t - t_0). \quad (2)$$

Жисмнинг ихтиёрий t вақтда босиб ўтган йўли эса (2) га асосан

$$s = s_0 + v \cdot (t - t_0), \quad (3)$$

формула ёрдамида ҳисобланади. Ҳаракатни ўрганишда саноқ бошини $t_0 = 0$ деб қабул қилиш мумкин. У ҳолда кўчиш формуласи

$$\vec{s} = \vec{s}_0 + \vec{v} \cdot t, \quad (4)$$

кўринишга келади. Охирги формула моддий нуқтанинг ҳаракат тенгламаси, деб аталади. Масалан, бошланғич вазияти $s_0=5$ м ва тезлиги $v=2$ м/с бўлган жисмнинг ҳаракат тенгламаси (4) ифодага асосан

$$s = 5 + 2 \cdot t$$

бўлиб, бу ифода ёрдамида жисмнинг ихтиёрий вақтда босиб ўтган йўли топилади. Тажрибалар ўтказилганда, ҳаракатни жадвал ёрдамида ифодалаш қулай бўлади. Физикадаги кўплаб қонуниятлар тажрибаларда олинган жадваллардан фойдаланиб яратилган. Юқоридаги мисолда келтирилган ҳаракат тенгламасидан фойдаланиб, жадвал тузайлик.

Биз юқорида кўриб ўтган мисолдаги йўл билан вақт ўртасидаги чизиқли муносабатни умумтаълим мактабларининг 6-синф математика дарсида ўтиладиган тўғри чизиқли функция

$$y = k \cdot x \quad (5)$$


ФИЗИКА, ТЕХНИКА

орқали тасвирлаш мумкин, бу ерда k – ихтиёрий доимий катталиқ. Ушбу функциянинг графиги ҳам тўғри чириқдан иборатлигини яхши биламиз. Бу ердан шундай хулоса келиб чиқадики, физика дарсларини ўтиш жараёнида учраб турадиган турли даражадаги функционал боғланишларни математика курсида ўтиладиган функцияларни билган ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш ва зарур ҳолларда уни график ҳолда тасвирлаш мумкин бўлар экан.

2. Физика масалаларини ечишда юқорида санаб ўтилган функциялардан ташқари параболик функцияларга дуч келамиз. Масалан, физика предметининг механика бўлимида жисмнинг оғирлик майдонида эркин тушиши ҳаракати, иш ва энергия бўлимида эса кинетик энергия формулалари параболик функциялар орқали ифодаланади [3,220].

Физикавий функционал боғланишлар	Математик функциялар
$h = g \frac{t^2}{2}$ $E = m \frac{v^2}{2}$	$y = a \frac{x^2}{2}$

Физикавий ҳодисанинг моҳиятини тўла тушуниш учун албатта унинг графикларидан фойдалансак яхши бўлади.



2-расм. Параболик функциянинг ўзгариш графиги.

Масалан, математикада оддий параболик функциянинг графигини 2-расмдагидек

тасаввур қилиш мумкин. Бунда тенгликда иштирок этаётган катталиқларнинг аниқланиш соҳаси, қийматлар соҳасини билган ҳолда жадвал тузиб берилган функциянинг графигини ҳосил қилиш мумкин. Ўқувчи ушбу берилган функциянинг ўзгариш қонунларини таҳлил қилгач, бу билимларни физик масалаларга бемалол татбиқ қилса бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, умумтаълим мактабларида физика предметини ўтишда, хусусан, лаборатория машғулотида ҳамда масалалар ечиш давомида математиканинг асосий тушунча ва формулаларидан фойдаланиш билан ўқувчилар ўқув мавзуларини тез ва осон ўзлаштирадilar ҳамда таҳлил қила билиш кўникмаларини шакллантирадilar, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Турдиев Н.Ш. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун физика дарслиги. –Т., 2017.
2. Мирзааҳмедов М.А., Раҳимқориев А.А., Исмаилов Ш.Н., Тўхтаходжаева М.А. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун математика дарслиги. –Т., 2017.
3. Ш.А.Алимов, Холмуҳамедов О.Р., Мирзааҳмедов М.А. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун алгебра дарслиги. –Т., 2014 .

(Тақризчи: К.Онаркулов – физика-математика фанлари доктори, профессор).

УДК: 536.658:541.183

**CaA (M-22) ЦЕОЛИТИДА КАРБОНАТ АНГИДРИД ГАЗИ АДсорбциясининг
ЭНЕРГЕТИКАСИ****ЭНЕРГЕТИКА АДсорбции УГЛЕКИСЛОГО ГАЗА В ЦЕОЛИТЕ CaA (M-22)****ENERGETICS OF CARBON DIOXIDE GAS ADSORPTION IN ZEOLITE CaA (M-22)****О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов****Аннотация**

CaA (M-22) цеолитида карбонат ангидрид адсорбцияси дифференциал иссиқлиги, изотермаси, дифференциал энтропияси ва термокинетикаси 303 К ҳароратда ўлчанди. Олинган натижалар асосида CaA (M-22) цеолитида карбонат ангидрид адсорбцияси бошланғич тўлдиришдан то тўйинишгача бўлган механизм батафсил ёритиб берилди. Адсорбция изотермаси МХТН тенгламаси ёрдамида тавсифланди.

Аннотация

Дифференциальные теплоты, изотерма, дифференциальная энтропия и термокинетика адсорбции углекислого газа в цеолите CaA (M-22) измерены при температуре 303 К. На основе полученных результатов, раскрыт детальный механизм адсорбции углекислого газа в цеолите CaA (M-22) от нулевого заполнения до насыщения. Изотерма адсорбции охарактеризована при помощи уравнения ТОЗМ.

Annotation

Isotherm, differential heats, entropy and thermo kinetics of carbon dioxide adsorption in CaA (M-22) élite were measured at 303K. The detailed mechanism of carbon dioxide adsorption in CaA (M-22) zeolite from zero filling to saturation was discovered. The adsorption isotherm was quantitatively reproduced by VOM theory equations.

Таянч сўз ва иборалар: изотерма, иссиқлик, энтропия, термокинетика, ион-молекуляр комплекслар, CaA (M-22) цеолит, CO₂, адсорбцион калориметр.

Ключевые слова и выражения: изотерма, теплоты, энтропия, термокинетика, ион-молекулярные комплексы, цеолит CaA (M-22), CO₂, адсорбционный калориметр.

Keywords and expressions: isotherm, heats, entropy, thermokinetics, ion-molecular complexes, CaA (M-22) zeolite, CO₂, adsorption calorimeter.

Кириш. Цеолитлар ҳозирги кунда табиий газларни қуритишда, нефть ва нефть маҳсулотларини қайта ишлаш саноатида катализаторлар сифатида қўллашда ва уларни тозалашда муҳим адсорбентлар сифатида кенг ишлатилади. Цеолитларнинг каталитик фаоллигини илмий асослаш учун замонавий талабларга жавоб берадиган илмий тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда цеолитларда борадиган адсорбция жараёнларининг назарий асосларини мунтазам равишда фундаментал тадқиқ қилиш зарур. Ҳозирги кунда цеолитларнинг саноат миқёсида кенг қўлланилиши ва катализаторлар сифатида ишлатилиши кўпчилик тадқиқотчиларнинг қизиқишларига ва изланишларига сабаб бўлмоқда [1,3-8].

Цеолитларда турли супербўшлиқлар мавжудлиги сабабли карбонат ангидрид адсорбцияси сабаблари бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунинг учун бир гуруҳ тадқиқотчи олимлар ишлаб чиқариш жараёнларида табиат ва атроф муҳит муҳофазаси муаммоларининг олдини олиш мақсадида атмосферага чиқариб юбориладиган

зарарли газлардан карбонат ангидрид, шунингдек, табиий газ сифатини яхшилаш бўйича илмий изланишлар олиб боришиб, ўз илмий хулосаларида CaA цеолити ғовақларига карбонат ангидрид молекулаларининг мустақкам адсорбцияси тўғрисида тадқиқотлар олиб боришган [2,14-17; 3,14-27].

Адсорбентга адсорбат молекулаларининг ўзаро боғланишини ўрганишда прецизион структура-сезувчи усуллар ўртасида адсорбцияли калориметр усулига жуда катта эътибор қаратиш лозим. Мазкур усулда тадқиқотлар олиб борилиши юза қисмининг кристаллохимияси, шунингдек, қаттиқ жисм юзасида фаол марказларда молекулаларо бирикиш механизмларининг муаммоли масалаларини ечиш имконини беради [4, 89-92].

А типли цеолитда кубооктаэдрлар оддий кубсимон панжарани ҳосил қилади [1,3-8; 3, 314-319; 4,89-92; 5,866]. Ҳар бир кубооктаэдр олти қўшни тўртта аъзоли кислородли

О.Эргашев – Наманган муҳандислик технологиялари институти, кимё фанлари доктори.

М.Коххаров – ЎзРФА, Умумий ва ноорганик кимё институти, таянч докторант (PhD).

Э.Абдурахмонов – ЎзРФА, Умумий ва ноорганик кимё институти, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

КИМЁ

кўприклар билан бирлашган. Саккизта кубооктаэдр орасидаги бўшлиқлар эса катта ғовакларни ташкил этади.

Элементар кубсимон ячейка $12,30 \text{ \AA}$ ўлчамга эга. Энг катта бўшлиқ, яъни кириш ойнаси ўлчами $5 \text{ \AA}$ ни ташкил этади. Ушбу цеолитларнинг кириш ойнасининг ўлчами $5 \text{ \AA}$ эканлигини ҳисобга олиб, карбонат ангидрид молекуласининг ўлчами $3,1 \text{ \AA}$ ва диаметрининг узунлиги $4,1 \text{ \AA}$ эканлигини инобатга олсак, адсорбция механизмининг яхши боришини кузатиш мумкин.


А типдаги цеолитларнинг 1 грамм миқдорида катта бўшлиқдаги ғовакларнинг сони $3,53 \cdot 10^{20}$ бўлиб, катта бўшлиқдаги ғовакларнинг ўлчами $776 \text{ \AA}^3$ ни, кичик бўшлиқларининг ўлчамлари эса $150 \text{ \AA}^3$ [5, 866; 6, 1183] миқдорини ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари ва объектлари. Тадқиқотнинг объекти сифатида танлаб олинган СаА (М-22) цеолитининг тузилиши бўйича формуласи қуйидагича, яъни $\text{Ca}_{2,975}\text{Na}_{1,194}(\text{SiO}_2)_{12}(\text{AlO}_2)_{12}$. Юқори вакуумли адсорбцияли дифференциаллаштирилган ДАК-1А маркадаги калориметрик қурилмада СаА (М-22) адсорбентига карбонат ангидрид

молекулаларининг адсорбция хусусиятлари ўрганилди [7,10-31;8,423-430]. Тажриба дастлаб 8 соат давомида 450°C ҳароратда М-22 цеолити адсорбенти вакуумли насос ва диффузион насос ёрдамида 10^{-6} (босимни ўлчов бирлиги) босим ҳосил бўлгунча ҳавоси сўриб олинади. Адсорбат (ютилувчи модда) сифатида олинган карбонат ангидрид ҳам вакуум ҳолатигача ҳавоси чиқарилиб тозаланди, шиша най орқали тозаланган турли хил адсорбатлардан ўтказилди ва қуруқ газ ҳолатида эксперимент олиб бориш учун тайёрланди. Тадқиқот ишлари юқори вакуумли адсорбцияли қурилмада ҳажмий усулда олиб борилди.

Олинган натижалари ва муҳокамалар.

Адсорбциянинг изотермаси ҳажмий усулда ўлчанган. Ўлчанган изотермалар хатолигининг аниқлик даражаси 0,1 % ни, адсорбция иссиқлиги эса 1% ни ташкил қилади. СаА (М-22) цеолитида CO_2 адсорбцияси изотермаси 303 К да $\ln(p/p^\circ)$ формуласи ($p^\circ=54806 \text{ torr}$, $p^\circ-\text{CO}_2$ газининг 303К ҳароратда тўйиниш босими) бўйича ҳисобланган. Адсорбция миқдори ммоль/г да ифодаланиб, тадқиқот натижалари 1-расмда келтирилган.




1-расм. 303 К да СаА (М-22) цеолитида CO_2 адсорбцияси изотермаси
 Δ -эксперимент қиймат; $\blacktriangle$ -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган

СаА (М-22) туркумига мансуб цеолитга CO_2 газ молекулаларининг адсорбция изотермаси дастлаб 1 ммоль/г га етгунча секинлик билан ошиши кузатилиб, 4,5 ммоль/г бўлгунча тўғри чизик бўйича даврий ошиб бориши кузатилади. Адсорбция изотермасининг 1 ммоль/г миқдорига етгунча даврий ошиб боришини карбонат ангидрид молекулаларини цеолит супербўшлиқлари ичига кириб бориши билан, кейинчалик тўғри

чизик бўйлаб ошиб боришини эса цеолит ғовакларининг тўлиши билан изоҳлаш мумкин. СаА (М-22) типли цеолитга CO_2 газининг адсорбция изотермаси икки ҳадли микроғовакларнинг тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида (МХТН) тавсифланди [9, 6.1-70, 10, 6.2644-2645].

$$a = 39,84 \exp[(A/20,58)^4] + 8,71 \exp[(A/16,58)^4]$$


a – микроговакларда адсорбция (ммоль/г), $A = RT \ln (P^0/P)$ – эркин энергия иши (кЖ/моль).



2-расм. 303К температурада СаА (М-22) цеолитида CO_2 адсорбцияси дифференциал иссиқлиги. Горизонтал штрих чизик конденсация

303 К ҳароратда СаА (М-22) типдаги цеолитга CO_2 газидорбциясининг (Q_d) дифференциал иссиқликка боғлиқлик эгрилиги 2-расмда келтирилган. Узук-узук тўғри чизиклар 303 К ҳароратда ($\Delta H_v = 27$ кЖ/мол)да углерод (IV) оксидининг конденсацияланиш иссиқлиги келтирилган. СаА (М-22) цеолити учун дифференциал иссиқлик миқдори $Q_d \sim 65,37$ кЖ/моль миқдордан бошланади. Бунда адсорбция миқдори 0,07 ммоль/г ни ташкил этади, тадқиқот ишининг кейинги босқичларида дифференциал иссиқлик миқдори 42,58 кЖ/молгача пасаяди ва бунда адсорбция миқдори 0,41 ммоль/г ни ташкил этади. Адсорбция миқдори, 2,8 ммоль/га етганда, дифференциал иссиқлик миқдори Q_d 57,4 дан 37 кЖ/молгача камайиши кузатилади. Кейинчалик адсорбция миқдори 0,41 ммоль/г


ва 1,05 ммоль/г лар оралиғида дифференциал иссиқлик миқдори 42,58 кЖ/молдан 48,55 кЖ/моль оралиғида бўлади. Адсорбция миқдори 0,41 ммоль/гдан 3,52 ммоль/г гача бўлганда, дифференциал иссиқлик тўлқин шакли кўринишида бўлади ва 42,58 дан 28,44 кЖ/молгача ўзгариб туради. Жараён охирида, яъни 4,20 ммоль/г да иссиқлик конденсация қийматига тенглашиши кузатилади. СаА (М-22) цеолити жами 4,2 ммоль/г (7 CO_2 /эя) CO_2 газидорбциялайди. СаА (М-22) цеолити бўшлиқлари марказлари турли хил энергия жиҳатидан тўйинмаган координациялар Ca^{+} катионларига CO_2 молекулаларини ва бўшлиқлардаги ҳар бир поғоначаларга стехиометрик ўлчовлар бўйича адсорбциялайди.



3-расм. 303К температурада СаА (М-22) цеолитида CO_2 адсорбцияси дифференциал энтропияси. Горизонтал штрих чизиклар – ўртача интеграл энтропия.

Адсорбция жараёнининг миқдорий тавсифи учун калориметрик маълумотлар асосида 5 та бўлимга эгри чизиқ Q_d бўйича бўлинади: 0.79-0.14 дан ммоль/г гача (1 молекула CO_2), 1.43-0.79 дан ммоль/г гача (1 молекула CO_2), 2.37 -1.43 дан ммоль/г гача (1 молекула CO_2), 3.29-2.378 дан ммоль/г гача (1 молекула CO_2 .) ва охирида, 3.29-3.96 ммоль/г гача (1 молекула CO_2 .) 3-расмда 303 К да СаА (М-22) га CO_2 адсорбцияси (ΔS_d)нинг дифференциал энтропияси кўрсатилди. Дастлабки CO_2 адсорбция жараёнида энтропия суюқ ҳолатда бўлади. Умуман олганда, адсорбциянинг бошида ва ўрта қисмларида CO_2 суюқ ҳолатда бўлади.

СаА (М-22) га CO_2 адсорбциясида эгри чизиқлар кўринишидаги адсорбция



4-расм. 303 К температурада СаА (М-22) цеолитида CO_2 адсорбцияси мувозанат вақти

4-расмда СаА (М-22) цеолитига CO_2 молекулаларининг адсорбцияланиши графиги келтирилган. Бунда дастлаб мувозанат вақти юқори бўлади. Дастлаб 9 соатда мувозанат қарор топади. Адсорбция миқдори 0,49 ммоль/гга етганда, мувозанат вақти 5, 38 соатни ташкил қилади. Бу ҳолатда цеолит ғовакларига CO_2 молекулаларининг тақсимланиши учун мувозанат вақти кўпроқ кетади. Кейинчалик мувозанат вақти аста-секин кўтарилиб, тўлқинсимон кўринишда 4,76 соатгача камайиши кузатилади ва бу ҳолатларда адсорбция миқдори 0.14-3.44 ммоль/г оралиғига тўғри келади. Кейинчалик

дифференциал иссиқлиги ва энтропияси бошланғич босқичдан зудлик билан 18,95 Ж/моль*К гача кўтарилиб, ундан кейин биринчи икки қисмга максимал ва минимал қийматларга ўтади ва учинчи бўлимда секинлик билан камаяди. Жараён охирида адсорбция энтропияси кескин -22 Дж/моль*К гача пасайиб, кучли адсорбцияланади. Охирги босқичда CO_2 молекулаларининг тўрттаси бирикиб, бешта Ca^{2+} катионларига тўрт ўлчамли кластерларнинг кучли локализацияланиши кузатилади. СаА (М-22) цеолитига ўртача интеграл энтропия 5,82 Дж/моль*Кни ташкил этади, бу эса адсорбцияланган CO_2 молекулалари ҳаракатланиши суюқ ҳолатидаги CO_2 дан анча юқоридир.

мувозанат вақтини кескин, бир соатдан бир неча дақиқага тушиб кетиши кузатилади.

Хулоса. Барча босқичлар цеолит супербўшлиқларидаги Ca^{2+} катионларига стехиометрик қонуниятлар асосида карбонат ангидрид молекулалари адсорбцияланишидан далолат беради. СаА (М-22) цеолитига жами 4,2 ммоль/г карбонат ангидрид газини адсорбцияланади. СаА (М-22) цеолитига, карбонат ангидрид молекулалари адсорбция энтропияси суюқ ва газ ҳолатида бўлади. Дастлабки мувозанат вақти юқори бўлади, кейинчалик аста-секинлик билан мувозанат вақти камайиб боради. Цеолит ғоваклари тўйиниши билан мувозанат вақти камайишини

адсорбат билан арсорбат молекулаларини ўзаро таъсири боғланишлари билан изоҳлаш мумкин. СаА (М-22) цеолитига CO_2 молекулалари адсорбцияси адсорбцион хусусиятларини ўрганиш жараёнида, яъни дифференциал иссиқлик, изотерма, энтропия

ва мувозанат вақти қийматларини солиштирганда термодинамик хусусиятларининг бир-бирига мослиги аниқланди.

Адабиётлар:

1. G.U. Raxmatkariyev, E.B. Abduraxmonov, F.G. Raxmatkariyeva, G.A.Doliyev. Energetika adsorbsii ammiaka v seolite LiX. // Uzb. xim. jurn. -2017. №5.
2. Yang, H.; Xu, Z.; Fan, M.; Gupta, R.; Slimane, R. B.; Bland, A. E.; Wright, I., Progress in Carbon Dioxide Separation and Capture: A Review. Journal of Environmental Sciences-China. 2008, 20.
3. Montanari, T.; Finocchio, E.; Salvatore, E.; Garuti, G.; Giordano, A.; Pistarino, C.; Busca, G., Co(2) Separation and Landfill Biogas Upgrading: A Comparison of 4a and 13x Zeolite Adsorbents. Energy. 2011, 36.
4. O.K.Ergashev. Sodalitda ammiak adsorbsiyasi energetikasi // Kompozitsion materaillar. №3. 2018
5. Dubinin M.M. Sostav elementarnix yacheek i predelnie adsorbtsionnie ob'emi degidratirovannih kristallov sinteticheskix tseolitov //Dokl. AN SSSR, -1961.t.138.
6. Dubinin M.M. Sopostavlenie vichislennih i eksperimenttalnih velichin adsorbtsii i asorbtsionnih ob'emov dlya sinteticheskix tseolitov tipa A //Izv. AN SSSR, seriya him., -1961.
7. B.F. Mentzen, G.U. Rakhmatkariev. Host/Guest interactions in zeolitic nanostructured MFI type materials: Complementarity of X-ray Powder Diffraction, NMR spectroscopy, Adsorption calorimetry and Computer Simulations // Узб. хим. журнал. 2007, №6.
8. U. Rakhmatkariev. Mechanism of Adsorption of Water Vapor by Muscovite: A Model Based on Adsorption Calorimetry // Clays and Clay Minerals, 2006 vol. 54.
9. Dubinin M.M. Physical adsorption of gases and vapors in micropors //Progress in Syrf. membr. Sci., N-Y., London, Academic Press. -1975. -v.9.
10. Raxmatkariev G.U., Isirikyan A.A. Polnoye opisanie izotermi adsorbtsii uravneniyami teorii ob'emnogo zapolneniya mikropor //Izv.AN SSSR, Ser.xim. -1988. -№11.

(Тақризчи: А.Ибрагимов – кимё фанлари доктори, профессор).

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ҚУШЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ ВА МУҲОФАЗАСИ

ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ РАСПРОСТРАНЕНИЕ И ОХРАНА ПТИЦ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

GEOGRAPHICAL DISTRIBUTION AND PROTECTION OF BIRDS IN FERGANA VALLEY

М.Ҳолиқов, Ё.Аҳмедова

Аннотация

Мақолада Фарғона водийсидаги қушларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси ҳақидаги фикрлар берилган. Қушларнинг водий учун характерли вакиллари, тур сони, тоғли, тоғолди, чўл зоналар, ярим чўлларда учрайдиган қушлар, яъни йилқичи, йўрғатувалоқ, сариқ сор, тоғ чумчуқ, тасқара, қора калхат кўрсатиб ўтилган. Дунё бўйича 9000 та турдан 87 тури водийда учраши, уларнинг 14 таси учиб келиб-кетадиган қушлар эканлиги таъкидланади.

Аннотация

В статье представлены данные о географическом распространении птиц и их охране в Ферганской долине. В ней перечисляются некоторые виды птиц, которые распространены в степной, горной и предгорной зонах, а также в полупустыне, где встречаются авдотка, дрофа-красотка, сарыч, малиновка, гриф, черный коршун и другие птицы. Мировая фауна насчитывает 9000 видов птиц, 87 из которых обитают в долине, в том числе 14 видов перелетных птиц.

Annotation

In this article, on the basis of literature data and authors research geographical wide spread of birds and their protection in the Fergana valley are given.

Таянч сўз ва иборалар: йилқичи, йўрғатувалоқ, сариқ сор, тоғ чумчуқ, тасқара, қумой, қора калхат, оқбошли қумой.

Ключевые слова и выражения: авдотка, дрофа-красотка, сарыч, малиновка, гриф, снежный гриф, черный коршун, белоголовый сип.

Keywords and expressions: swallow, lilac, yellow sorghum, desert-rock-cutters, snake, sandstone, snow leopard, white gum.

Қушлар ҳайвонот дунёси ичида ўзининг хилма-хиллиги ҳамда тур таркиби жиҳатидан бошқа ҳайвонот дунёси вакилларида ажралиб туради. Ўзбекистон бўйича амалга оширилган орнитологик тадқиқотларнинг амалга ошиши натижасида шундай хулосага келиндики, Фарғона водийсининг қушлари ва уларнинг географик тарқалиши ҳақида кам тўхталиб ўтилган. Фарғона водийсининг иқлим шароити Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан фарқ қилади. Шунга мувофиқ, бу ердаги фауна водийнинг рельефи, сувлари, тупроқлари ҳамда иқлим шароитига мос ҳолда шаклланган. Бу ерда кенг тарқалган келиб-кетувчи, учиб ўтувчи, камайиб бораётган ва ноёб турлар фарқланади.

Дунё бўйича қушларнинг 9000 тадан ортиқ тури тарқалган бўлса, шундан Ўзбекистон бўйича 432 га яқин тури қайд қилинган, Фарғона водийсида уларнинг 87 тага яқин тури ҳисобга олинган. Шулардан водийда ўтроқ яшовчи қушлар 25 (Фарғона водийси жами қушларининг 28.73%) тага яқин турни, келиб-кетувчи қушлар эса 48 (Фарғона водийси жами қушларни 55.17%) тага яқин турни ҳамда учиб-ўтувчи қушлар 14 (Фарғона водийси жами қушларининг 16.1%) тага яқин

турларини ўз ичига олади. Бу турларнинг географик тарқалишини Фарғона водийсида қуйидагича тақсимлаш мумкин.

Текисликлар жуда катта майдонни эгаллайди, шундан 56% майдон Марказий Фарғона ҳудудига тўғри келади. Текисликларда чўлларнинг бир неча тури фарқ қилинади: қумли, соз тупроқли, шўрхок, тошлоқ (гипсли) ва бошқалар. Фарғона водийсидаги қумли ҳамда соз тупроқли чўллар (Фарғона, Ёзёвон дашти) анчагина майдонни ташкил қилади. Чўл ҳудудида яшовчи қушлар узоқ давом этадиган қурғоқчилик шароитига, жазирама иссиққа чидамли бўлади. Шунинг учун бу ердаги қушларнинг ҳаёт шароити бошқа минтақа қушлариникидан кескин фарқ қилади. Жумладан, водийдаги чўлларда қушларнинг бир неча туригина (йилқичи, тентакқуш, бойқуш, сўфитўрғай, шўрхок тўрғай, дашт тўрғайи, чўл бўктаргиси, жўрчи, йўрға-тувалоқ, миққий кабилар) тарқалган. Бу ерда турли хил шароитда яшашга мослашган ва кенг тарқалган турлар (тўрғайлар, тошсир чумчуқлар) кўпроқ учрайди.

М.Ҳолиқов – ФарДУ, биология фанлари номзоди, катта ўқитувчи.
Ё.Аҳмедова – ФарДУ, магистрант.

Фарғона водийси ҳудудини жанубдан Туркистон ва Олой, шарқдан Фарғона ва Отўйноқ, шимолдан Чотқол, шимоли-ғарбдан эса Қурама ва Қорамозор тоғ тизмалари чегаралаб туради. Тоғлардаги ҳаёт шароити чўллардагига қараганда бирмунча турлитуманлилиги билан фарқ қилади, шунинг учун бу ердаги қуш турлари яшашига қулай шароит ҳисобланади. Водийда Чала чўлли тоғ минтақаси, тоғ даштлари минтақаси, тоғ ўрмонлари минтақаси ва Альп минтақаси фарқ қилинади.

Чала чўлли тоғ минтақаси адир дейилиб, денгиз сатҳидан 200-600 м баландликда жойлашган тепалик ва тоғ этагидан иборат. Бу минтақада учровчи қушларнинг характерли вакиллари йилқичи, йўрғатуvaloқ, тўрғайларнинг бир неча тури, сариқ сор, чўл тошсирчумчуқлари, кўкқарға, сариқ чумчуқ кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Тоғ даштлари минтақаси ўтли дашт ҳудуди ҳисобланиб, денгиз сатҳидан 600-1100 м баландликда жойлашган. Тоғ даштлари минтақасида характерли қушлардан бедана, каклик, куйка, сор каби турлар учрайди. Тоғ ўрмонлари минтақаси денгиз сатҳидан 1200-2500 м баландликда жойлашган. Бу ерда намлик кўп, деярли ҳамма жойда сув манбалари ва емиш топиш имкони мавжуд. Ўрмонлар орасидаги чуқур жарликлар, тик қоялар ва қоялардан нураб тушган уюмлар кўпгина қушлар учун бошпана бўлади. Ҳудудда тарқалган асосий турлардан вьюроклар, сариқ чумчуқлар, арча болтатумшуғи, читтаклар, фотма чумчуқ, қизилиштон, мойкут, пеночка, зарғалдоқ кабилар кўплаб учрайди. Стенолазлар, пичугаларни аҳён-аҳёнда, тезоқар сувлар ёнида эса деворда юрвчи сув чумчуқлари учрайди. Тоғ чўққилари ва даралар тепасида йиртқич қушлар — тасқара, қумой, бургут, оқбошли қумой сингари характерли вакиллари тарқалган. Водийнинг сув ҳавзалари ҳамда унга яқин бўлган қамишзор ва тўқайлар ёввойи ўрдак, қирғовул, тўқай чумчуғи, оддий какку, сариқ жиблажибон, зағизғон (ҳакка), кўк

ва малла қўтон, олақарға, ваҳмақуш, чуррак, ғозлар, ғарб булбули, мўйловдор читтак, қораялоқ каби қуш турлари тарқалган асосий яшаш жойи ҳисобланади. Бу турлар яшаш шароитидан келиб чиқиб, бошқа ареалларда камроқ учрайди.

Фарғона водийсида воҳа (оазис)лар анчагина жойни ташкил қилади. Воҳалар водийда Марказий Фарғона чўл зонасининг тоғ ёнбағирларида ва чала чўллар минтақасида жойлашган. Улар инсон қўли билан яратилган маданий ландшафтлар ҳисобланади. Бу ҳудудларда водий орнитофаунасининг ўтроқ, келиб-кетувчи, учиб-ўтувчи, турлари фарқланади. Жумладан, шаҳар ва қишлоқларда қушларнинг қишлоқ қалдирғочи, мусича, дала чумчуғи, уй чумчуғи, туя қалдирғоч, майна, қорашақшақ, карқулоқ каби турлари энг характерли ҳисобланиб, кишиларнинг турар жойларида кўп тарқалган. Бундан ташқари, экиб ўстириладиган дарахтзорлар қоракалхат, жиғилтой, кўк каптар, зағизғон, зарғалдоқ, ваҳмақуш, қоратўш чумчуқ, булбул каби қуш турлари учун асосий уя қуриш маскани бўлиб хизмат қилади.

Водийдаги табиий ландшафтларнинг тезкорлик билан ўзлаштирилиши, яъни ерни ҳайдаш, овчиларнинг кўпайиши ёввойи қушларнинг ўйламай-нетмай, қонун-қоидага риоя қилмай ов қилиниши, янги-янги шаҳарлар, қишлоқларнинг вужудга [2.45] келиши, табиатдан оқилонга фойдаланмаслик оқибатида қушларнинг яшаш жойлари ҳамда тур таркибининг камайишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат ҳозирги пайтга келиб Фарғона водийсида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига 19 та қуш турининг киритилишига олиб келди. Фарғона водийсида ёввойи қушлар ва улар жойларининг муҳофазаси бўйича махсус қонунчилик асосида амалий чора-тадбирлар кўрилмаса, уларнинг табиатда йўқ бўлиб кетиши хавфини бартараф қилиб бўлмайди. Ноёб ва йўқолиб кетиш ҳолатида бўлган қушларни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг табиат олдидаги бурчимиз ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Янушевич А.И., Абдусаломов Я., Гаврилов Е.И., Юрлов К.Т., Кашкаров Д.Ю., Еминов А., Ажимуратов А. Местность и экологическая регулярность миграции птиц в континентальных областях западной части Азии. Орнитология. - Выпуск 17. -М., 1982.
2. Беялова Л.Е., Абдусалимов Я. Водохранилище Чимкурған. Важные места обитания птиц. Под ред Кашкарова. Р.Д., Уэлша Д.Р. и Бромбейкера М. с пом. Лановенко Е.Н. —Т., 2008.

(Тақризчи: *Ғ.Ҳомидов* — биология фанлари доктори, профессор).

УЙ ШАРОИТИДА АНОРДАН ШАРБАТ ВА КОМПОТ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ В ДОМАШНИХ УСЛОВИЯХ СОКА И КОМПОТА ИЗ ГРАНАТА

TECHNOLOGY OF JUICE AND POMEGRANATE COOKING AT HOME

Х.М.Шодмонов, Н.З.Сотволдиев, И.А.Акбаров

Аннотация

Мақолада субтропик мевалар, хусусан, анорнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, Фарғона вилоятида анорчиликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида маълумотлар берилган ва анордан уй шароитида шарбат ҳамда компот тайёрлаш технологиялари ёритилган.

Аннотация

В статье приведены сведения о народнохозяйственном значении субтропических плодов, в частности граната, о перспективах развития гранатовых садов в Ферганской области, а также описана технология получения из граната сока и приготовления компота в домашних условиях.

Annotation

The article provides information on the national economic importance of subtropical fruits, in particular pomegranate, on the development prospects of pomegranate orchards in the Fergana region, and also highlights the technology for obtaining juice and compote from pomegranate in home conditions.

Таянч сўз ва иборалар: субтропик, минтақа, навлар, анорзор, қанд, шарбат, танин, лентасимон гижжа, лимон кислотаси, пресслаш, фильтраш, нордон-ширин, пастеризация, қандли сироп.

Ключевые слова и выражения: субтропический, регион, сорта, гранатовый сад, сахар, сок, танин, ленточный червь, лимонная кислота, прессование, фильтрация, кисло-сладкий, пастеризация, сахарный сироп.

Keywords and expressions: subtropical, region, varieties, pomegranate garden, sugar, juice, tannin, tapeworm, citric acid, pressing, filtration, sweet and sour, pasteurization, sugar syrup.

Ўзбекистонда, хусусан Фарғона водийсида етиштириладиган субтропик мева экинлари орасида анор етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда субтропик мевачиликни ривожлантиришнинг асосий йўналиши йирик субтропик экинлар дарахтларини яратишдир. Субтропик меваларнинг юқори ҳосиллилиги ва тезпишарлилиги, ушбу экинларнинг юқори рентабеллигини ва иқтисодий самарадорлигини белгилайди.

Субтропик мевачиликни ривожлантириш, айниқса етиштиришни кўпайтириш бўйича қўйилган вазифалар, ушбу экинларнинг биологияси, минтақанинг табиий шароитини ўрганиш, навларни танлаш, етиштириш ҳамда қайта ишлаш технологиясини ва субтропик мева ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг илмий асосланган истиқболлини ишлаб чиқишни тақозо этади [1,134-135].

Республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Фарғона водийсига ташрифи чоғида Қува туманидаги “Фарғона анорчилик” масъулияти чекланган жамияти

шаклидаги агрофирма фаолияти билан танишган эди.

Тарихий ташриф давомида анорчилик бўйича илмий марказ, Фарғона Давлат университетида кафедра ташкил этиш, инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда ген технологиясини ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон анори бўйича бренд яратиш, Фарғона вилоятида яқин йилларда анорзорларни 20 минг гектарга етказиш, кўчатчиликни кенгайтириш, данаксиз анор навларини ўзлаштириш бўйича топшириқлар берилди [2,1-2].

Фарғонада анорчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги “Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 791-сонли қарори юзасидан 9 октябрь куни Фарғона вилояти ҳокимининг 506-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида яқин йилларда вилоятимизда 20 минг гектар майдонда анорзорлар ташкил

Х.М. Шодмонов – ФарПИ, техника фанлари номзоди.
Н.З. Сотволдиев – ФарПИ, техника фанлари номзоди.
И.А.Ақбаров – ФарПИ, ассистент.

этилиб, 30 мингта янги иш ўрни яратилади [3, 1-2].

Ана шу юқоридагиларни эътиборга олиб, республикаимизда, хусусан вилоятимиз шароитида анорчиликни ривожлантириш мақсадида уни етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда анор меваларини қайта ишлашни йўлга қўйиш ушбу соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, анор - кучли шоҳланган дарахт ёки тиканли шоҳлардан иборат, бўйи 2-10 метр бўлган дарахт ёки бутасимон ўсимликдир. Анор меваси резасимон, йирик, катта қисми қизил ёки қизғишсимо пўст билан ўралган мева этидан иборат. Кўп сонли уруғлари (битта мевада 300 тадан 1500 тадонагача) ҳар хил, оч пушти рангдан тўқ қизил ранггача бўлган рангдаги ейишли эт билан ўралган. Битта мевасининг оғирлиги 250-800 граммгача, айрим мевалари 1000 граммгача боради ва ундан юқори [5, 193].

Анорнинг ватани Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистон, ёввойи турлари Ўрта ер денгизи атрофи, Марказий Осиёнинг жанубида, Қрим, Кавказ, Эрон, Афғонистон, Олд Осиё ва Доғистон, тоғли Туркменистонда учрайди. Ўзбекистонда Қува, Наманган, Денов, Сариосиё (Дашнобод), Шеробод, ва Китоб туманлари ўзининг аъло сифатли анорлари билан машҳурдир [4, 3-4].

Анор мевалари асосан янгилгича истеъмол қилинади. Ундан шарбат, вино ва компот тайёрланади. Анор шарбати таркибида 8-19 % қанд, 0,4 дан 2,5% гача лимон кислотаси ва витамин С бўлиб, у цингга касаллигига қарши яхши восита ҳисобланади.

Қанд ва кислота миқдорининг кўплиги, унинг ўзига хос таъми билан бирга анор шарбатининг ўта тозаловчи таъсирини белгилайди. Анор шарбати нафақат ширин, балки ва жуда фойдалидир. Таркибида танин миқдорини юқорилиги, темир моддасининг кўплиги, лимон кислотанинг мавжудлиги ва бошқа фойдали хусусиятлари анор шарбатига атеросклероз, иситма ва бошқа касалликларни даволовчи восита сифатини бахш этади.

Анорнинг пўсти тиббиётда (табобатда) лентасимон гижжада гижжага қарши восита сифатида, қайнатма ва экстракт кўринишида фойдаланилади. Шарбат, таркибида кислотанинг миқдorigа қараб, 3 та гуруҳга бўлинади: кислотанинг миқдори 0,9% гача бўлса - ширин, 0,9 дан 1,8% гача - нордон-ширин ва 1,8 % дан юқори бўлса, нордон [5,193-194]. Ўзбекистонда анорчиликда мазаси, шарбат чиқиши, кимёвий таркиби

бўйича жаҳон стандарти талабларидан қолишмайдиган навлари тарқалган. Энг кўп тарқалгани Қозоқи анор, Қизил анор, Қайин анор, Аччиқ дона ва бошқа навларидир. Ушбу нордон, ширин навлардан юқори сифатли шарбат олинади. Шарбат олиш учун танланган тўққизил ёки малина рангли нордон-ширин ва нордон-мазали анор мевалари обдан ювилади, зангламайдиган пичоқ билан пўстининг юқори рангли қисми эҳтиёткорлик билан кесилади. Сўнгра анорнинг пўсти ичидаги меваси (уруғи)га шикаст етказмай, 4 та бўлакка бўлинади. Йирик меваларда пўсти 6 та ёки 8 та бўлакка кесилади.

Мевадан эҳтиёткорлик билан, эзилишига йўл қўймасдан анор (уруғ) доналари чиқарилади. Мевадан анор доналарини ажратишда унга пўстининг ёки ички пардасимон тўсиқ бўлакчалари тушмаслиги керак, акс ҳолда шарбатни танин билан бойитиб, уни тўқ жигарранг тусга келтиради. Мевалар эмалланган идишга йиғилади ва қўл прессларида прессланади. Сиқилган анор уруғлари бир неча марта аралаштирилади ва яна сиқилади. Пресслаш жараёни аста-секинлик билан амалга оширилади. Бирданига кучли босим қўллаш тавсия этилмайди. Анордан 30% гача шарбат олиш мумкин. Янги сиқилган шарбат эмалланган кастрюлкага йиғилади ва тиндиришга қўйилади. Сўнгра 70-75°C гача қиздирилади ва филтрланади. Филтрлаш учун қалин мато (фланель) ёки 3-4 қаватли докадан фойдаланилади.

Филтрлаш сифатидан қатъий назар, резавор мева шарбатлари маълум муддат тинч ҳолатда туриши керак, бунда филтрлаш жараёнида матодан ўтиб кетган йирик зарралар ўтиради ва шарбат янада тиниқлашади. Сиқилган анор шарбатида янги мева мазаси ва хушбўйлигини сақлаш мақсадида тиндирилган ва филтрланган шарбат 85°C гача қиздирилади ва иссиқ ҳолда олдиндан тайёрланган баллонларга ёки банкаларга қўйилади. Сўнгра зудлик билан лакланган ва қайнатилган қопқоқлар билан ёпилади ва пастеризация қилиш учун 80°C гача қиздирилган сувли ваннага жойлаштирилади.

Пастеризация режими 85°C да, ҳажми 0,5 литрли банкалар учун 15 минут, 1 литрли банкалар учун 20 минут, 2 литр ҳажмли банкалар учун 30 минут, 3 литрли банкалар учун 40 минут, бунда ваннадаги ҳарорат доимо 85°C да ушлаб турилиши керак [5,194].

Пастеризациядан сўнг банкалар беркитилади ва тўнтарилиб, қопқоққа ўрнатилади ва совутилади. Сақлаш жараёнида шарбат тиниқлашади ва банка тубида қорамтир

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

чўкмалар ўтиради. Шунинг учун шарбатни истеъмол қилишда уни эҳтиёткорлик билан, чўкмани қўзғатмай, лойқалатмасдан қуйиш керак. 1 литр анор шарбати олиш учун 3330 грамм анор меваси талаб этилади. Нордон шарбатли анор мевалари пресслангандан кейин шарбатга 15-20% шакар қўшилади, шундан сўнг шарбат 70-75°C гача қиздирилади ва филтрланади. Сўнггра шарбат юқоридагидек тартибда консерваланади.

Компот тайёрлаш учун танлаб олинган ва ювилган анор мевалари пичоқ билан кесилади, уруғлари (доналари) эҳтиёткорлик билан чиқариб олинади ва эмалланган идишга йиғилади. Ички пардасимон тўсиқлар ва ташқи пўстининг бўлакчаларисиз, тоза анор уруғлари шиша банкаларга зич қилиб жойлаштирилади, сўнггра нордон-ширин анорлар учун 30-40 % ли, нордон анорлар учун 40-50 % ли, ҳарорати 60-70°C ли иссиқ қандли қиём билан тўлдирилади.

Қандли қиём, яъни сироп тоза ва тиниқ бўлиши керак. Тўлдирилган банкалар, қайнатилган лакланган металл қопқоқлар билан ёпилади ва пастеризациялаш учун 70-80°C гача қиздирилган сувли ваннага қўйилади. Пастеризациялаш режими 85°C ҳароратда 0,5 литр ҳажмли банкалар учун 12-15 мин, 1,0 литрли банкалар учун эса 15-20 минут [5,195].

Пастеризациядан кейин банкалар герметик беркитилиб, тўнтарилади ва совитиш учун қопқоққа ўрнатилади.

Хулоса қилиб айтганда, сифатли шарбат олиш ва компот тайёрлаш учун, энг аввало, шарбат чиқиш миқдори юқори, яхши пишиб етилган, тўқ, касалланмаган ва шикастланмаган анор мевалари танланади. Қолаверса, шарбат тайёрлашда ўта тозаликка, гигиена ва бошқа қоидаларга, тайёрлаш режимига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Выявить хозяйственно-ценные сорта граната. Годовой отчет за 1986 г. по НИР Ферганской селекционной плодово-виноградарской станции НПО по садоводству, виноградарству и виноделию имени Р.Р.Шредера.
2. «Фарғона ҳақиқати» газетаси. -2018 йил 19 декабрь, 101 (24282) сони.
3. «Фарғона ҳақиқати» газетаси. -2018 йил 22 декабрь 102 (24283) сони.
4. Саимназаров Ю.Б., Акрамов У.И. Анор ва унаби етиштириш бўйича тавсиялар. -Т.: Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, 2017.
5. Разумов А. Консервирование фруктов и овощей в домашних условиях. 5-е изд., испр. -Т.: Ўзбекистон 1979.

(Тақризчи: Ғ.Ҳомидов – биология фанлари доктори, профессор).

УДК: 631.4

СУҒОРИЛАДИГАН КОЛЬМАТАЖЛАНГАН ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

ИЗМЕНЕНИЕ АГРОХИМИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ОРОШАЕМЫХ КОЛЬМАТИРОВАННЫХ СВЕТЛЫХ СЕРОЗЕМОВ

CHANGES IN THE AGROCHEMICAL PROPERTIES OF IRRIGATED COLMATED LIGHT SIEROZEMS

Ғ.Юлдашев, Ғ.Сотиболдиева

Аннотация

Мақолада суғориладиган кольматажланган тупроқларнинг ҳосил бўлиш жараёнида дарё сувлари қалқиндилари агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши, тузларнинг аккумуляцияси, минерализацияси ва миқдори келтирилган.

Аннотация

В статье представлены данные об изменении агрохимических свойств, аккумуляция солей, минерализация и количество речных наносов в процессе образования орошаемых кольматированных почв.

Annotation

The paper presents the change in agrochemical properties, salt accumulation, mineralization and the amount of river sediment during the formation of irrigated colmated soils.

Таянч сўз ва иборалар: тупроқ, шаклланиш, қатлам, суғориладиган, кольматажланган оч тусли бўз тупроқлар.

Ключевые слова и выражения: почва, формирование, горизонт, орошаемый, кольматированный светлый серозем.

Keywords and expressions: soil, formation, irrigated, horizon, colmated, light grey sierozems.

Кириш. Дунёда суғориладиган кольматажланган тупроқлар генезисини, морфологиясини, макро ва микроэлементлар билан таъминланганлик даражасини чуқур илмий-амалий тадқиқ қилишга, бу тупроқларнинг педогеоимёвий ҳолатини яхшилашга, қишлоқ хўжалиги экинларини танлаб экиш ва улардан сифатли, мўл ҳосил олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида суғориладиган, кольматажланган, тош-шағалли бўлган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, тупроқлар таснифига кўра, [1] тоғ ёнбағри этакларида нисбий баландлик [4] 400 м гача бўлган майдонларда оч тусли бўз тупроқлар шаклланиган [2,352]. Воҳа тупроқлари эса шулар негизда [3,208; 6,237] суғоришлар таъсирида шаклланади. Бундай, яъни воҳа тупроқлари қаторига тош-шағалли, кольматажланган, унумдорлиги паст тупроқлар негизда ҳосил бўлган, яъни янги типдаги тупроқларни киритиш мумкин.

Суғориладиган кольматажланган бўз тупроқлар тоғолди ва паст текисликларда тарқалган. Бу тупроқлар

литологик ва геоморфологик жиҳатдан турли хил бўлиб, тош-шағалли ётқизиклар, лёсс ва лёссимон жинслар устида тоғолди пролювиал текисликлар ва адирларда тарқалган бўлиб, нисбатан катта майдонларни эгаллайди.

Бу каби тупроқларнинг физикавий, кимёвий ва биогеоимёвий хоссаларини чуқур таҳлил қилиш, унинг натижалари асосида тупроқ унумдорлигини ошириш ва самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалалари қаторидан жой олади. Ушбу масалаларни ўрганиш мақсадида тадқиқотлар учун алоҳида-алоҳида калит майдонлар ва усуллар танланди.

Тадқиқот объекти ва усуллари. Тадқиқотимиз объекти тариқасида Сўх дарёси конус ёйилмасида Учкўприк туманидаги “Малика” ҳамда Исфайрамсой дарёсининг Фарғона туманидаги “Майрамхон Ўткирбек замини” ва “Нурматов Раҳматжон” фермер хўжаликлари ерлари танланди.

Тадқиқотнинг асосий усуллари тариқасида, В.В.Докучаевнинг морфогенетик, тупроқнинг агрокимёвий, кимёвий, физикавий таҳлиллари, “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических

Ғ.Юлдашев – ФарДУ, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
Ғ.Сотиболдиева – ФарДУ, биология фанлари бўйича фалсафа доктори.

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

исследований в хлопковых районах” ҳамда Е.В.Аринушкина. “Руководство по химическому анализу почв” [3,4] усуллари асосида бажарилган.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотга тортилган тупроқларнинг механик таркибига тўхталадиган бўлсак, Сўх дарёси конус ёйилмасида тарқалган эскидан суғориладиган

оч тусли бўз тупроқларда физик лойқа миқдори қатламлар бўйича ўртача 33,7% ни, Исфайрамсой дарёси конус ёйилмасида шаклланган эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда эса 37% ни, янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда 32% ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал.

Суғориладиган қолматалланган оч тусли бўз тупроқларнинг механик таркиби

Кесма т/р	Чуқурлиги, см	Заррачалар ўлчами, мм; миқдори, %							Физик лойқа <0,01
		1-0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001	
Сўх дарёси конуси ёйилмасида шаклланган тупроқлар. Эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқ									
1 ^г	0-36	0,20	0,20	10,20	53,0	13,90	9,10	13,40	36,4
	36-45	0,10	0,30	9,30	53,8	13,70	8,40	14,40	36,5
	45-66	0,20	0,20	9,50	53,8	13,60	8,90	14,10	36,6
	66-100	0,40	1,8	25,20	47,3	8,20	7,10	10,0	25,3
Исфайрамсой конуси ёйилмасида шаклланган тупроқлар, эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқ									
4 ^г	0-22	0,40	1,10	10,1	46,90	14,80	11,60	15,10	41,5
	22-33	0,50	1,0	10,20	48,10	14,20	11,20	14,80	40,2
	33-56	0,60	1,20	10,10	47,0	14,40	12,50	14,20	41,1
	56-80	0,80	1,40	10,40	62,90	6,60	8,80	2,10	24,5
Янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқ									
5 ^г	0-21	0,40	1,20	9,80	49,30	14,20	11,20	13,90	39,3
	21-36	0,60	1,10	10,20	48,0	14,30	11,70	14,10	40,1
	36-45	1,0	1,50	11,60	69,40	5,60	7,80	3,10	16,5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ушбу тупроқлар устки қатламидан оналик жинсигача деярли бир текисда физик лойқага эга ва оналик жинси енгил ва ўрта механик таркибдан иборат.

Ушбу тупроқларнинг механик таркиби профилининг дифференциацияланганлигига А.А.Роде бўйича баҳо берадиган бўлсак, кучсиз дифференциацияланган гуруҳга киради.

Суғориладиган қолматалланган эскидан ва янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг галогенетик хусусиятига келсак, сувли сўрим таркибидаги тузлар суммаси, яъни қуруқ қолдиқ натижалари хлор ва сульфатлар бўйича ҳам шўрланмаган. Бу ҳолатни иккинчи жадвалдан кўриш мумкин.

2-жадвал.

Суғориладиган қолматалланган оч тусли бўз тупроқларнинг сувли сўрим таркиби, %

Кесма т/р, тупроқлари	Чуқурлиги, см	ҚҚ	НСО ₃ ⁻	СО ₃ ⁻²	СІ ⁻	SO ₄ ⁻²	Ca ⁺⁺	Mg ⁺⁺	Na ⁺⁺ +K ⁺
Сўх конуси ёйилмасида шаклланган тупроқлар.									
1 ^г -Эскидан суғориладиган оч тусли бўз	0-36	0,180	0,019	Йўқ	0,00	0,075	0,01	0,010	0,007
	39-45	0,190	0,020	Йўқ	7	0,065	9	0,009	0,008
	45-66	0,210	0,020	Йўқ	0,00	0,065	0,01	0,011	0,011
	66-100	0,220	0,024	Йўқ	7	0,072	6	0,012	0,010
					0,00		0,01		
					6		0		
					0,01		0,01		
					7		8		

Исфайрамсой конуси ёйилмасида шаклланган тупроқлар.									
4 ^г -Эскидан суғориладиган оч тусли бўз	0-22	0,190	0,017	Йўқ	0,00	0,060	0,00	0,011	0,008
	22-33	0,181	0,018	Йўқ	7	0,050	8	0,011	0,009
	33-56	0,210	0,019	Йўқ	0,01	0,060	0,00	0,010	0,010
	56-80	0,220	0,020	Йўқ	3	0,070	7	0,012	0,011
					0,00 9 0,01 7		0,01 2 0,01 0		
5 ^г -Янгидан суғориладиган оч тусли бўз	0-21	0,180	0,018	Йўқ	0,00	0,050	0,00	0,008	0,010
	21-36	0,170	0,018	Йўқ	7	0,051	7	0,007	0,011
	36-45	0,190	0,022	Йўқ	0,00	0,060	0,01	0,012	0,011
					7 0,01 7		0 0,00 6		

Тузларнинг аккумуляцияланиш жадаллигига қарасак, улар ҳайдов қатламларида қуйидаги кўринишларни олади.

1 ^г кесма	0-36 см	$MgSO_4 > CaSO_4 > Ca(HCO_3)_2 > NaCl > Na_2SO_4$;
4 ^г кесма	0-22 см	$MgSO_4 > Ca(HCO_3)_2 > NaCl, Na_2SO_4 > CaSO_4$;
5 ^г кесма	0-21 см	$MgSO_4 > Ca(HCO_3)_2 > NaCl, Na_2SO_4 > CaSO_4$.

Тузларнинг аккумуляцияланиш жадаллигидан кўриниб турибдики, барча суғориладиган қолматажланган оч тусли бўз тупроқларнинг ҳайдов қатламида $MgSO_4$ жуда кучсиз бўлса-да, аккумуляцияланмоқда. Бунинг сабаби турлича бўлиб, улардан бири $MgSO_4$ кристалл панжара энергияси ва сувда эрувчанлиги ўрганилган тузларнинг ичида юқори, шу боис нисбатан кўп аккумуляцияланиш хусусиятига эга.


Иккала ҳудуд суғориладиган қолматажланган оч тусли бўз тупроқларда карбонатли-иллювиал қатлам яққол ажралиб турмайди. Бу ҳолат қолматажланган тупроқлар учун хос ҳисобланади. Келтирилган тупроқларнинг хосса ва хусусиятлари, яъни кимёвий, биогеокимёвий жараёнлари тупроқ гумусига ва озуқа элементларига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир қилади. Тупроқ органик моддалари, гумуси тупроқ структура ҳолатини яхшилаб, қатор хусусиятларига таъсир этибгина қолмасдан, улар ўсимликлар учун карбонат ангидриди, озуқа элементларини етказиб берувчи восита ролини ҳам ижро этади. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳозиргача тўпланган маълумотларга кўра, тупроқдаги гумус миқдори, тупроқни ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида минерализацияга учрайди, камайдиган ва маълум

даражада тупроқнинг деградацияланишига олиб келади. Кейинчалик у, яъни гумус, озуқа миқдорий жиҳатдан стабиллашади ва кейинги босқичларда аста-секинлик билан миқдор жиҳатдан ўсади, сифати яхшиланади. Бу жараён қолматажланган эскидан ва янгидан суғориладиган оч тусли тупроқларда ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Сўх дарёси конуси ёйилмасида шаклланган қолматажланган эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда (1^г кесма) ва Исфайрамсой конусида шаклланган қолматажланган эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда гумус миқдори ҳайдов қатламларида 1,20-1,31% ни ташкил қилган ҳолда ялпи азот 0,11% атрофида бўлади.

Ҳайдов ости қатламларида ва ундан кейинги қатламларда ҳам гумус, ялпи азот кўрсаткичларида нисбатан кичик рақамларда, лекин ўзаро яқинликни кўриш қийин эмас. Бу ҳолатларни 1-расмда кўришимиз мумкин.

Географик ўрнига кўра, яъни 1^г кесма водийнинг жануби-ғарбий қисмида, 4^г, 5^г жануби-шарқда жойлашганлигига қарамадан, ушбу тупроқларнинг гумуси, азоти миқдорларида ўзаро жиддий яқинлик мавжуд. Бу, уларнинг генезиси ўзаро яқинлигидан далолат беради.



1-расм. Сўх (1^г) ва Исфайрамсой (4^г, 5^г) конуси ёйилмаларида шаклланган кольматажланган тупроқлар профилида гумуснинг табақаланиши

Уларнинг, яъни Сўх ва Исфайрамсой суғориш сувининг лойқалилик даражаси ва кимёвий таркибининг фарқли бўлишига қарамасдан, юқорида қайд этилганидек, тупроқдаги гумус ва ялпи азот миқдорида деярли фарқ сезилмайди ёки ўзаро яқин. Бу кўрсаткичлар айнан ҳайдов қатламларида, оч тусли бўз тупроқларда мос равишда 1,20-1,31% ва 0,1-0,11% ни ташкил қилади.

Бу қонуниятлар ялпи фосфор ва калийда ҳам унча катта бўлмаган ўзгаришларда ўз кучини сақлаб қолади. Қуйи қатламлардаги ялпи фосфор ва калийнинг миқдори кескин

камайиши уларнинг, яъни тадқиқотга тортилган тупроқлар ҳаммасининг она жинси деярли бир хиллигидан, яъни аллювиал-пролювиал ётқизиқ, тош-шағаллардан иборатлиги билан боғлиқ.

Углерод билан азот нисбати, яъни C:N ушбу тупроқларда унча катта эмас. Тупроқ қатламларида 5,8-8,4 ни, она жинси қатламларида эса 10,6-12,5 ни ташкил қилади.

Ҳаракатчан фосфор ва калийларга келсак, бу кўрсаткичларга кўра, ўрганилган тупроқлар таъминланмаган ва кучсиз таъминланган гуруҳларга киради (3-жадвал).

3-жадвал.

Суғориладиган кольматажланган оч тусли бўз тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари

Кесма т/р, тупроқлари	Чуқурлиги, см	Гумус, %	Ялпи, %			C:N	Ҳаракатчан, мг/кг	
			N	P ₂ O ₅	K ₂ O		P ₂ O ₅	K ₂ O
Сўх дарёси конуси ёйилмасида шаклланган тупроқлар.								
1 ^г -Эскидан суғориладиган оч тусли бўз	0-36	1,20	0,110	0,220	2,10	7,1	16,30	280
	36-45	0,90	0,091	0,180	2,18	6,4	10,10	129
	45-66	0,85	0,067	0,170	2,20	8,4	-	-
	66-100	0,20	0,011	0,103	1,60	11,6	-	-
Исфайрамсой конуси ёйилмасида шаклланган тупроқлар								
4 ^г -Эскидан суғориладиган оч тусли бўз	0-22	1,31	0,110	0,210	2,0	7,7	18,30	310
	22-33	1,01	0,090	0,180	1,90	7,2	11,10	120
	33-56	0,90	0,075	0,180	1,90	6,3	-	-
	56-80	0,30	0,015	0,103	1,25	13,2	-	-
5 ^г -Янгидан суғориладиган оч тусли бўз	0-21	1,20	0,101	0,190	1,90	7,7	17,20	310
	21-36	0,80	0,073	0,160	1,80	7,6	10,30	110
	36-45	0,31	0,016	0,100	1,30	12,5	-	-

Ялпи фосфор ушбу тупроқларда 0,100-0,220 % атрофида ўзгариб турган тақдирда, ялпи калий 2,20-1,30 % оралиғидаги рақамларни ташкил қилади. Озуқа элементларининг ҳаракатчан ва ялпи шаклларнинг миқдори қолматан маҳсулоти таркиби ва қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларнинг ишлатилиши, тупроқ генезиси ўсимликлар томонидан олиб чиқиб кетилишига боғлиқ ҳолатларда ўзгариб туради. Ушбу ҳолат юқорида акс эттирилган тупроқлар учун хосдир.

Хулоса. Суғориладиган қолматанланган эскидан ва янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар Сўх ва Исфайрамсой дарёларининг конус ёйилмаларида суғориб деҳқончилик қилиш натижасида ҳосил бўлган. Тупроқ қалинлиги: Сўх дарёси конус ёйилмасида шаклланган эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда 100 см, Исфайрамсой дарёси

конус ёйилмасида шаклланган эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда 80 см, янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда эса 45 см ни ташкил этиб, тупроқларнинг ҳосил бўлиши дарё сувларининг лойқалилик даражасига ва суғоришлар сони билан ҳам узвий боғлиқ ҳолда кечади.

Механик таркиб кучсиз дифференциацияланган. Сувли сўрим таркибидаги тузлар суммаси, қуруқ қолдиқ натижаларига кўра, хлор ва сульфатлар бўйича шўрланмаган бўлиб, тузларнинг аккумуляцияланиш жадаллигига кўра, $MgSO_4$ устунлик қилади.

Суғориладиган қолматанланган тупроқлар гумус ва озуқа элементлари билан кам таъминланган.

Адабиётлар:

1. Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Классификация почв Узбекистана. В кн: Почвы Узбекистана. -Т., 1925.
2. Кузиев Р.К., Сектименко В.Е. Почвы Узбекистана. -Т., 2010.
3. Қўзиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. Суғориладиган тупроқларнинг эволюцияси ва унумдорлиги. -Т., 2015.
4. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в хлопковых районах. -Т.: СоюзНИХИ, 1963.
5. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. -М., 1961.
6. Qo'ziyev R.Q., Yuldashev G'. O'zbekiston tuproqlari va ulardan samarali foydalanish. -М.М.Ф., 2018.

СУҒОРИЛАДИГАН СУР ТУСЛИ ҚЎНҒИР ТУПРОҚЛАР БИОГЕОКИМЁСИ

БИОГЕОХИМИЯ ОРОШАЕМЫХ СЕРО-БУРЫХ ПОЧВ

BIOGEOCHEMISTRY OF IRRIGATED GRAY-BROWN SOILS

М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов

Аннотация

Мақолада турли даражада маданийлашган суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг биогеохимёвий хоссалари ва оддий пиёз (*Allium cepa* L.) нинг элемент таркиби келтирилган. Пиёзнинг таркиби тупроқ таркибидаги кимёвий элементлар миқдори билан боғлиқлиги асосланган.

Аннотация

В статье представлены биогеохимические свойства орошаемых окультуренных серо-бурых почв и элементный состав репчатого лука (*Allium cepa* L.). Обоснована зависимость состава лука от уровня содержания химических элементов в почве.

Annotation

In article substantiates the biogeochemical properties of irrigated cultivated gray-brown soils. Are given elemental composition of onions (*Allium cepa* L.), as well as the relationship of the elemental composition of soils and onions.

Таянч сўз ва иборалар: сур тусли қўнғир тупроқ, морфогенетик, оддий пиёз (*Allium cepa* L.), макро- ва микроэлемент, Кларк концентрация, биологик сингдириш коэффициенти.

Ключевые слова и выражения: серо-бурые почвы, морфогенетический, лук репчатый (*Allium cepa* L.), макро- и микроэлемент, Кларк концентрация, коэффициент биологического поглощения.

Keywords and expressions: gray-brown soils, morphogenetic, onion (*Allium cepa* L.), macro- and microelement, Clark concentration, coefficient of biological absorption.

Кириш. Бугунги кунда республикаимиз вилоятларида сур тусли қўнғир тупроқлар майдони 24,3% ни ташкил этган бўлиб, кимёвий, биогеохимёвий ҳолатини баҳолаш, антропоген омиллар таъсирида ўзгариши ва ривожланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда улардан самарали фойдаланиш ҳамда юқори маҳсулдорликка эга бўлган сабзавот, хусусан, 4 минг йиллик тарихга эга бўлган пиёз экинини етиштиришнинг замонавий инновацион илмий ечимларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда [1; 2,400-415].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2640-сонли қарори, 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли ва 2018 йил 18 октябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-366-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда [8] келтирилган вазифаларни амалга оширишда суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларни биогеохимёвий нуқтаи

назардан тадқиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тупроқларнинг биогеохимёвий хоссаларини чуқур таҳлил қилиш, антропоген омилни ландшафт блокларида, суғориладиган тупроқларга таъсири, улардаги кимёвий элементларнинг миграцияси, аккумуляцияси ва фон миқдорларига боғлиқлиги ҳамда ҳосил таркибига таъсири муҳим ҳисобланади [3,352].

Кимёвий элементлар биогеохимёсии кўпчилик сабзавот экинлари хосса ва хусусиятларига таъсири чуқур тадқиқ этилмаган бўлиб, бир қатор геокимёвий омилларга, тоғ жинсларининг ётиш тартиби, кимёвий таркиби, тупроқларнинг кимёвий, физикавий ва бошқа хоссалари, хусусан, сур тусли қўнғир тупроқлари ва думалоқ пиёзда макро- ва микроэлементларнинг таркиби, миқдори ва нисбати суғориш таъсирида турли ўзгаришларга учрайди. Ўсимлик ва тупроқ ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш тупроқ биогеохимёсининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, элемент таркиби ва миқдорини аниқлаш, бошқаришга қаратилган ишлар бугунги кунда тадқиқотга муҳтож.

Ҳозирги кунга қадар Фарғона водийсида шаклланган суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг биогеохимёвий хосса ва

М.Т.Исағалиев – ФарДУ, биология фанлари доктори, доцент.
З.Ж.Исомиддинов – ФарДУ, мустақил тадқиқотчи.

хусусиятлари ҳамда сабзавот экинлари, макро- ва микроэлементлар миқдори, миграцияси, аккумуляцияси ва элемент хоссаларига боғлиқ геохимёвий хусусиятлари, элементларнинг ўзаро корреляцияси борасида тадқиқот ишлари етарлича амалга оширилмаган.

Тадқиқот объекти ва усуллари. Фарғона вилояти пролювиал ва аллювиал жинслар устида шаклланган суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳамда Манас-Ғ1 пиёз нави тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тупроқда сабзавот экинлари ўзлаштира оладиган озуқа элементларидан азот, фосфорнинг бўлиши пиёз экинларини бутун вегетация даврида нормал ўсиб ривожланишини таъминлайди. Фарғона вилоятининг Бағдод тумани “Бу Ойиша” фермер хўжалигида сур тусли қўнғир тупроқларининг хусусиятлари ва улардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари ва тупроқларидан кесмалар олишда В.В.Докучаевнинг кесма ва морфогенетик усулларида фойдаланилди.

Тупроқларнинг кимёвий, физикавий таҳлиллари “Агрохимёвий, агрофизикавий ва микробиологик тадқиқот усуллари” ҳамда “Руководство по химическому анализу почв” қўлланмаларининг ёзувлари асосида бажарилди. Тупроқ ва пиёз таркибидаги кимёвий элементлар таҳлили “Эмиссион ярим-миқдорий спектрал таҳлил” усулида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Сур тусли қўнғир тупроқлар тош-шағалли аралашмали, кучсиз гипслаган, корбонатли тупроқлар бўлиб, биз тадқиқотлар олиб борган “Бу Ойиша” фермер хўжалигида янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар суғоришга яқин йилларда тортилганига қарамасдан, уларда ҳайдов қатлами тўлиқ шаклланган. Бу тупроқларнинг ҳайдалма қатламида катта миқдорда ва турли ҳажмдаги тош-шағаллар учрайди, енгил қумоқли, кам ҳолларда ўрта қумоқлардан ташкил топган.

Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда боғдорчилик билан бирга сабзавот экинлари етиштириб келинмоқда. Сур тусли қўнғир тупроқларнинг унумдорлиги сабзавот экинларининг бутун вегетация даври давомида сув ва озик моддалари билан таъминлай олиш қобилиятини аниқлаш имконини беради. Унумдорлик тупроқ ҳосил қилувчи жинслар, иқлим, рельеф, ўсимлик қоплами ва антропоген омиллар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, тупроқ таркибидаги гумус ва озик моддалар миқдори, ўсимликлар учун қулай шароит яратибгина қолмай, уларни

аниқлаш ва ошириш, сув, ҳаво ва иссиқлик тартиботларининг ўзгаришида муҳим ўрин тутади.

Сур тусли қўнғир тупроқлардан фойдаланиш ер унумдорлигини ошириш, сақлаш аниқланган кимёвий элементларнинг фон миқдоридан тупроқ-агрохимёвий, тупроқ-мелиоратив ва экологик мониторинг каби ишлар ижросида, хусусан, геохимёвий барьерлар ва провинциялар дастлабки мониторинги бўлиши, тупроқ-геохимёвий тадқиқотлар ва геохимёвий провинциялар сабзавот экинларини, жумладан, пиёз етиштиришнинг оптимал агротехнологияларини ишлаб чиқаришда фойдаланишни талаб этмоқда.

Сабзавот экилган майдонлардан тўлиқ ва соғлом кўчат олиш, юқори ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири тупроқ унумдорлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан сур тусли қўнғир тупроқларнинг унумдорлигини, хусусан, биогеохимёвий хусусиятлари, озуқа элементлар миқдорини аниқлаш мақсадида дала шароитида 0-26, 26-41, 41-56, 56-78 см генетик қатламлари ажратилиб, намуналар конверт усулида олинди. Боғдорчилик ва сабзавот етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги ер майдонида 11 гектар пиёз етиштириладиган майдон мавжуд бўлиб, бу ер 2002 йилда ўзлаштирилган, янгидан ўзлаштирилган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳисобланади.

Бу тупроқлар Сўх дарёсининг қадимги конус ёйилмасида шаклланган, шимол томон нишабликка эга, рельефи кучсиз тўлқинсимон, скелетлашган, йирик ўлчамли тошларни ер устида учраши билан характерланади. Бу тупроқлар оч тусли бўз тупроқлардан ранги, чимли қатламининг кичиклиги билан, қатқалоқ, қатқалоқ ости қатламли, тангасимон қатлам ва сур тусли қўнғир тупроқларга хос бўлган бошқа белгиларнинг мавжудлиги билан тавсифланади [4,74-78; 5,298].

Таъкидланганидек, ўрта ва енгил қумоқли гранулометрик таркибга эга. Қуруқ қолдиқ ва хлор миқдорида кўра шўрланмаган. Ўртача маданийлашган. 10.04.2019 йил куни суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг морфогенетик белгиларини ўрганиш мақсадида кесма олинди ва таҳлил учун тупроқ ва пиёз намуналари олиниб, таҳлиллар қуйидаги натижаларни берди.

0-26 см. Оч бўз ранг, устки 4-5 см дан кейин сур тусли товланади, юзаси қуруқ, қуйига томон кучсиз нам, енгил қумоқли, кучсиз зичлашган, майда кесакчали структурага эга, ўсимлик илдизлари ва ер ости ҳашаротлари

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

излари ва тош-шағаллар учрайди, кейинги қатламга ўтиш зичлигига ва намлигига кўра.

26-41 см. Оч бўз, сур тусли қўнғир рангда, кучсиз нам, енгил қумоқли, майда кесакчали, ўртача зичлашган, ўсимликларнинг илдизлари ва тупроқда ҳашаротларнинг излари учрайди, майда ва йирик тошчалар, карбонат доғлари мавжуд, кейинги қатламга ўтиш рангига ва скелетлигига кўра аста-секинлик билан.

41-56 см. Сур қўнғир рангли, зичлашган, темир ва марганец оксидларининг доғлари бор, қумлоқли, юқори қатламга нисбатан намроқ, майда чангсимон ва қум аралашган, тош-шағаллиги ортиб боради, гипс яралмалар учрайди, кейинги қатламга ўтиш рангига ва механик таркибига кўра.

56-78 см. Қўнғир сур тусли, сернам, ўрта қумоқли, зичлашган, илдиз ва майда

ҳашаротлар излари кам учрайди, устунсимон гипс ва кўзча ҳамда доғ шаклида карбонатлар учрайди, қуйи томон чўнтаксимон ва устунсимон кўринишда чегараланади, остидан йирик ва майда тошлар кўп бўлган тош-шағалли С қатлам бошланади. Тошлар остидан карбонатлар ва сувда эрувчи тузлар аккумуляцияланган.

Юқоридаги морфологик белгилари ва кимёвий таҳлил натижаларига кўра, чўл минтақаси сур тусли қўнғир тупроқларининг гумус ва озук элементлар миқдори 1-жадвалда келтирилди.

Бу тупроқлар кесмасида гумус миқдори 0,20-0,79% атрофида тебранади. Ялпи азот миқдори эса 0,016-0,079% ни ташкил этади.

1-жадвал.

Сур тусли қўнғир тупроқларнинг агрокимёвий тавсифи

Кесма №	Чуқурлиги, см	Гумус, %	Ялпи, %			C:N	Харакатчан, мг/кг	
			N	P ₂ O ₅	K		P ₂ O ₅	K
4	0-26	0,791	0,079	0,103	1,78	6,79	14,47	168,5
	26-41	0,631	0,062	0,117	1,93	6,91	10,25	153,6
	41-56	0,254	0,030	0,076	1,69	5,75	6,21	109,3
	56-78	0,190	0,016	0,063	0,94	8,06	-	-

Тупроқшуносликда жуфтликлар нисбати кенг қўлланиб келинмоқда, жумладан, C:H, C:N, C:O, SiO₂:Al₂O₃, SiO₂:Fe₂O₃. Бунда C:H нисбати орқали тупроқ органик моддаси тузилиши типи тўғрисида хулоса қилиш имконини берса, C:N нисбати гумусни азотга тўйинганлигини характерлайди ва гумус ҳосил бўлишининг ўзига хос баъзи хусусиятларини муҳокама қилиш имконини беради [6,558].

Бу нуқтаи назардан биз тадқиқотлар олиб борган сур тусли қўнғир тупроқларда C:N бўлган нисбати таснифга кўра юқори бўлиб, 56-78 см ли қатламда бу кўрсаткич ўртачага тушади.

Умумий фосфор ва калий миқдори ҳам генетик қатламлар мос равишда 0,063-0,117 ва

0,94-1,93% оралиғида ўзгариб, юқори кўрсаткич ҳайдов остига тўғри келади. Бу жараён солинган минерал ўғитлар ва суғориш таъсирида остки қатлам томон ювилиши ва қисман аккумуляцияси билан изоҳланади. Харакатчан озук элементлар бўйича бу тупроқлар фосфор миқдори кўра жуда паст ва калий бўйича паст даражада таъминланган гуруҳга киради.

Морфогенетик, агрокимёвий ва кимёвий таҳлиллар ўрганилган сур тусли қўнғир тупроқларни биогеоимёвий тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга.

2-жадвал.

Сур тусли қўнғир тупроқларнинг Кларк концентрацияси (КК)

№	Элемент номи ва симболи	Тупроқ кларки Виноградов бўйича [3]	Генетик қатлам чуқурлиги, см			
			0-26	26-41	41-56	56-78
1	Кремний, Si	33	0,91	0,91	0,91	0,91
2	Алюминий, Al	7	0,86	0,57	0,86	0,71
3	Кальций, Ca	1,5	4,0	4,0	3,33	3,33
4	Натрий, Na	0,6	5,0	3,33	3,33	5,00
5	Темир, Fe	4	0,50	0,50	0,50	1,25
6	Магний, Mg	0,6	1,67	1,67	1,67	1,67

7	Барий, Ba	0,05	0,40	0,20	0,60	0,60
8	Стронций, Sr	0,03	0,07	0,03		0,03
9	Марганец, Mn	0,085	0,24	0,35	0,24	0,35
10	Ванадий, V	0,01	0,20	0,20	0,20	0,20
11	Титан, Ti	0,46	0,17	0,13	0,11	0,09
12	Хром, Cr	0,02	0,15	0,20	0,25	0,25
13	Мис, Cu	0,002	1,50	2,0	2,50	3,0
14	Қўрғошин, Pb	0,0016*	2,50	-	1,19	1,31
15	Никель, Ni	0,004	0,75	1,0	1,0	0,75
16	Кобальт, Co	0,0008	2,50	3,75	-	2,50
17	Бериллий, Be	0,0006	5,0	1,67	1,67	1,0
18	Литий, Li	0,003	0,33	0,33	-	0,33
19	Рух, Zn	0,005	0,40	0,20	0,20	0,40

* - литосфера кларки

Сабзавот экинлари учун тупроқдаги озиқ элементлар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, тупроқдаги зарур озиқ элементлардан бирортаси етишмаса, сабзавот экинлари нормал ўсиб ривожланмаслиги ва ҳосил сифатининг паст бўлиши ҳозирда барчага маълум. Бундан ташқари, бошқа кимёвий элементларни ҳам ўрганишни тақозо этмоқда. Бунинг учун эса, албатта, тупроқнинг элемент таҳлилини ўтказишдан ташқари ўрганилаётган ўсимликни ҳам таҳлил қилиш зарурлиги ва шу асосда элементларнинг биогеокимёсини таҳлил қилиш мумкин эканлиги кўзга ташланади.

Сур тусли қўнғир тупроқлар таркибидаги кимёвий элементлар турли бирикмалар ҳолида бўлиб, улардаги минерал ва органик моддалар таркиби билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Қуйида тупроқдаги айрим макроэлемент бирикмалари ва уларнинг сабзавот экинлари ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Кремний (Si). Сур тусли қўнғир тупроқларда кўп тарқалган элементлардан бири ҳисобланади. Кремний бирламчи ва иккиламчи силикатлар, ферросиликатлар, алюмосиликатлар таркибига киради. Кремний сабзавот экинлари ҳаётида, жумладан, улар поясининг пишиқ бўлишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Кремний сабзавот экинлари поясида кўп тўпланади ва шамол эсганда, ёмғир ёққанда илдиэоя, баргларининг эгилиб оғмаслиги учун уларга мустаҳкамлик беради.

Алюминий (Al). Сур тусли қўнғир тупроқларда алюминий бирламчи ва иккиламчи минералларнинг таркибида, органик-минерал комплекс шаклида ва сингдирилган ҳолатда

бўлади. Алюминийнинг пиёз экинлари ҳаётидаги роли, азотли бирикмаси пиёз ўсимлигининг қўрғоқчиликка чидамлилигини оширади.

Кальций (Ca). Тупроқ структурасининг шаклланишида иштирок этиб, физикавий, физик-механик ва биологик хоссаларини яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Сур тусли қўнғир тупроқларда кальций пиёз экинларига атмосферадаги азот фиксациясида ва органик моддаларнинг минераллашиб, турли озиқ моддалар тўпланиши, оқсил моддалар синтезида иштирок этади.

Магний (Mg). Магний хлорофиллнинг таркибий қисмига кириб, оксидланиш қайтарилиш жараёнларида қатнашади ва пиёз экиннинг нафас олишини яхшилади. Пиёзнинг баргида унинг миқдори максимумга этади.

Темир (Fe). Сур тусли қўнғир тупроқларнинг таркибида темир миқдори юза қатламда ўртача 2 фоиз атрофида бўлиб, бирламчи ва иккиламчи силикатли минераллар, шунингдек, темир оксиди, гидрооксиди ва оддий тузлар таркибига киради. Темир сабзавот экинлари ҳаётида катта аҳамиятга эга ва унинг иштирокисиз фотосинтез сусайиб, хлорофилл ҳосил бўлмайди. Нейтрал ва ишқорли тупроқлардаги яхши оксидланиб турадиган шароитда ўсимликларда темир етишмаслиги сезилади ва хлороз билан касалланади.

Микроэлементлар сабзавот экинлари таркибида жуда оз миқдорда бўлса-да, зарур бўлган мис, рух, кобальт сингари кимёвий элементларга мисол келтириш мумкин. Тупроқ таркибида микроэлементларнинг етарли

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

бўлмаслиги сабзавот экинларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда ҳосилнинг сифати ва миқдорида салбий таъсир кўрсатади.

Тупроқдаги микроэлементлар миқдори она жинсларининг кимёвий таркибига боғлиқ бўлиб, органик моддалар ҳисобига тупроқнинг чириндили қатламида купроқ тўпланади. Шу ўринда сабзавот экинлари учун зарур ва яхши ўрганилган микроэлементларнинг бир нечтаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мис (Cu). Сур тусли қўнғир тупроқларда органик ва минерал бирикмалар ҳолатида бўлиб, тупроқ минераллари таркибида ҳам учрайди. Кислотали тупроқларда мис эрувчан шаклда бўлиб, аммо нейтрал ва ишқорий реакцияли тупроқларда эса мис ўсимликлар учун унча етарли даражада бўлмайди.

Бағдод туманининг “Бу Ойиша” фермер хўжалигида суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг чириндили юза қатлами 0-26 см да миснинг миқдори ўртача (0,003%). Е.К.Круглованинг маълумотида кўра [7,252] Мирзачўлдаги экин экилмаган оч тусли бўз тупроқларнинг чириндили қатламида эса 0,002%, суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг юқори қаватида (0,0028%), типик бўз тупроқда 0,0031%, суғориладиган типик бўз тупроқларда 0,0048%, ўтлоқ тупроқларда эса 0,0031-0,0040% ни ташкил этади, бу миқдор жиҳатидан сур тусли қўнғир тупроқлар типик бўз тупроқларга яқин туради.

Мис оксидланиш ва қайтарилиш жараёнларини юзага келтирадиган ферментлар таркибига кириб, углеводлар ва оксилларнинг алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади ва пиёзнинг турли касалликларга, жумладан, уларнинг замбуруғли касалликларга чидамлилигини оширади.

Кобальт (Co). Тупроқдаги турли алюмосиликатлар таркибида ва коллоид заррачаларга сингдирилган ҳамда турли органик-минерал бирикма ҳолида бўлади. Тўқ тусли бўз тупроқларда унинг миқдори кўпроқдир. Тадқиқот натижаларига кўра, суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг 0-26 см қатламида 0.002% ни ташкил қилади. Пиёз ҳосилининг шаклланишида, оксидланиш ва қайтарилиш жараёнида қатнашади.

Марганец (Mn). Фарғона водийсининг суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларининг юза унумдор қатламида 0.02%. Марганец сабзавот экинларининг поясидаги ферментлар ва фотосинтез фаоллигини кучайтиради ҳамда оксиллар пайдо бўлишида муҳим вазифани, яъни катализаторлик вазифасини бажаради.

Пиёз экинларининг нормал ўсиши ва мўл ҳосил бериши тупроқ таркибидаги озик моддаларининг миқдори ва пиёз томонидан ўзлаштириши ҳамда навларининг турига, тупроқ-иқлим шароитига боғлиқ ҳисобланади.

Пиёз экини томонидан тупроқдаги озик моддаларнинг ўзлаштирилиши натижасида тупроқдаги минерал моддалар миқдори ўз-ўзидан камайиб боради. Шуларни ҳисобга олган ҳолда лабораториядан ушбу фермер хўжалигида етиштирилаётган пиёз навларининг кимёвий анализини ўтказдик.

Юқоридаги усул орқали баҳорги пиёзнинг макро- ва микроэлементлари ҳам таҳлил қилинди. Бунда фермер хўжалигида пиёз намуналари 2019 йил 2 апрель куни олинган бўлиб, хона шароитида, салқин, қуруқ жойда қуритилиб, лаборатория шароитида пуфел печида 3 соат давомида куйдирилиб, пиёзнинг кул таркиби ажратилиб, макро ва микроэлементлари аниқланиб, биологик сингдириш коэффициенти ишлаб чиқилди.

3-жадвал.

Манас-Ғ1 пиёзининг биологик сингдириш коэффициенти (Ах, n=4)

Т/р	Элемент номи ва символи	Генетик қатлам чуқурлиги, см			
		0-26	26-41	41-56	56-78
1	Кремний, Si	0,1	0,1	0,1	0,1
2	Алюминий, Al	0,3	0,5	0,3	0,4
3	Кальций, Ca	5,0	5,0	6,0	6,0
4	Натрий, Na	2,0	3,0	3,0	2,0
5	Калий, K	1,1	1,0	1,2	2,1
6	Темир, Fe	0,15	0,15	0,15	0,06
7	Магний, Mg	4,0	4,0	4,0	4,0
8	Фосфор, P	58,3	51,3	78,9	95,2
9	Барий, Ba	10,0	20,0	6,7	6,7

10	Титан, Ti	0,1	0,1	0,1	0,1
11	Хром, Cr	1000	750	600	600
12	Кумуш, Ag	0,0063	0,0063	0,0063	0,0063
13	Мис, Cu	16,7	12,5	10,0	8,3
14	Қўрғошин, Pb	1,3	-	2,6	2,4
15	Маргимуш, As	0,0002	0,0002	0,0002	0,0002
16	Никель, Ni	0,67	0,50	0,50	0,67
17	Молибден, Mo	0,0015	0,0015	0,0015	0,0015

Пиёз экини кули таркибидаги мавжуд барча макро- ва микроэлементлар ўсимлик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу жиҳатдан кул таркибидаги кальций, кремний, калий, фосфор, магний, натрий, темир ва бошқа элементлар миқдорида кўра пиёз экинининг меъёрида ўсиб ривожланиши учун зарурий макроэлементлар қаторидан жой олади. Уларнинг миқдори пиёз кули миқдорининг 53,5% фоизини ташкил қилади.

Маргимуш, никель, молибден, мис, қўрғошин, кумуш каби элементлар пиёз таркибида анча кам (10^{-3} - $10^{-6}\%$) миқдорда учрашига қарамаздан, пиёз экини танасида содир бўладиган асосий биокимёвий ва физиологик жараёнлар учун муҳим аҳамиятга эга. Юқорида келтирилган жадвал маълумотларига қараганда, элементлар

миқдорида пиёз экини экилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, қўлланилган агротехник тадбирлар таъсир кўрсатади.

Хулоса. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар унумдорлиги пастлиги, яъни кучсиз гумушлашганлиги, озуқа элементларга нисбатан камбағаллиги, морфологиясида тош-шағалларнинг кўплиги, темир оксидига қуйи қатламларнинг бойлиги ва кремний, натрий, темир, кальций, магний, кобальт каби элементларнинг кларк миқдорларининг юқорилиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Пиёз томонидан элементларнинг сингдириши, яъни биологик сингдириш коэффиценти ўрганилган қатор элементларда қуйидагича тавсифланади:

$\text{Cr} > \text{P} > \text{Cu} > \text{Ba} > \text{Ca} > \text{Mg} > \text{Na}$ ва бошқалар.

Адабиётлар:

1. Кузиев Р.К., Сектименко В.Е., Исманов А.Ж. Почвенная карта Республики Узбекистан. Госкомземгеодезкадастр. – Т., 2008.
2. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. – Т., 2009.
3. Yuldashev G., Isag'aliyev M. Tuproq biogeokimyosi. – Т., 2014.
4. Исмонов А.Ж. Фарғона водийси суғориладиган оч тусли бўз, сур тусли қўнғир тупроқлари ва уларнинг унумдорлиги. ЎзФА маърузалари. – Т., 2016, №3.
5. Қўзиев Р.Қ. ва бошқалар. Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги. – Т., 2017.
6. Орлов Д.С., Садовникова Л.К., Суханова Н.И. Химия почв. – М., 2005.
7. Круглова Е.К., Алиева М.М. и др. Микроэлементы в орошаемых почвах Узбекской ССР и применение микроудобрений. – Т.: Фан, 1984.
8. http://lex.uz/search/all?form_id=3972

(Тақризчи: Ғ.Юлдашев – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор).

СЎХ КОНУС ЁЙИЛМАСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ЎЗГАРИШЛАРИ

ЭКОЛОГО-МЕЛИОРАТИВНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ ПОЧВ СОХСКОГО КОНУСА ВЫНОСА

THE ECOLOGICAL AND MELIORATIVE CHANGES IN THE SOIL OF SUKH CONE SPREAD

В.Ю.Исаков, А.Н.Хошимов

Аннотация

Мақолада Сўх дарёси конус ёйилмасида шаклланиган суғориладиган тупроқларнинг кимёвий ва агрокимёвий хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва тупроқлари таснифи ёритилган. Тупроқларнинг механик таркиби, генетикавий моҳияти ва систематик ҳолати кўрсатилган.

Аннотация

В статье охарактеризованы химические и агрохимические свойства орошаемых почв, сформированных в конусе выноса реки Сох, эколого-мелиоративное состояние и классификация почв. Показаны механический состав, генетическая сущность и систематическое состояние почв.

Annotation

In article describes properties of irrigated soils of the Sukh river cone, ecosystem-reclamation state and classification of soils, agrochemical properties of soils developing on the territory. The mechanical composition of soils, genetic basis and systematic condition of soils are shown.

Таянч сўз ва иборалар: конус ёйилма, кольматаж, агроирригацион қатлам, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, тупроқ эволюцияси, генетикавий қатлам, гумус, карбонатли қатлам.

Ключевые слова и выражения: конус выноса, кольматаж, агроирригационный горизонт, лугово-болотные почвы, эволюция почв, генетический горизонт, гумус, карбонатный слой.

Keywords and expressions: drift cone, colmatage, agro-irrigation horizon, meadow-bog soils, soil evolution, genetic horizon, humus, carbonate layer.

Фарғона водийсининг, хусусан Сўх дарёси конус ёйилмаси тупроқлари ва улардан фойдаланиш ҳақидаги дастлабки маълумотларни А.Ф.Миддендорф (1882), В.Наливкин (1887) асарларида учратамиз. Тизимли тупроқ-географик тадқиқотлар XX асрнинг ўнинчи йилларида ғўза экини учун яроқли майдонларни аниқлашни назарда тутган “Кўчирувчилар бошқармаси” томонидан амалга оширилди. Бу ишларни Қўқон уездида В.Н.Таганцев (1914) бажарди. Навбатдаги тадқиқотлар тупроқ-мелиоратив, ирригация ва мелиорация, янги ерларни ўзлаштириш ва унумдорлигини ошириш каби мақсадларда ўтказилди. Албатта, бу тадқиқотлар водийни қамраган, унинг бир томонида эса Сўх дарёси конус ёйилмаси жойлашган. Конус ёйилманинг тупроқ қопламани ўрганишда 1931-1932 ва 1949 йилларда М.А.Панков [5, 7-159], 1934-1935 йилларда Н.В.Кимберг, Б.Л. Пудовкин [4], 1939-1940 йилларда А.З.Зайчиков ва бошқалар фаол бўлганлар. Бу тадқиқотларда ёйилма тупроқларининг генетикавий мансублиги ва гидроморф табиати кашф этилди, ирригацион қурилишларга асос бўлган мелиоратив хосса ва хусусиятлари аниқланди, агрокимёвий хоссалари ўрганилди ҳамда агрокимёвий хариталар тузилди. “Ўзгипрозем” институти (1960-1963 йй.) амалга оширган йирик масштабда тупроқ съёмкалари

маълумотлари асосида хўжаликларнинг 10000, туманларнинг 50000 ва вилоятларнинг 200000 масштаби тупроқ хариталари тузилди. Бу хариталар 70-80 йилларда қайта коррективировка қилинди.

Сўнги ўн йилликларда Сўх конус ёйилмаси ва унга туташ ҳудудларда бир қатор тадқиқотлар ўтказилиб, тупроқларнинг тадрижий ривожланиши [2, 40-43], геохимияси [10], кимёвий ва физикавий хосса ва хусусиятлари, унумдорлиги ҳамда уларнинг ўзгаришлари [9, 328], мелиоратив ҳолати ва уни яхшилаш бўйича кўплаб янги маълумотлар олинди. Бу маълумотлар ўтган аср тадқиқотлари натижаларидан жиддий фарқ қилади ва тупроқлар унумдорлигининг сифат ҳолатини қайта баҳолашни, хулоса ва тавсияларни амалиётга кенг татбиқ этишни, тупроқ ресурсларидан фойдаланишга замон талаблари даражасида ёндашишни тақозо қилади.

30-йилларда ўтказилган тупроқ тадқиқотларида Сўх конус ёйилмасининг ўрта қисмида суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ, суғориладиган тўқ ва оч тусли ўтлоқи, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар, перифериясида эса турли даражада шўрланган суғориладиган ва қўриқ ўтлоқи

В.Ю.Исаков – ҚДПИ, биология фанлари доктори, профессор.
А.Н.Хошимов – ҚДПИ, мустақил тадқиқотчи.

ҳамда турли шўрхоқлар ажратилиб, уларга нисбатан биринчи марта “саз” атамаси қўлланилган [5,7-159].

Саз (соз) атамасини фанга А.И.Безсонов ва Л.И.Прасоловлар киритган, бу сўз “тоғ этагидаги ўтлоқ” маъносини англатади [3,298; 7,111]. Соз тупроқлар сизот сувлари билан боғланган нам тартиботининг доимийлиги шароитларида ривожланади. Дарё водийларида сизот сувларининг чуқурлиги фасллар давомида кучли тебранади. Конус ёйилмаларда эса бундай тебранишлар кучсиз ифодаланган ҳамда уларнинг максимум сатҳи ёз ойларига тўғри келади. “Соз” атамаси тупроқларнинг механик таркиби билан ҳам боғланган, чунки тоғ этакларининг периферияси, тоғолди текисликларининг литологик тузилишида оғир механик таркибли жинслар, хусусан гиллар, яъни созлар устуворлик қилади.

Б.В.Горбунов, Н.В.Кимберг [1] ишлаб чиққан ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтида [6,224] қабул қилинган “Ўзбекистон тупроқлари таснифи”да суғориладиган тупроқлар воҳа тупроқлари номи билан тип даражасида ажратилган ва нима учун ажратилганлиги жуда мукамал асосланган. Бу таснифда воҳа тупроқларининг генетикавий моҳияти ва систематик ҳолати 1) тупроқнинг минтақавий мансублиги ва минтақанинг ичидаги ҳолати (автоморфлиги, гидроморфлиги) ва 2) суғориладиган деҳқончиликда фойдаланиш натижасида юз берган ўзгаришлар даражасига кўра белгиланади [6,224]. Воҳа тупроқларининг тадрижий ривожланиши янги ўзлаштирилган, суғориладиган ва воҳа босқичларида давом этади.

Аммо “воҳа тупроқлар” атамаси ўзбекистонлик тупроқшунослар орасида кам қўлланиладиган бўлиб қолди. Охириги ўн йилликларда нашр этилган илмий адабиётларда, жумладан “Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги” [9,328] номли монографияда ҳам, “Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи”да [11] ҳам, “Фарғона вилояти атласи”да ҳам, вилоятларнинг тупроқ хариталарида ҳам, бошқа кўплаб илмий нашрларда ҳам “эскидан (ёки қадимдан) суғориладиган”, “янгидан суғориладиган (суғориладиган)” тупроқлар атамалари қўлланилган. Улар тупроқларни тип даражасида акс эттирмайди, улар яхлит жараённинг босқичларини ифода этади. Демак, тупроқшуносларнинг анжуманларида бу

масалани муҳокама қилиш ва бир тўхтамга келиш зарурияти бор.

Маълумки, Сўх конус ёйилмаси табиий географик шароитларига кўра юқори, ўрта ва қуйи қисмларга бўлинади. Юқори қисми “яланғоч” тош-шағаллардан, қум-шағалли жинслардан таркиб топган, ҳудуд юзасининг анчагина қисми қум, қумлоқ ва енгил қумоқ каби кальмотаж жинслари билан қопланган. Чучук сизот сувлари катта чуқурликда жойлашган, юзаси очиқ, ҳимояланмаган. Ер ости сувлари захираси катта бўлиб, ер ости сув омбори ҳисобланади. Бу сувлар Қўқон шаҳри ва унинг атрофи учун ичимлик суви вазифасини ўтайди.

Конус ёйилманинг юқори шағалли қисмида инсоннинг омилкорлиги туфайли “кальмотажланган тупроқлар” номини олган сунъий тупроқлар юзага келган. Уларда сабзавот, полиз ва техник экинлар етиштирилади, мевали боғлар кенг ривож топган. Кальмотаж қатлами қалинлиги 20-50 см.дан 1-1,5 м гача бўлиб, тупроқ кесмасида суғорма деҳқончиликда фойдаланиш даврининг узоқ-яқинлигига кўра агроирригацион қатлам ажралади. Унинг остида генетикавий қатламларга табақаланмаган қум-қумоқ ва қум-шағалли жинслар ётади. Гумус миқдори устки қатламда 0,5-0,8 %, айрим жойларда 1% га етади.

Конус ёйилманинг шағалли ҳудудида чорвачилик ва паррандачилик комплекслари жойлаштирилган, катта-кичик корхоналар ишга тушган ва янгилари қурилмоқда (спирт заводи, мелькомбинат, цемент, бетон цехлари), тадбиркорлик объектлари (ДСП, шифер, йўлка қоплама плиталари ва ҳ.к.), ташкил этилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинлари учун ўзлаштириш жараёни ҳам жадал тус олган. Кальмотажланган ер майдонлари кенгаймоқда.

Бу ҳудудда эркин иқтисодий зона режалаштирилган, унинг қурилиши жадал давом этмоқда. Ер юзасидаги ҳар қандай ўзгариш ер ости сувларига таъсир қилади. Тош-шағалли қатламларнинг сув ўтказувчанлиги юқори, инфильтрация кучли. Натижада яқин ўтмишда юқори сифатга эга бўлган Сўх ер ости сув омбори сувларининг сифати бузилган, улар айни вақтда иккинчи категорияга ўтиб қолган.

Ҳозирда сув сарфи 14,47 (3,21-44,48) м³/сек (1964 й.гача - 41,4 м³/сек) бўлган Сўх дарёси узоқ ўтмишда серсув бўлган, тоғ дарасидан водийга чиққан жойидан тармоқларга бўлиниб, шимолий-ғарб, шимол ва шимолий-шарқ йўналишларида тўлиб- тошиб оққан. Сувлари Сирдарёга қуйилган. Дарё ва тармоқлар ўзани ўзгариб турган.Тармоқлар ораликларида улар келтирган оқизикларнинг

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

ётқизилишидан радиал чўзилган ясси баландликлар ва ўзан атрофларида кенг ботиқликлар юзага келган. Баландликларнинг литологик тузилишида енгил механик таркибли жинслар устуворлик қилади, шунга мувофиқ сизот сувлари сатҳи чуқурроқ жойлашган ва яхшироқ бўйлама ва ёнлама оқимга эга. Радиал ботиқликларнинг грунтлари кўпроқ оғир механик таркибли, сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган, оқими жуда суств.

КФК ёйидан 4-4,5 км жанубда шағаллар сатҳи ер юзасидан чуқурлаша бошлайди, шу жойдан конус ёйилманинг, сизот сувларининг ер юзасига яқинлашиш ва сизиб чиқиш гидрогеологик минтақасига мос келадиган ўрта қисми бошланади. Унинг литологик тузилишида кумлоқ, турли кумоқ ва гилли жинслар иштирок этади. 3-8 м. чуқурликдан шағалли ётқизиклар бошланади. Худудда зовурлар тўри кучли ривожланган бўлиб, улар воситасида гидрокарбонатли ва гидрокарбонат-сульфатли чучук сизот сувлари сатҳи 1-1,5 м. чуқурликда ушлаб турилади.

Конус ёйилманинг юқори ва ўрта қисми учун характерли бўлган радиал чўзилган ясси баландликлар ва улар ўртасидаги ботиқликлар конуснинг қуйи қисмида текисланиб кетади. Умумий кучсиз нишаблик шимол, шимоли-ғарбга йўналган. Худуднинг литологк тузилишида кўп қатламли кумоқ, гил, кум ва кумлоқлар иштирок этади. Табиий ҳолда бу худуд сизот сувларининг турғун зонаси ҳисобланади. Аммо ҳозир сизот сувларининг сатҳи коллектор-зовурлар тўри ёрдамида 1,5-2,0-3 м. чуқурликда сақланади. Уларнинг ўтмишда ўрта ва кучли бўлган минерализацияси ҳозирда ўрта ва кучсиз даражагача пасайган. Уларнинг кимёси сульфатли.

Сўх дарёси конус ёйилмаси чўл минтақасида жойлашган ва унда тупроқ ҳосил бўлиш жараёни гидроморф шароитларда кечади. Бу худудда суғорилма деҳқончилик кўп асрлик тарихга эга. Суғориш сувлари келтирилмаларининг ётқизилишидан тупроқ хосса-хусусиятларининг ўзгариш даражасини белгиловчи агроирригацион қатлам ҳосил бўлган. Чўл воҳа тупроқлари ҳосил бўлиши жараёнининг биринчи босқичида тупроқларнинг табиий хоссаларига ишора қилувчи белгилар сақланиб қолган, агроирригацион қатлам қалинлиги ҳайдалма қатлам қалинлиги (20-30 см) доирасида чекланган. Бу ҳолларда тупроқлар типча даражасида — суғориладиган ўтлоқи ва суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар номи билан, ўзига хос янги хоссаларга, белгиларга

эга бўлган 50-60 см. қалинликдаги агроирригацион қатламли тупроқларни ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ воҳа тупроқлари номи билан ажратдик.

Саз тартиботидаги суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар конус ёйилмаси ўрта қисмининг шағалли юқори минтақачага яқин жойларида тарқалган. Бу тупроқларнинг морфологиясида агроирригацион қатлам аниқ шаклланган эмас. 20-25 см ли ҳайдалма қатлам кўкимтир жилвали тўқ сур тусли, майда кесакча структурали, унинг остида зич қовушмали мергеллашган, глейли қатлам ётади. А.Н.Розанов [8,460] ва М.А.Панков [5,7-159] бўйича ва уларга таяниб Н.В.Кимберг [3, 298] келтирган маълумотларда гумус миқдори суғориладиган ботқоқ-ўтлоқ тупроқларда 2-4 % бўлганлиги кўрсатилади. Аммо бизнинг тадқиқотларда бу кўрсаткич 1,7-1,8 %, жуда кам ҳолларда 2% дан ошади. Гумус миқдорининг камайиши суғориладиган деҳқончилик шароитларида микробиологик жараёнларнинг кучайиши, шунингдек, 60- йиллардан буён тинимсиз экилган ғўза ва беаёв қўлланилган минерал ўғитлар билан боғлиқ. Айтиш жоиз, суғорилма шароитларда гумус миқдорининг камайиши илмий адабиётларда кенг ёритилган.

Тупроқлар шўрланган эмас, гипс миқдори жуда кам. Тупроқ кесмасида яққол ифодаланган карбонатли қатлам мавжуд. Карбонатлар миқдори юқоридан пастга томон ортиб боради ва карбонатли қатламда 15-20% га етади ва ундан ошади.

Ўтлоқи-воҳа соз тупроқлар Сўх дарёси конус ёйилмасининг катта майдонларини эгаллаган. Бу тупроқлар воҳа тупроқлари пайдо бўлиши жараёнининг юқори босқичини ифодалайди. Деярли бир хил механик таркибли ва оч кўкимтир-сур тусли агроирригацион қатлам 30-60 см қалинликка эга. Гумус миқдори бу тупроқларнинг устки қатламида 1,5-1,7% бўлиб, тупроқ кесмасининг қуйисига аста-секинлик билан камаяди.

Ўтлоқ-воҳа соз тупроқлар кесмаси учун юқори карбонатли қатлам тавсифли. Бу қатлам ўта зич, цементлашган бўлиб, “шоҳ” номи билан юритилади. Унда карбонатлар CO_2 си миқдори 25-27 % га етади ва баъзан 30 % дан ҳам ортади.

Тупроқларнинг механик таркиби конус ёйилманинг ўрта қисмида ҳам, қуйи қисмида ҳам М.А.Панков [5, 7-159] тавсифлаганидек, турли хил: ясси баландликларнинг юзаларида енгил кумоқли ва кумлоқли тупроқлар жойлашган, баландликларнинг ёнбағирликлар бўйлаб оғир ва ўрта кумоқли тупроқлар, ясси ботиқликларда эса гилли тупроқлар

жойлашган. Бу тавсиф тупроқтаги – замини жинсларига ҳам тегишли. Замин жинсларининг механик таркиби қум ва қумлоқдан оғир қумоқ ва гилгача ўзгаради. Оғир механик таркибли қатламларда қум ва қумлоқ қатламчалар ва линзалар учрайди.

Сўх дарёси конус ёйилмасида шакл топган ўтлоқи-воҳа соз тупроқлар кесмасининг яна бир хусусиятига эътибор бериш лозим. У ҳам бўлса кўп йиллар давомида тинимсиз берилаётган техника ишловлари натижасида юзага келган ҳайдов ости берч қатламидир. Унинг қалинлиги 5-10-20 см тенг, зичлиги 1,6-1,7 г/см³ га етади, баъзан ундан ҳам ортади. Бундай зичликдаги қатлам ўсимликлар илдиз тизимининг эркин ривожланишига имкон бермайди, натижа эса ҳосилдорликнинг пасайишида ифода топади. Берчни юмшатиш зарур, аммо тадқиқотларимиз давомида ёйилма ҳудудида бундай чора-тадбир қўлланганига оид маълумот топа олмадик.

Шундай қилиб, инсон омилининг ер ресурсларига бўлган кучли таъсири Сўх дарёси конус ёйилманинг юқори тош-шағалли қисмида кузатилмоқда. Ҳудудни ўзлаштириш халқ хўжалиги ривожланишидан келиб чиқадиган зарурият, аммо унинг салбий жиҳатлари ҳам мавжудки, улар атмосфера ҳавосининг буғланишида, чиқиндиларнинг тўпланишида, оқар сувларнинг ифлосланишида, қолаверса, ер ости ичимлик сувлари сифатининг ўзгаришларида, гипсометрик қуйи ҳудудлардаги мелиоратив ҳолатнинг ёмонлашувида намоён бўлмоқда.

Адабиётлар:

1. Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Классификация почв Узбекистана // Известия Узбекстанского филиала географического общества СССР. Том VI. –Т., 1962.
2. Исаков В.И., Отабоев А. Сўх дарёси конус ёйилмаси тупроқларининг генетикавий – географик ўзгаришлари //География: тарих, назария, методлар, амалиёт. Респ.илм.амал.конф.мат. –Т., 2010.
3. Кимберг Н.В. Почвы пустынной зоны Узбекской ССР. –Т.: «Фан», 1974.
4. Кимберг Н.В., Пудовкин Б.Л. Почвы Кокандского района УзССР и эффективность минеральных удобрений. Известия СоюзНИИХИ. –Т., 1936
5. Панков М.А. Почвы Ферганской области. В кн. Почвы Узбекской ССР. Том 2. –Т.: Изд. АН Уз ССР, 1957.
6. Почвы Узбекистана. –Т.: «Фан», 1975.
7. Прасолов Л.И. Почвы Туркестана. - Л.: Издание Комиссии по изучению естественных производительных сил СССР при РАН, 1926.
8. Розанов А.Н. Сероземы Средней Азии. –М.: Изд. АН СССР, 1951.
9. Фаргона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги. –Т.: "Navro'z", 2017.
10. Юлдашев Г., Исагалиев М. Геохимия почв конусов выноса. –Т.: "Фан", 2012.
11. Узбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи. –Т., 2010

(Тақризчи: Ғ.Юлдашев – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор).

ХУДУДЛАРДА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҲКАМЛИК ЗАХИРАСИ ЯРАТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

ЭФФЕКТИВНОСТЬ СОЗДАНИЯ НА ТЕРРИТОРИЯХ ЗАПАСА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПРОЧНОСТИ

ECONOMICAL EFFECIENCY OF SUSTAINABLE LAND RESOURCE ALLOCATION

О.Умаров

Аннотация

Мақолада нозкин ерларда саноат хом ашёларини етиштиришда иш ўринлари барпо қилишнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги таклифлар асосланган.

Аннотация

В статье обоснованы предложения по экономической эффективности создания рабочих мест на предприятиях по производству промышленного сырья на не посевных землях.

Annotation

The proposals on the organization of workplaces and the increase of economic efficiency are justified; the cultivation of raw materials for industry on non-cultivated lands.

Таянч сўз ва иборалар: нозкин ерлар, рекреация ҳудудлари, мулк эгаси, давлат-хусусий ҳамкорлигининг шартлари, махсус иш тартиби, ҳудудий саноат, экспортни ривожлантириш ва импортни жиловлан, иқтисодий самарадорлик, қўйи бошқарув.

Ключевые слова и выражения: не посевные земли, рекреационные территории, собственник имущества, условия государственно-частного партнерства, специальный рабочий распорядок, территориальная промышленность, развитие экспорта и обуздание импорта, экономическая эффективность, низовое управление.

Keywords and expressions: non-sown land, recreational areas, owner of property, conditions of public-private partnership, special working procedure, territorial industry, export development and curbing imports, economic efficiency, initial management.

Одам табиатнинг кўплаб имкониятларидан, ҳатто қоронғилиқдан ҳам самарали фойдаланиш йўллари топиб фойдаланипти. Эндиликда совуқ ҳаводан ҳам янада самарали (чанғи) фойдаланиш устида тадқиқотлар олиб бориляпти. Эҳтимол, совуқ ҳам энг ноёб энергия манбаидир.

Атрофимизда фойдаланмай келинаётган имкониятлар жуда кўп. Улардан бири нозкин ерларда ташкил этиладиган (сув чиқариш) ва сунъий (томчилатиб) суғориш усулларида фойдаланиб, ёғочбop материаллар, данакли ўсимлик меваларини доимий асосда олиш мумкин. Қир-адир, дашт, саҳро (Орол денгизи ўрни) ва тоғолди ерларда терак, павловния дарахти, ёнғоқ, писта, бодом етиштириш, ҳатто иссиқхоналар ва серўт яйловлар ташкил этиб фойдаланиш мумкин. Буни кўпчилик билади. Лекин, бу имкониятлардан фойдаланилмай келинапти.

Иккинчи имконият, рекреация ҳудудларидаги ҳозир ўсиб турган мевали ва манзарали дарахтлар орасидаги бўш турган жойлардир. Аҳоли дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган жойларда, йўллар бўйида, кўп қаватли уйлар атрофи ва ҳатто бюджет муассасаларининг ҳовлиларида катта имкониятлар фойдаланилмай турибди. Ваҳоланки бу

ерларда паст бўйли (60-80 см) тут дарахтларини ўстириш мумкин. Тут дарахти 8 хил хом ашё бериб, уларнинг ҳаммасини саноат асосида қайта ишлаш мумкин.

Шаҳарларда бир миллион туп атрофида, вилоятларда ўн миллион, республика бўйича юз миллион тупдан кўпроқ маҳаллий тут дарахтини экиб, ўстириш мумкин. Бу, ҳаммаси бўлиб юз минглаб бардавом, сердаромад, енгил иш ўринларини беради. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширади ва импортга эҳтиёжини сезиларли камайтиради.

Рекреация ҳудудларида, мевали ва манзарали дарахтлар, гулзорларга зарар етказмаган ҳолда тут ўстириб, ундан фойдаланишнинг дастлабки намунавий, амалий мисоли сифатида Марғилон шаҳридаги Мустақиллик кўчасининг кичик бир қисмида, 2018 йилда 38 та туп тут экиб ўстирилди. 2019 йилда унинг новдалари барги учун кесиб олиниб, ипак куртини озиклантиришда фойдаланилди. Бу амалий иш, дунё рекреацион ипакчилигида биринчи қадамдир.

Тут ҳаводаги чанглари ушлаб қолади, зах, шўрни буғлатиб туради. Сувсизликка чидамли. Шаҳар бюджети учун ҳам катта ёрдамчи бўлади.

О.Умаров – ФарДУ, иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Тут қатор, тутзорлардаги ободонлаштириш ва тозалик билан боғлиқ бошқа ишларни уларнинг эгалари зиммасига юклатиб, бюджет харажатларини кескин камайтириш мумкин. Асосий муаммо шу имкониятлардан фойдаланиш йўл-йўриқларини топиб, нозкин ва рекреацион ҳудудларда наф келтирувчи фаолият (бизнес) ни бошлаб юборишдир. Қонунчиликда бу масалада тақиқлар йўқ. Ижрочиларни эса топиш мумкин. Ижрочи, яъни ўз меҳнати, маблағи, асосий иш вақтидан ташқари вақтда қўшимча, бардавом бизнес ташкил этиб, мулкдор бўлишни хоҳловчи талабгорларга масала моҳиятини етказишни маҳаллалар орқали, туман тадбиркорлик тузилмалари орқали етказиш мумкин. Мулкдор томонидан ўзининг шаҳар марказидаги, дашт-қирдаги ёки Тошкент доғларидаги мулкни эркин тасарруф этилиши қонунларда ўз тасдиғига эга. Яъни, истаса ижарага беради, ўзи фойдаланади, сотиб юборади, совға қилади, авлодларига мерос қилиб қолдиради.

Айниқса, рекреацион бизнес катта маблағ талаб қилмайди. Даромад эса ҳар йили олинади. Тут барги билан ипак қурти хўжалик бинолари орқасида, бир чеккада ўрнатиладиган қуртхоналарда боқилади. Қуртхоналар, пилла олингач, тўқув, тикув цехлари, тут новдасини зичлаб (пресс) мебелбоп материал олиш, йил давомида 3-4 марта қўлда териб олиниб чой тайёрланадиган тут баргини қайта ишлаш дастгоҳлари ўрнатиб фойдаланиладиган кўп функцияли, акфа материалларидан тайёрланадиган бино бўлади. Аҳоли яқин жойда иш билан банд бўлади. Кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ҳам узоққа бормасдан, оила юмушларидан ажралмасдан 4-6-8 соатлик, қулай сменаларда ишлаб, ўзини жамоа аъзоси сифатида ҳис қилиши мумкин. Ишда бандлик фақат пул топиш учун эмас, балки жамоада, кўпчилик ичида бўлиш билан ўта муҳимдир.

Ҳаммага маълум бўлса ҳам, талабгор тадбиркорлар эътиборига айтиб ўтиш керак: рекреацион ҳудуддаги кўчат ва меҳнатга пул сарфлаб, юз йилларгача доимий даромад берадиган тут қаторидан — пилла, чой тайёрлаш учун тут барги, тут новдаси ёғоч хом ашёси, қовзоқ-целлюлоза, мева озиқ-овқат, мева-кўчатчилик учун уруғлигидан ташқари, қурт кумалоғи — чорва озуқаси, ерга ўғит, Японияда

ошқозон-ичак касалликларининг давоси, пилла ғумбаги — терини ёшартиради — косметика хом ашёси, ипак — жарроҳлик ипи, спорт парашюти, гилам, ҳарир мато.

Асосий муаммо қоляпти. Ер бор, сув бор, талабгор тадбиркорлар бор, қонунчилик тақиқламайди, бизнесни юритиб, ҳудуд, мамлакат иқтисодиётининг мустаҳкамлик захирасини барпо қилиш учун ташкилотчилик етишмаяпти. Ўша Мустақиллик кўчасида ўн минг туп тут ўстириш мумкин. Бу, ўн тонна хом пилла, 1200 кг. қуруқ ипак демақдир.

Ёғоч хом ашёси 600-650 куб метрни ташкил этиб, 48 минг квадрат метр мебелбоп материал тайёрлаш мумкин. Бу, шаҳар, вилоят, мамлакат бўйича миллиардлаб долларни ташкил этади.

Яна битта ташкилий муаммо бор. Ховлиларда яшовчи аҳоли дарвозанинг рўпараси ҳам меники, деб ўйлайди. Эшигидан ичкарига кирдими, эгадорлигини унутиб қўяди. Энг осон ечим, аҳоли дарвозасининг рўпарасидаги бўш жойларга 4-5 туп тут экиб, хоҳловчиларга ижарага берса бўлади. Нозкин ерлардан ва рекреацион ҳудудлардан фойдалинишда учта шартга риоя қилиш керак бўлади. Биринчи шарт: маҳалла, нозкин ҳудудлар бўйича эса туман ҳокимлигининг рухсати бўлиши керак. Чунки ҳамма жойга ҳам ёғоч ёки тут дарахти экиб бўлмаслиги мумкин. Иккинчи шарт: дарахтларнинг жойи давлатга зарур бўлиб қолгани учун кўчирилганида, товон пули талаб қилинмаслиги керак. Учинчи шарт: тадбиркор фойдаланиб турган ҳудуднинг тозалиги-ободончилиги учун масъул бўлиши керак.

Нозкин ерлар ва рекреация ҳудудларни фойдаланиш шароитидаги энг асосий талаб битта: дарахтларни ким экиб ўстирган бўлса, ўша шахс унинг мулкдори. Такрор айтиш керак. Ўша жой давлатга (фақат давлатга) зарур бўлиб қолган тақдирда товон пули тўланмаслиги ёдда туриши керак. Чунки, масалани қуйи бошқарув — маҳалла ва туман даражасида ҳал қилдик, холос. Эҳтимол, ўша даштда 20 йилдан кейин аэропорт қуриш мўлжаллангандир. Биз бунини билмаймиз. Ерлар эса бекор турмаслиги керак. Мамлакатга терак, павловния, заранг дарахтилари жуда кўп керак. Ёғоч эса импорт қилинماпти. Қуйи бошқарув масъулиятни ўз зиммасига олиши, давлатнинг асосий режаларига ёрдамчи ички иқтисодий мустаҳкамлик захираси бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида. -2019 йил, 17 июнь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. -2019 йил, 4 июнь.

(Тақризчи: М.Адҳамов — иқтисод фанлари доктори, профессор).

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУНАРМАНДЛАРИНИНГ ПИРЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЭЪТИҚОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

РЕЛИГИОЗНЫЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ РЕМЕСЛЕННИКОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ, СВЯЗАННЫЕ С ПОКРОВИТЕЛЯМИ РЕМЕСЛЕННОСТВА

RELIGIOUS VIEWS ABOUT CRAFTSMANSHIP SAINTS IN FERGANA VALLEY

З.Й.Эсонов

Аннотация

Мақолада Фарғона водийси хунаرمандчилиқ пирлари билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ёритиб берилган. Асосий эътибор Фарғона водийси хунаرمандчилиқ пирлари билан боғлиқ эътиқодий қарашларнинг юзага келиши сабабларини кўрсатиб беришга қаратилган. Хунаرمандчилиқ пирларига доир бир қатор эътиқодий қарашларнинг кўринишлари акс эттирилган.

Аннотация

В статье излагаются религиозные представления, связанные с покровителями ремесел Ферганской долины. Основное внимание уделяется причинам возникновения религиозных верований, связанных с покровителями ремесел Ферганской долины. Отражен ряд разновидностей верований, связанный с покровителями ремесел.

Annotation

This article provides an overview of the religious views of Fergana valley craftsmanship Saints. The main focus is on demonstrating the reasons for the beliefs of Fergana valley regarding craftsmanship Saints. The views of a number of religious views on craft Saints are reflected.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона водийси, хунаرمандчилиқ, урф-одат, эътиқод, ҳомий-пир, исломлашиш, архаик шакл, авлиёлар, тимсоллар, қурбонлик, арвоҳи-пир.

Ключевые слова и выражения: Ферганская долина, ремесленничество, обычаи, верование, покровитель ремесел, исламизация, архаическая форма, святые, символы, жертвоприношение, угощение мастерам учеником.

Keywords and expressions: Fergana valley, handicraft, custom, belief, craftsmanshipsaints, islamisation, archaic form, saints, symbol, sacrifice, worshipping to spirits.

Ўзбек халқининг маънавий қадриятлари сирасига кирувчи урф-одат ва маросимлар тарихини тадқиқ этиш ҳамisha тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб келган. Айниқса, хунаرمандлар жамоасининг ижтимоий муносабатлари, ички тартиб қоидалари, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари устида илмий изланиш олиб бориш бу вазифани ҳал қилишда алоҳида ўринга эга.

Бугунги кунга қадар Марказий Осиё халқлари хунаرمандчилиги, урф-одатлари бир қатор изланишларда ўзининг этнографик тасдиғини топган [1,195-201; 121-141;48-53]. Лекин, Фарғона водийси хунаرمандчилиги билан боғлиқ урф-одатлар етарли даражада ўрганилмаганлигини эътироф этиш жоиз. Шу боис ушбу илмий мақолада қадимдан ўзига хос тарихий-этнографик ҳудуд бўлиб келган Фарғона водийсидаги хунаرمандчилиқка оид урф-одат ва маросимлар дала-этнографик материаллар асосида таҳлил қилинади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, хунаرمандчилиқ

тармоғидаги барча маросим, урф-одатлар асосини хунаرمандчилиқ ҳомий-пирлари* билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ташкил этади. Ушбу тасаввурларга кўра, хунаرمандчилиқ соҳаси инсонларга, ғайритабиий хислатларга эга хунаرمандчилиқ ҳомий-пирлари орқали берилган. Бу ҳомий-пирлар тимсоли шу тармоқнинг асосчиси, қўриқловчи, мавжуд бўлиш манбаи, деб талқин қилинган [2,11,34-36].

Тадқиқотчилар фикрига кўра, хунаرمандчилиқ ҳомий-пирлари билан боғлиқ илк эътиқодий қарашлар инсониятнинг қадимий даврларида юзага келган. Уларнинг аксарият қисми юртимизга ислом динининг кириб келиши билан исломлаштирилган ва шу шаклда бизнинг даврларгача етиб келган [3,324; 196]. Ушбу жараён узоқ тарихий тараққиёт маҳсули бўлиб, унинг асл мазмунини кўрсатиб бериш мушкул. Лекин мавжуд тарихий

З.Й.Эсонов – ҚДПИ тарих ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

маълумотлар, дала материаллари ҳомий-пирлар тимсоли билан боғлиқ эътиқодий қарашлар таҳлили ўзининг архаик шакллари тўла йўқотмаганлигини, у билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ҳам инсониятнинг қадимий диний қадриятлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Масалан, ислом динида муқаддаслаштирилган ва, одатда, ҳунармандчилик тармоқлари ҳомий-пирлари, деб тан олинадиган Одам Ато, Иброҳим пайғамбар, Довуд алайҳиссалом, Нуҳ пайғамбар, Ҳазрати Аюб, Биби Фотима образлари Туркистонда ислом дини нисбатан кеч кириб борган ҳудудларда у қадар кенг тарқалмаган. Бундай ҳудудларда, аксинча, қадимий ҳомий-пирларга эътиқод илдизлари сақланган. Жумладан, XX аср бошида Туркистоннинг чекка ўлкаларида деҳқончилик ҳомий-пири сифатида одатда кенг оммалашган “Одам Ато” тимсоли эмас, балки “Бобойи Деҳқон” образи, аёллар тўқимачилигида эса “Момо Ҳаво” ёки “Биби Фотима” тимсоли эмас, балки “Биби Сешанба”, “Биби Чоршанба”, “Тўқимачи Момо”, “Чархчи Биби” тимсолларининг тан олиниши юқоридаги фикрларни тасдиқлайди [4,324-325]. Ушбу жиҳатни Фарғона водийси ҳунармандчилиги мисолида тадқиқ этиш анча мушкул. Чунки минтақада ислом дини кенг ёйилган, ҳунармандчилик билан боғлиқ архаик эътиқод шакллари аллақачон сиқиб чиқарилган. Шунга қарамай, мавжуд этнографик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, водийдаги сақланган ва кучли исломлашган ҳунармандчилик ҳомий-пирлар тимсолларида қадимий эътиқод шаклларининг айрим кўринишлари бизнинг давримизгача етиб келган.

Чунончи, Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида бўлгани каби Фарғона водийси темирчилари ҳам ўз ҳомий-пири, деб Довуд алайҳиссалом тимсолини тан оладилар. Ислом динидаги қарашларга кўра, у Яқин Шарқда яшаган ва темирчилик сирларини илк бор инсонларга ўргатган илоҳий шахсдир. Бироқ, Фарғона водийси ҳунармандларининг муайян қисми уни Туркистонда яшаган ва ҳунармандчилик билан шу ерда шуғулланган, деб тасаввур қилганлар. Масалан, темирчиларнинг бир қисми Довуд алайҳиссаломни Тожикистоннинг Ашоба ҳудудида ёки Қирғизистоннинг Лайлак туманида

яшаганлиги, кейинчалик унинг қабри ёнида зиёратгоҳ вужудга келганлигини билдирадилар [5]. Шу сабаб яқин даврларгача бу зиёратгоҳларга водийдаги темирчиларнинг бир қисми эътиқод қилиб, бу ерда турли маросимлар ўтказганлар. Эътиборли томони шундаки, бу икки зиёратгоҳ ҳам қадимий руда конлари яқинида юзага келган. Мавжуд маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу зиёратгоҳлар темирчиларнинг қадимий эътиқодий қарашлари асосида юзага келган. Ушбу зиёратгоҳларнинг юзага келишига сабаб бўлган маҳаллий ҳомий-пирлар образи кейинчалик исломлашиб, Довуд алайҳиссалом тимсолига алмашинган.

Фарғона водийси темирчиларининг эътиқодий тасаввурлари асосида ҳунарманд ҳомий-пир мададига таянибгина ўз ҳунари билан шуғуллана олиш мумкинлиги мотиви ётади. Яъни, ҳунармандчиликдаги турли техник жараёнлар ҳомий-пир кўмагида юз беради, деб тасаввур қилинган. Шу боис темирчилар ҳомий-пир кўмагига эришиш учун турли маросимларни ўтказганлар. Чунончи, водийдаги чўян эритувчи дегрезлар чўян қуйишдаги носоз маҳсулот чиқишининг олдини олиш мақсадида ҳомий-пирга атаб махсус қурбонлик маросимини ўтказганлар. Бундай қурбонлик маросимларида барча қатнашиши мумкин бўлган [6]. Чунки дегрезликдаги техник жараёнларнинг бир қисми усталар учун номаълум бўлиб қолган. Металл эритишдаги носозликлар илоҳий тасаввурлар билан боғланган. Фарғона водийси дегрезлари тасаввуридаги ушбу қарашлар аслида халқларнинг қадимий эътиқоди билан боғлиқлигини, бошқа минтақа этнослари этнографиясига оид маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш орқали кўрсатиб бериш мумкин. Чунончи, Сирдарё бўйларидаги айрим қирғизлар металл рудани эритишда фақат қўрғошин металлнинг эриб чиқишини тилаб, ҳомий-пирга илтижо қилганлар [7,122-123]. Чунки ҳунармандлар ушбу техник жараённинг асл моҳиятини тўла тасаввур этмаганлар. Шу сабаб ҳунармандлар рудани эритиш қозонига солгач, унинг атрофида айлана бўлиб ўтириб, маросим ўтказганлар. Демак, водий дегрезларининг қурбонлик маросими илдизлари ҳам аслида қадимий ҳомий-пирлар тимсолига топиниш элементлари билан боғлиқ тарзда юзага келган.

ТАРИХ

Фарғона водийси ҳунармандлари маҳсулот тайёрлашдаги кетма-кет муваффақиятсизликнинг олдини олиш учун ҳомий-пирга бағишлаб “ис чиқариш” маросими ўтказганлар. Қадимий тасаввурларга кўра, инсон, вужуди жон ва руҳдан иборат бўлиб, руҳ инсон вафотидан кейин ҳам мавжуд бўлади. Шунга кўра, ҳунармандлар билан доим ёнма-ён бўладиган ҳомий-пирлар руҳи мададига эришиш учун улар шарафига “ис чиқариш” маросими ўтказиш зарур, деб ҳисобланган [8].

Ҳомий-пир сифатида Довуд алайҳиссаломга нафақат темирчилар, балки касби металл асбоблар билан боғлиқ сартарошлар, дурадгорлар ҳам эътиқод қилганлар. Унинг руҳига атаб темирчилик дўконига қурбонлик зиёфати ўтказганлар [9]. Лекин тадқиқотчилар “ис чиқариш” маросими ҳам қадимий эътиқодлар асосида шаклланганлигини таъкидлаганлар. М.С.Андреев шундай ёзади: “Шарқий Бухородаги Варзоб водийсида ёғоч коса ясовчи харротлар ўз пир-ҳомийлари ҳаққига қурбонлик тарзида ночорларга нон тарқатганлар ва бу одатни “буй” – яъни, “ис, хид”, деб атайдилар”. Шунинг учун тадқиқотчи бу маросимни қадимий қурбонликни куйдириш одатларининг излари билан боғлаган. Демак, водий ҳунармандларининг “ис чиқариш” маросими генезиси ҳам қадимий ҳомий-пирлар тимсолига эътиқод шакллари билан боғлиқдир.

Фарғона водийси ҳунармандлари ҳар йили бир марта бутун жамоа аъзоларининг тармоқ ҳомий-пири кўмагида бўлишини тилаб, “Арвоҳи пир” номли қурбонлик маросимини ўтказганлар. Маросим ҳунармандларнинг умумий маблағи ҳисобига ўтказилган. Бундай маросимлар одатда маҳаллий авлиёлар тимсоллари муқаддаслаштирилган Ҳизрбува, Пошшопирим, Бибиубайда, Имомота каби зиёратгоҳларда ўтказилган. “Арвоҳи пир” маросимини шогирдлик мактабини тугатиб, усто даражасини олаётган ҳунармандлар ҳам ўтказганлар. Чунки бўлғуси уста ушбу маросимни ўтказибгина тармоқ ҳомий-пири мададига эриша олади, деб тасаввур қилинган. Уста даражасини олаётган ҳунармандга ушбу маросим юқори масъулият юклаган. Бундай маросимни

ўтказган усталар бутун умри давомида ҳунармандчилик қоидаларига тўла риоя қилиш мажбуриятини олган. Демак, ҳомий-пирга эътиқод орқали аслида ҳунармандларнинг жамоа ички қоидаларига бўйсунилари назорат қилинган, касб сирларини ёш авлодга узлуксиз, тўлиқ ўтиши таъминланган. Ҳунармандларнинг ўзаро касбий малака алмашилишларига кўмаклашган.

Темирчилар орасидаги тасаввурларга кўра, Довуд алайҳиссалом руҳи доимо темирчилик дўконига яшайди, деб ҳисобланган [10,73-74]. Ҳунармандчиликдаги бундай тасаввурлар бошқа тармоқларда ҳам кенг тарқалган [11,73-74; 318]. Шу сабаб аҳоли орасида ҳунармандчилик устахонасига ҳам эътиқод кучли бўлган. Чунончи, аҳоли орасида кўп касалликларни даволашда темирчилик дўконига шифо истаб мурожаат қилиш одати бўлган. Жумладан, темирчилик дўконига металл совитиладиган сувга алоҳида эътиқод юзага келган. Унга Довуд алайҳиссалом қувватлантириб туради, деб қаралган. Шу сабаб, у чанқоқ касаллигида даво, деб истеъмол қилинган. Чустда бу сув “Оби соф”, Шаҳрихонда “Оби нав”, деб аталган. Тасаввурларга кўра, еттита темирчилик дўконидан йиғиб истеъмол қилинган сув шифобахш ҳисобланган. Бу одат асосини темирчига бўлган топиниш удуми ташкил этса-да, бироқ, удум шаклланишига таркибида темир моддаси бўлган сувнинг хусусияти сабаб бўлган. Одатда кишилар охириги сув олган дўконига оқ рўмолча назр қилганлар. Маълумки, оқ рангдаги буюм халқимизда поклик, касалликдан халос қилувчи белгини билдирган. Шунингдек, қадимда оқ рангдаги буюмлар ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи афсунгарлик воситаси бўлиб ҳам ҳисобланган [12,38-45]. Шунингдек, Марказий Осиё халқлари тасаввурларида темирчини, кўзи ёриётган аёлга таъсир этувчи ёвуз кучларни ва чорвага келган касалликларни даф қилувчи нажоткор сифатида қабул қилиш удуми ҳам мавжуд бўлган. Демак, ҳунармандчилик ҳомий-пирлари нафақат ҳунармандлар, балки барча аҳоли тоифаларини ҳам турли ёвуз руҳлардан асровчи тимсол сифатида талқин қилинган.

Шу ўринда, қандай омиллар бу одат ва маросимларни ҳунармандларнинг маънавий

дунёқарашида мустаҳкам ўрин эгаллаганлигини аниқлаш муҳимдир. Бизнингча, энг муҳим сабаб сифатида ҳунармандчилик тараққиётини таъминлаш билан боғлиқ қарашлар, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ҳунармандларнинг бу зарур қоида ва одатларга қатъий риоя қилишларини таъминлаш масаласи муҳим бўлган. Ҳунармандчилик ички қоидаларининг тўла бажарилиши ҳунарманд ҳўжалигини мустаҳкамлаган, кўпроқ иқтисодий фойда кўришини таъминлаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳунармандлар урф-одатларида мужассамлашган турли шаклдаги эътиқодий

қарашлар аслида аجدодларимизнинг қадимий диний тасаввурлари асосида вужудга келган. Мазкур эътиқодий қарашлардаги ҳунармандчилик пирлари образи кейинчалик ислом дини таъсирида муқаддаслаштирилган, ўзининг илк кўринишларини ўзгартирган. Ушбу тимсолларга топинишнинг айрим кўринишлари бугунги кунга қадар Фарғона водийси ҳунармандларининг одат ва маросимлари сақланиб қолган. Фарғона водийси ҳунармандларининг эътиқодий қарашлари асосини ҳунармандчилик ҳомий-пирларига топиниш ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Бу ҳақда қаранг: Сухарева О. А. К вопросу о генезисе профессиональных культов у таджиков и узбеков // Труды АН Тадж. ССР Т.С. XX 1960 г. ; Жабборов И. М. Ремесло узбеков южного Хорезма в к. XIX–XX вв. // Занятия и быт народов Средней Азии. – Т.: Фан, 1971. – Вып. 3 ; Сулаймонов Э. Традиции обработки металлов у киргизов. – Ф., 1982.

* Изоҳ: мазкур “ҳомий” ва “пир” сўзлари луғавий жиҳатдан айнан бир бўлмаса-да, биз мақола мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бу икки сўзни биргаликда беришга жазм этдик. Сабаби, “пир” сўзи форсча “кекса”, “қари” мазмунида бўлиб, тасаввуфий истилоҳга кўра, “раҳнамо”, “бошловчи”, “тарбиячи” маъноларида ҳам қўлланади. Бу ҳақда қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. Исломи шарқи ҳунармандчилигида эса ҳар бир касб-кор бирор улўғ пайғамбар ёки авлиё номи билан боғланади. Ва, албатта, ушбу ҳунарнинг бошловчи раҳнамоси дея ўша пир ҳомий сифатида тутилади. Шунга кўра, биз “ҳомий-пир” дея беришни жоиз топдик.

2. Андреев М. С. Рисола кузнечного цеха из северной Индии на языке пушту. Сборн. Турк. Вост. Ист. – Т., 1923. ; Гаврилов М. Рисола сартовских ремесленников. – Т., 1912.

3. Тадқиқотчилар бу муқаддас кишилар образи ислом динига насронийлик динидан ўтганлигини таъкидлайдилар. Бу ҳақда қаранг: Андреев М. С. По поводу процесса образования примитивных среднеазиатских цехов и цеховых сказаний (рисола). // Этнография. 1927. – № 2; Сухарева О. А. К вопросу о генезисе профессиональных культов у таджиков и узбеков // Труды АН Тадж. ССР Т.С. XX 1960 г.

4. Андреев М.С. По поводу процесса образования примитивных среднеазиатских цехов и цеховых сказаний (рисола). // Этнография. -1927. – № 2.

5. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри. -2019 йил; Наманган вилояти Чуст шаҳри. -2012 йил.

6. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Рапқон қишлоғи. -2015 йил.

7. Быт кочевого населения Чу и Сирдарьи // Туркестанские ведомости. -1874. – №31.

8. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи. -2018 йил.

9. Дала ёзувлари. Наманган вилояти, Поп тумани, Ғурумсарой қишлоғи. -2017 йил.

10. Сулаймонов Э. Традиции обработки металлов у киргизов. – Ф., 1982.

11. Андреев М. С. По Таджикистану. – Ташкент., 1925. – Вып. 1 ; Пещерева Е. М. Гончарное производство Средней Азии. – М.–Л., 1959.

12. Аширов А. А. Анъанавий никоҳ тўйи маросимларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи. – 2003. – № 2. .

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ОХРАНЫ МАТЕРИНСТВА И ДЕТСТВА В ОБЛАСТЯХ ДОЛИНЫ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

PROBLEMS OF PROTECTING MOTHERS AND CHILDREN IN THE REGIONS OF VALLEY IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

А.Абдухалимов

Аннотация

Мақолада Фарғона водийси вилоятларида мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируются вопросы профилактики материнской и детской смертности, медицинского обследования и охраны материнства и детства в регионах Ферганской долины в годы независимости.

Annotation

The article analyzes the issues of reducing maternal and child mortality during the years of independence in the Ferghana Valley regions, medical examination and maternal and child health.

Таянч сўз ва иборалар: оналар ва болалар, ҳомиладор аёллар, тиббий кўриқ, дори-дармон, соғломлаштириш.

Ключевые слова и выражения: матери и дети, беременные женщины, медицинское обследование, лекарственные средства, оздоровление.

Keywords and expression: mothers and children, pregnant women, medical examination, medication, health improvement.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида:

аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган [1,24].

Маълумки аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигининг қай даражада эканлигини белгилашда оналар ва болалар

саломатлигини сақлаш, уларга тез ва сифатли ёрдам кўрсатиш борасидаги амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар йўлидаги эришган натижалар ёмон эмас.

Ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда Фарғона водийси вилоятларида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Жумладан, биргина Фарғона вилоятида 1989 йилда туғилган ҳар минг гўдакдан 35,3 нафари нобуд бўлган бўлса, 1993 йили бу кўрсаткич 25,6 нафарга тўғри келди. 1994 йилда 387199 нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл тиббий кўриқдан ўтказилиб, улардан 188401 нафарида турли хасталиклар аниқланган. Шундан 138748 нафари тўлиқ соғломлаштирилган. Мазкур даврда вилоятда 113272 нафар хасталикка мойил бола диспансер назоратига олинган бўлиб, уларнинг 85425 нафари даволаш муассасаларида, 64520 нафари болалар ёзги оромгоҳлари ва санаторийларда соғломлаштирилган.

Олиб борилган тўла соғломлаштириш тадбирлари натижасида вилоятда болалар ўлими кўрсаткичларининг 1994 йилда 1992 йилги 41,7 фоиздан 28,7 фоизга, оналар ўлими эса 1992

А.Абдухалимов – Андижон давлат тиббиёт институти Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.

йилги 38,1 фоиздан 18 фоизга камайишига эришилган [3,28].

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат муҳофазасига олинган бўлиб, унинг учун бюджет маблағлари ажратилган. Жумладан, 1993 йилнинг 9 ойи давомида Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан 2 ёшгача бўлган нимжон болалар озиқ-овқати учун 6 миллиард 655,8 миллион сўм, 22312 нафар камқон ҳомиладор аёлларга 199 миллион 337 минг сўм, дори-дармон учун 1 миллион 925 минг сўм, 20457 нафар кам таъминланган оилалардаги ҳомиладор аёлларнинг озиқ-овқатига 199 миллион 533 минг сўм маблағ сарфланган. Бу чора-тадбирларнинг натижасида 1 ёшгача бўлган болаларнинг нобуд бўлиши 1992 йил 9 ойидаги 34,1 нафардан, 1993 йил 9 ойида 22,8 нафарга камайган [4,30]

Вилоятга келтирилган тиббий анжомларнинг 60 фоиздан зиёдроғи қишлоқлардаги бирламчи тиббий муассасаларни

жиҳозлаш учун ажратилган. 28 та қишлоқ участка шифохонаси ва 98 та қишлоқ ҳакимлик амбулаторияларида 1217 та кундузги ўрин-жойлар ташкил этилган. Бу ўрин-жойларда 34 мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси ўз саломатлигини тиклади. Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи 385 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёл соғлиғини сақлаш мақсадида ҳар йили тиббий кўриқдан ўтказилиб, топилган хасталиклари мунтазам равишда соғломлаштириб борилган. Юқорида санаб ўтилган ишларнинг амалга оширилиши натижасида 1 ёшгача бўлган чақалоқларнинг ўлимининг 1992 йилдаги 45,6 фоиздан 25,3 фоизга, оналар ўлими эса 20 мартага камайишига эришилган [3,6].

Истиқлол йилларида Наманган вилоятида ҳам мазкур йўналишдаги ишлар жадаллик билан олиб борилди. Биз уни қуйидаги жадваллар ва бирламчи архив материаллари орқали таҳлил қилишимиз мумкин бўлади. Вилоятдаги асосий демографик кўрсаткичлар [5,36].

1-жадвал

Туғилиш кўрсаткичи (ҳар 1000 аҳолига нисбатан)			
1996 йил	1997 йил	1998 йил	Республикада
30,1	25,9	23,4	25,8
Ўлим кўрсаткичи (ҳар 1000 аҳолига нисбатан)			
1996 йил	1997 йил	1998 йил	Республикада
5,9	5,2	5,3	5,8
Бир ёшгача бўлган болалар ўлими (ҳар 1000 тирик туғилган болаларга нисбатан)			
1996 йил	1997 йил	1998 йил	Республикада
24,7	22,4	22,6	22,7
Оналар ўлими (ҳар 100 тирик туғилган болаларга нисбатан)			
1996 йил	1997 йил	1998 йил	Республикада
14,6	37,3	27,2	28,1
Табиий ўсиш			
1996 йил	1997 йил	1998 йил	Республикада
24,8	20,8	18,1	20,0

Вилоятда 1999 йилнинг учинчи чорагида 441709 нафар туғиш ёшидаги аёлдан 433959 нафари ёки 98,2 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўриқдан ўтказилган аёлларнинг 75,7 фоизда экстрагенитал касалликлар аниқланди. Аниқланган беморларнинг 81,6 фоизда ҳомиладорликка нисбий монелиги борлиги, 11,3 фоизда эса мутлақ монелиги бор, деб топилди. Нисбий монелиги бор аёлларнинг 96,8 фоизи акушер-гинеколог кўрувига юборилиб, керакли тавсиялар берилди. Бемор аёлларнинг 243658

(Ҳар 1000 нафар тирик туғилган болага нисбатан)

нафари стационар ва поликлиникаларда даволанди.

Лекин олиб борилган профилактик ишларга қарамасдан, вилоятда 1998 йилнинг 9 ойида 744 нафар (21,6 фоиз) бола вафот этган бўлса, 1999 йил 9 ойида 664 нафар (20,3 фоиз) бола нобуд бўлган. Ўтган йилга нисбатан ўлим кўрсаткичи 0,8 промиллега камайган бўлишига қарамай, Наманган шаҳри, Косонсой, Турақўрғон ва Норин туманларида кўрсаткич вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган [6,66].

2-жадвал.

Шаҳар ва туманлар	1 ёшгача ўлганлар	
	1998 йил 9 ойда	1999-йил 9 ойда
Наманган шаҳар	162-22,7	182-27,3
Косонсой тумани	51 -19,3	54-21,6
Норин тумани	46 - 22,1	36 - 20,9
Турақўрғон тумани	78 – 29,9	53 – 20,4

ТАРИХ

Вилоят бўйича	744-21,6	664- 20,3
Ўзбекистон Республикаси	9192-21,4	7967 -19,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1 ёшгача ўлган чақалоқлар 1998 йилга қараганда 1999 йилда камайган, аммо юқорида кўрсатилган туманлар ва Наманган шаҳрининг кўрсаткичи вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган. Айниқса, Наманган шаҳрида 1 ёшгача болаларга тиббий хизмат кўрсатиш талаб даражасида бўлмаган. 0-6 кунгача ўлимнинг кўпайишига асосий сабаб Тўрақўрғон, Наманган, Мингбулоқ туманлари ва Наманган шаҳрида чақалоқларга тиббий хизмат кўрсатиш етарли даражада эмаслигида бўлган.

Вилоятда чақалоқлар ўртасида ўлим ҳолларининг кўпайиши асосан Янгиқўрғон тумани ҳисобига содир бўлган. Чунки туман марказий касалхонаси туғуруқхона бўлимида врач (неонатолог)га эҳтиёж бўлса-да, мутахассисларнинг етишмовчилиги сабабли фаолият кўрсатмаган [6,64].

1-2 ёшгача болалар ўлими 1998 йилга қараганда 1999 йилда камайган бўлса-да, фақат Тўрақўрғон туманидан ташқари барча туманларда бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан бирмунча кўпайган. 0-5 ёшгача болалар ўлими ҳам камайганлигига қарамай, Наманган шаҳри, Наманган ва Косонсой туманларида бу кўрсаткич вилоят кўрсаткичидан юқорилигича қолган. Уйдаги ўлим ҳолати эса 0,1 фоизга (12,6 - 12,7) кўпайган. Уйда ўлганлар кўрсаткичи 1 ёшгача болалар ўртасида Мингбулоқ, Уйчи, Поп ва Косонсой туманларида кўпайган [6.69].

Ўрганилаётган даврда болалар ўлими билан бир қаторда оналарнинг вафот этиш ҳоллари ҳам кузатилган. Жумладан, Андижон вилоятида туғилиш кўрсаткичи (ҳар 1000 аҳолига) 21,5 промиллени ташкил қилиб, 1999 йилга нисбатан 2,4 пунктга камайган. Оналар ўлими (ҳар 100 минг тирик туғилганларга нисбатан) 3 пунктга ошиб, интенсив кўрсаткич 21,2 ни (10

ўлим) ташкил қилди. Жами ўлган оналарнинг 80 фоизи (8 та) қишлоқ жойларга ва 20 фоизи (2 та) шаҳарга тўғри келган [7.24].

Наманган вилоятида 2001 йилнинг 6 ойида 5 нафар она ўлими рўй берган бўлса, 2000 йилнинг шу даврида 4 нафар она нобуд бўлган. Ўлган оналарнинг 60 фоизи шаҳар жойларида, 40 фоизи эса қишлоқларда истиқомат қилган. Уларнинг 60 фоизи биринчи туғувчи, 40 фоизи қайта туғувчи аёллар бўлган. Ижтимоий аҳвол ҳақида маълумотлар ўрганилганда, аёлларнинг 90 фоизи уй бекаси, 10 фоизи ишчиларни ташкил этган. Бу кўрсаткич уй бекалари орасида олиб бориладиган соғломлаштириш ишларини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатган [8,52].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мазкур даврда оналар ва болалар соғлиғига алоҳида эътибор берилганлигига қарамай, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Бу эса ўз ўрнида ижтимоий ҳимоя масаласидаги баъзи муаммоларни келтириб чиқарган. Бугунги кунга келиб эса ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар давлат сиёсатининг янги босқичига кўтарилди.

Бу борада муҳтарам Президентимиз 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Халқимиз генофондини сақлаш учун ҳомиладор аёллар ва болаларнинг овқатланиш рационали бўйича амалдаги меъёрларни халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш лозим”, деб таъкидлаб ўтган эди [2].

Албатта, буларнинг барчаси жисмонан соғлом ва ақлан баркамол авлодни тарбиялаб, уларнинг жамият ҳаёти ва юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишларига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2018 йил, 29 декабрь. -№ 271-272.
3. Фарғона вилоят давлат архиви (бундан кейин-ФВДА), 1220-жамғарма, 2-рўйхат, 6-йиғма жилд.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими (бундан кейин - ЎЗРПДА АВБ), 4141-жамғарма, 1-рўйхат, 177-йиғма жилд.
5. Наманган вилоят давлат архиви (бундан кейин-НВДА), 908-жамғарма, 1-рўйхат, 277-йиғма жилд.
6. НВДА, 908-жамғарма, 1-рўйхат, 280-йиғма жилд.
7. ЎЗР ПАА АВБ, 4141-жамғарма, 15-рўйхат, 178-йиғма жилд.
8. НВДА, 908-жамғарма, 1-рўйхат, 453-йиғма жилд.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор.

УДК:93/99+(-35)+331.7

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ РАДИОСИ ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ПО ИСТОРИИ ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО РАДИО

SOME REMARKS ON FERGHANA REGION RADIO HISTORY

М.Темирова

Аннотация

Мақолада Фарғона вилоят радиосининг ташкил топиш тарихи ёритилган. Шунингдек, унда Фарғона вилоят радиосида фаолият олиб борган радиожурналист ходимлар ҳамда радионинг ривожига ҳисса қўшган раҳбар ходимларнинг номлари алоҳида таъкидланган. Фарғона вилояти туман марказлари ва қишлоқларини радиолаштириш жараёни ҳамда вилоят радиосининг моддий-техник таъминоти тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Аннотация

Статья посвящена истории образования Ферганского областного радио. В ней отдельно перечисляются имена радиожурналистов и руководящих работников, внесших вклад в развитие радио. Представлены сведения о процессе радиофикации районных центров и сел Ферганской области, а также о материально-техническом обеспечении областного радио.

Annotation

This article is about the history of radio in the Ferghana region, which tells about the creation of regional radio. The article also mentions the names of radio journalists working in the Ferghana region and executives who contributed to the development of the radio. There is also valuable information on the process of radiation of regional centers and villages of Fergana region and the logistics of regional radio.

Таянч сўз ва иборалар: радиозшиштириш, радиомухбир, радионукта, район, лойиҳа, ходим, тўлқин, техника, қарор.

Ключевые слова и выражения: радиовещание, радиожурналист, радиоточка, район, проект, кадр, волна, техника, постановление.

Keyword and expressions: broadcasting, radio correspondent, radiopoint, district, resolution, project, co worker, wave, technics.

Бугунги кунда республиканинг барча вилоятларида телерадиокомпаниялар ишлаб турибди. Телерадиокомпаниялар ҳузурида радиостудиялар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ташкил топганига 80 йилдан ошди. Радио орқали тингловчиларга ўзбек, тожик, қирғиз, қozoқ ва рус тилларида эшиттиришлар бериб борилмоқда. Ҳар куни 24 соат давомида фаолият олиб бораётган радиостудиялар дастурларида энг сўнгги хабарлардан тортиб, иқтисодий-ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими ҳақидаги маълумотлар бериб борилади.

Республикада радионинг ташкил топиши ҳам ўзига хос тарихга эга. Хусусан, 1920 йилда ушбу соҳага Москвадан “Наркомпочтел” томонидан 5 нафар радиотелеграфист, 2 нафар электротехник ҳамда 10 та радиоускуна юборилди. Аппаратлар Самарқанд, Хива, Марғилон ҳамда Фарғона шаҳарларига ўрнатилди. Улар орқали ҳудудлар ҳамда Россиянинг марказий шаҳарлари билан мустақам алоқа қилиш имкониятлари яратилди [1].

Тошкентда радиостанция қурилиш ишлари 1926

йилда бошланди [2.15-варақ]. “Слабий Ток” трести станцияни 1926 йилнинг январида қуриб битказди ва келишилган шартномага мувофиқ радиоаппаратура, жиҳозлар билан жиҳозлаб, январнинг охирида фойдаланишга топширди [3.33- варақ].

Ўзбекистонда дастлабки радиостанция Тошкентда 1927 йилнинг 11 феврилида ишга туширилди [4.35-варақ]. Шу куни радио орқали эшиттириш “Новая” кўчасидаги бешта кичик хонадан иборат пастқамгина 13-уйда эски бинода атиги икки соатча давом этган эди [5.15-варақ]. 526 метрли ўрта тўлқинда (ЎТ) соат 18.00 да эфирга узатилди. Радиостанция таркибига икки студияли радиомарказ, иккита трансляция узели ва иккита оркестр кирди [6.35-варақ]. Тошкент радиоси 1927 йил эшиттиришларни рус, ўзбек, тукман, қozoқ ва тожик тилларида олиб борилган [7,4]. 1927 йил апрелдан Тошкентда 25 киловаттли радиостанция қурилишига киришилган [8.1-варақ]. 1929 йилда Тошкентда 25 киловаттли узун тўлқинли эшиттириш станцияси қуриб битказилди [9.155-варақ]. Бу радиостанция Марказий Осиёдаги катта қувватга эга бўлган биринчи радиостанция бўлиб, унга РА-27

М.Темирова – ҚДПИ, тарих ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

ТАРИХ

русумли радиоузатгич ўрнатилиб, ишга туширилди [10,9].

Тошкент радиомарказида 1927 йилда ҳафтасига 3 марта тўрт соатдан ўзбек тилида эшиттиришлар олиб борилган [12.30-варақ]. 1930 йил 30 сентябрдан Тошкентда 1.170 метр тўлқиндаги 25 киловатт соат қувватига эга бўлган РВ-11 узун тўлқиндаги радиостанция ишлай бошлайди. Бу станциянинг программалари Помир ва Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон, Хоразм ва Қорақалпоғистон, шунингдек, Афғонистонгача етиб борди [13].

Кучли қувватга эга бўлган радиостанциянинг қуриб битказилиши ҳамда Тошкент радиомарказининг ташкил этилиши республиканинг бошқа вилоятларида аллақачон бошланиб кетган радиолаштириш жараёнини тезлатишга имконият берди. Жумладан, 1928 йилда Ўзбекистоннинг қатор шаҳарларида радиоэшиттириш қабул қурилмаси мавжуд бўлиб, Фарғона водийси шаҳарларидан бири-Қўқонда 15 та бундай қурилма ишлаб турган [11,155]. Фарғонада эса 1932 йилдан радиоэшиттиришлар йўлга қўйилди [14,53]. Фарғона вилоят радиоси ташкил этилган дастлабки йилларда радиоэшиттиришлар учта тилда – ўзбек, рус ва тожик тилларида ҳафтасига 1 соату 30 дақиқа олиб борилган [15]. Фарғона вилоятида 1935 йилда 425 та радионукта мавжуд бўлган [16.2-варақ]. 1941 йилда Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари қатори Фарғона шаҳри, туман марказлари, совхозлари ва колхозларини радиолаштириш ишлари бирмунча жонланди [17.9-варақ].

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1950 йил 11 февраль кунги фармойишига кўра, Ўзбекистон ССР ҳудудида 1950-1955 йилларда радиоэшиттириш пунктларини жойлаштириш режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, Фарғона вилоятида 1950 йил 1 январь ҳолатига кўра жами 9374 та радионукта бўлиб, шундан 4632 таси қишлоқларда мавжуд эди. Тузилган режага биноан, 1955 йилга келиб юқоридаги кўрсаткич жами 48900 тага, шундан 38800 таси қишлоқларда жойлаштирилиши кўзда тутилган эди [18.204-варақ]. Ушбу фармойишнинг натижаси ўлароқ, 1961 йилга келиб, Тошкент, Бухоро, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Чирчиқ шаҳарларида сим орқали эшиттириладиган икки дастурли (программа) 4000 тадан ортиқ радионукта ўрнатилган ва ишлаб турган. Республикада эса 1390 та радиоузел, шу жумладан, 818 та колхоз радиоузеллари ишлаб турган [19.146-варақ].

Шунингдек, 1950-йилларнинг охирларида Фарғона вилоятининг кўплаб туман ва колхоз марказлари мавжуд бўлиб, уларга симлар орқали узатиладиган радиоприёмниклар ўрнатилган эди. Жумладан, радионукталар нисбатан кўпроқ бўлган Бағдод, Кува, Куйбишев, Тошлоқ туманларида радиоприёмниклар мунтазам ишлаб турган. Аммо ҳали радиоэшиттиришларда техник носозликлар туфайли камчиликлар мавжуд бўлган. Жумладан, Ёзёвон тумани Мичурин номидаги колхоздаги аҳоли уйларида симлар орқали радиоприёмниклар ўрнатилган бўлишига қарамасдан, улар яхши ишламас эди. Бу ҳолат Олтиариқ туманидаги Ленин совхозида ҳам учрайди. Ленинград туманидаги Ҳамза Ҳакимзода номидаги совхозда эса тўхтаб-тўхтаб ишлаган [20]. Бундай ҳолат республиканинг бошқа вилоятларида ҳам учраб турган бўлиб, бунга сабаб радиостанция тармоқларининг етарли даражада техник жиҳозлар билан таъминланмаганлиги ва эски ҳар хил турдаги аппаратлардан фойдаланишда давом этилаётганлиги ҳамда мўътадил электр таъминоти билан таъмин этилмаётганлигида эди. Шу сабабдан радиомарказларга аҳоли томонидан тез-тез шикоят хатлари келиб турган [21.202-варақ].

1958 йилда Фарғонада (радиоэшиттиришлар) Бош таҳририят вилоят радиоэшиттиришлар кўмитасига айлантирилди. Кўмита раиси этиб Акрам Қамбаров тайинланди. У 1975 йилгача ана шу лавозимда меҳнат қилди. Радио уйининг моддий-техника базасини яхшилашга, эшиттиришлар сифати ва мазмундорлигини оширишга катта ҳисса қўшди. Жумладан, Фарғонадаги дастлабки Радио уйи талабга жавоб бермас эди. Шу сабабдан 1960 йилдан шаҳардан чеккароқ ҳудудда Радио уйи қурилиши бошланган. Радио уйининг қурилишида радиомухбирларнинг ўзлари ҳам иштирок этган. Радио уйларининг девори уч қават қилиб қурилган бўлиб, бу ичкаридаги овознинг тиниқлиги ва эшиттиришларнинг сифат даражасини ортишига хизмат қилган. Фарғонада биринчи марта янги бинодан – замонавий Радио уйидан 1963 йил 22 февраль куни эшиттиришлар эфирга узатилди. Республикада энг замонавий, ҳар томонлама техник такомиллаштирилган Радио уйи қуриб, фойдаланишга топширилди. Яратилган қулай шароитлар натижасида 1968 йил февраль ойдан қрим-татар тилида ҳам эшиттиришлар олиб бориш йўлга қўйилди [22].

Фарғона радиоси ташкил этилган дастлабки йилларда Радио уйининг моддий-

техник базаси талаб даражасида бўлмаган. 1950-1960 йилларда Фарғона шаҳрида кичкинагина радиоузел бўлиб, ўртада ойнак, атроф эса мато билан тўсиб олинган. Радиомухбирлар оғирлиги 60 килограмм бўлган «МАГ-8» овоз ёзиш ускунасидан фойдаланишган. Интервьюларни ушбу магнитофон орқали ёзиб олиб, эшиттиришлар тайёрланган. Радиоэшиттиришларни эфирга узатишга тайёрлаш жуда кўп вақт талаб этган. Шу боисдан соҳада фаолият олиб борган кишилар кўпинча куну-тун ишлашган. Магнитофон ёзув ленталарини қайта-қайта эшитиб кўриш, нуқсонли жойларини кесиш ва қайта улаш кўп вақт ва тажрибали мутахассисни талаб қилган [23].

Фарғона вилояти радиоси фаолиятини нисбатан эрта бошлаганлиги сабабли кадрлар масаласида ҳам анча яхши ютуқларга эришган. Радиоэшиттиришларни узатиш ва давомли бериб боришда кўплаб фидойи кишилар фаолият олиб борган. 1932 йилдан 1935 йилгача радиостанция раҳбари ва ўзбек тилида эшиттиришлар тайёрлайдиган муҳаррирдан ташқари ҳеч ким маош олмаган. Сухандонлар, техник ходимлар ва мухбирлар жамоатчилик асосида ишлашган. Бу борада ўзбек радиосининг Фарғонадаги биринчи вакили, ўша пайтда шаҳар маориф бўлимида инспектор бўлиб ишлаган Отажон Фармонов фаолияти алоҳида эътиборга моликдир. Унинг турмуш ўртоғи Гулсумой Фармонова ҳам Фарғона радиосининг биринчи сухандонларидан эди. 1934-1936 йилларда маҳаллий радиога Баҳром Искандаров раҳбарлик қилди. Бу йиллари Фарғона радиосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Сайфи Узоқов, таниқли бастакор Маҳмуд Ғиёсов, Ҳавохон Исмоилова ва бошқалар меҳнат қилдилар. Кейинчалик, уларнинг сафига Носир Зокиров, Ҳожимат Қодиров, Саидваққос Қосимов, Раиса Егорова, Турсунбой Маҳмудов ва бошқалар

қўшилдилар. Эшиттиришлар ҳажми кўпайди, уларни муסיқали безаш тизими яхшиланди. Тоштурғун Исақов, Светлана Полякова, Мамадали Муродов, Ўрмонжон Ойматов, Мукаррам Исақова, Раҳима Раджаббоева, Омонжон Ҳакимов, Розалия Тетельман, Баҳодир Абдуллаев, Абдумутал Қодиров сингари фидойи инсонлар номи радио тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Улар вилоят радиосида 30 йил ва ундан ортиқ меҳнат қилдилар. Бутун куч ва билимларини ана шу соҳанинг ривожига бахшида этдилар [24]. 1950 йилларнинг охирида эса вилоятда бир неча радио муҳандислар етишиб чиқди. Вилоятдаги ҳар бир районнинг махсус радиотехниклари бўлган. Жумладан, Фрунзе тумани Охунбобоев совхозидан Сулаймонов, Горский туманидан Қўчқоров, Бағдод туманидан катта техник Сель, Қува туманидан Павлов, Фарғона радиостанциясининг катта инженери Космининлар энг яхши радиотехниклар бўлган [25].

Фарғона вилоят радиоси тарихида 1977 йил алоҳида ўрин тутди. Чунки, 1977 йилдан бошлаб вилоят радиоси ҳар куни бир соатдан узлуксиз эшиттиришлар беришга ўтди. Эшиттиришларнинг икки радиостанция – 4.59 метр ультра қисқа ва 66,5 метр қисқа тўлқинлардан эфирга узатилиши катта имкониятларни очди [26].

Фарғона вилоятида радио соҳаси мутахассислари ўзига хос ютуқ ва муаммоларга қарамасдан, сифатли ва самарали фаолият олиб боришга ҳаракат қилдилар. Радиоэшиттиришларда йилдан-йилга қизиқарли, мазмунли дастурларнинг салмоғи ортиб борди. Кўплаб фидойи радиомухбирлар тинимсиз меҳнатлари туфайли элга танилди. Айниқса, истиқлол йилларида вилоят телерадиокомпаниясининг фаолияти кенг кўламда ривожланди.

Адабиётлар:

1. Фарғона вилоят телерадиокомпанияси жорий архивдан.
2. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 5-рўйхат, 253-иш, 15-варақ.
3. ЎзР МДА, Р. 837-фонд, 5-рўйхат, 253-иш, 33-варақ.
4. ЎзР МДА, Р.736-фонд, 1-рўйхат, 611- иш, 35-варақ.
5. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 5-рўйхат, 253-иш, 15-варақ.
6. ЎзР МДА, Р.736-фонд, 1-рўйхат, 611-иш, 35-варақ
7. Жуманиёз Жабборов. Миллионлар минбари // Мухбир. – Т., 1977. - №5.
8. ЎзР МДА, Р. 736-фонд, 1-рўйхат, 611-, иш 1-варақ.
9. ЎзР МДА, Р. 9-фонд, 1-рўйхат, 763- иш, 155-варақ.
10. Муҳамметов, Ш.Атамуратова. Телевидение ва радио режиссураси. -Т.:Нисо полиграф,2017.
11. Шадманова С. Ўзбекистон шаҳарларидаги трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Т.: Адабиёт учкунлари, 2015.

ТАРИХ

12. ЎзР МДА, Р 736-фонд, 1-рўйхат, 611- иш, 30-варақ.
13. Раҳмонов. Р. Ўзбекистон халқ аудиторияси. -Т.: Ўзбекистон, 1977.
14. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: замон билан ҳамқадам. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
15. Фарғона вилоят телерадиокомпанияси жорий архивидан.
16. ЎзР МДА, Р. 1619-фонд, 11-рўйхат, 215-иш, 2-варақ.
17. Раҳмонов. Р. Ўзбекистон халқ аудиторияси—Т.: Ўзбекистон, 1977.
18. Фарғона вилоят давлат архиви, 125-фонд, 1-рўйхат, 336- иш, 204-варақ.
19. ЎзР МДА, Р. 837-фонд, 39-рўйхат, 39- иш, 146-варақ.
20. Ферганская правда. Радио в каждый дом .-1959 йил 6 май №90 (7607)
21. Фарғона вилоят давлат архиви 1205-фонд, 1-рўйхат, 336- иш, 202-варақ.
22. Фарғона вилоят телерадиокомпанияси жорий архивидан.
23. Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг нафақадаги ходими Тоштурғун Исақов билан шахсий суҳбат материаллари (1959-2000 йилларда вилоят радиосида бош редактор лавозимида ишлаган). 1940 йилда туғилган. (Фарғона шаҳар, Файзулла Хўжаев кўчаси, 2-уй, 36-хонадон). -2019 йил 4 март.
24. Фарғона вилоят телерадиокомпанияси жорий архивидан.
25. Фарғона вилояти телерадиокомпанияси нафақадаги ходими Аҳмадали Хаджаев билан шахсий суҳбат материаллари. (1986-1996 йилларда телерадиокомпания раиси, 2001-2011 йилларда раис ўринбосари бўлиб ишлаган. 1991 йил Фарғона вилоят телевидениесини ташкил этишда бош бўлган шахслардан бири) 1943 йилда туғилган. (Марғилон шаҳри, Сўфи Оллоёр кўчаси, 232-уй). -2019 йил 20 март.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).

УДК: 93/99+341.7

ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЭЛЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ: АНЪАНАЛАР ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

ПРИЕМ ПОСЛОВ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В КОКАНДСКОМ ХАНСТВЕ: ТРАДИЦИИ И ОСОБЕННОСТИ

RECEPTION OF FOREIGN AMBASSADORS IN THE KOKAND KHANATE: TRADITIONS AND PECULIARITIES

Ш.Махмудов

Аннотация

Мақолада Қўқон хонлигида хорижий дипломатик миссияларни кутиб олиш ва қабул маросими маҳаллий манбалар ва хорижий элчиларнинг сафарномалари асосида ёритилган.

Аннотация

В статье на основе местных источников и путевых записок зарубежных послов освещена церемония встречи и приема зарубежных дипломатических миссий в Кокандском ханстве.

Annotation

The article highlights the issues of ceremonial meeting and reception of foreign diplomatic missions in the Kokand Khanate. The article is based on the data of the authors of local essays and unique sources - "Safarnoma".

Таянч сўз ва иборалар: Қўқон хонлиги, элчилик хизмати, ташқи алоқалар, қабул маросими.

Ключевые слова и выражения: Кокандское ханство, посольская служба, внешние связи, церемония приема.

Keywords and expressions: Khoqand Khanate, the system of the embassy service, external relations, ceremony.

Қўқон хонлигининг давлат сифатида вужудга келиши ва ривожланиши натижасида давлатчиликнинг турли унсурлари ҳам шаклланиб борди [4,29;5,232-242]. Хусусан, давлатлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш борасида дипломатик институтлар ҳам вужудга келди ва бунда асосий омил сифатида хонлиқнинг ташқи сиёсати билан боғлиқ масалалар сабаб бўлди [5,232-242]. Хонлиқнинг ташқи алоқалар институтининг шаклланиб бориши дипломатия билан боғлиқ турли вазифаларни тартибга келтирди [2; 3; 5,232-242]. Жумладан, хорижий элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ анъана ва маросимлар бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади. Турли давлатларда бу маросимнинг ўзига хос тарзда ташкил этилиши, маълум бир қонун-қоидалар асосида олиб борилиши йўлга қўйилган [1,213-221; 12,263]. Шунингдек, айрим ҳукмдорлар ёки вазирлар, донишманд кишилар томонидан бу борада махсус кўрсатмалардан иборат қўлланмалар, рисоалар ёзилганлиги бу масалага катта эътибор берилганлигидан далолат беради. Хусусан, Салжуқийлар давлатининг машҳур вазири Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" асарида элчиларни кутиб олиш бўйича муҳим маслаҳатлар қайд этилади. Хусусан, Низомулмулк ўз асарида, "Ташқаридан келган элчиларни саройга келиб-кетишлари номаълум қолиши, уларнинг аҳолидан хабардор бўлмаслик ғафлат ва ишнинг тартибсизлигидан дарак беради", деб ёзади [9, 100].

Марказий Осиё давлатларида ҳам дипломатик институтларнинг таркибида элчиларни кутиб олиш муҳим тадбир саналган. Буни Қўқон хонлигида хорижий элчиларни кутиб олиш маросими ҳам алоҳида давлат аҳамиятига молик тадбирлардан бири бўлганлигини элчиларнинг сафарномалари [8] ҳамда маҳаллий манбаларда [6; 7; 10; 13] қайд этилган маълумотлар орқали тадқиқ ва таҳлил этиш мумкин.

Қўқон хонлигидаги элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ тадбирларни икки гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Биринчиси– Қўқон хонлигига келган хорижий элчиларни кутиб олиш, иккинчиси эса хорижий мамлакатларга юборилган элчиларни қайтиб келганини кутиб олиш маросими. Шунингдек, элчиларни кутиб олиш маросимини ҳам шартли равишда учта қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисм элчини қабул қилиш маросими, иккинчи қисм ҳадялар тақдими, учинчи қисм эса зиёфат дастурхони.

Хонлиқда элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ махсус қоидалар мавжуд бўлганлигига оид маълумот 1813 йилда хонлиқка Россия империясидан келган элчи Филипп Назаров [14] нинг эсдаликларида [15] қайд этилади.

Филипп Назаров Умархон (1810-1822) ҳузурига киргунига қадар унинг олдида Қўқон хонлигидаги ташқи ишларга масъул вазир келиб учрашган ва бир қанча маълумотларга аниқлик киритишга ҳаракат қилган. Муаллиф айнан ташқи ишларга масъул шахс, деб эътироф этмаса-да,

Ш.Махмудов – ЎзРФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, доцент.

ТАРИХ

бун аниқ айтиш мумкинки, бошқа давлатлардан келадиган ёки хорижий давлатларга юбориладиган элчиларни ҳамда ташқи ишлар масаласини хонлиқда шиғовул мансабидаги шахс бажарган ва, албатта, бу мансаб эгаси Қўқон хонлигидаги вазирлардан бири саналган. Фикримизча, шиғовул мансабидаги вазир Филипп Назаров билан мулоқотда бўлган ва шунинг учун муаллиф уни вазир, деб қайд этган. Шунингдек, элчи Қўқоннинг бош вазири билан учрашганлигини ҳам қайд этиб ўтади [18].

Филипп Назаровнинг эсдаликларидан шуни англаш мумкинки, у Қўқон хонлиги шиғовули томонидан Россия империясидан келган асосий элчи, деб эътироф этилмаган. Шиғовул ҳамда Филипп Назаров ўртасидаги савол-жавоблар бунга аниқлик киритади. Яъни, шиғовул Филипп Назаровга "... икки асосий элчилар қани?", деб савол берган. Ундан сўралган икки элчи 1811 йилда Қўқондан Россия империясига юборилган дипломатик миссия ва савдо карвонига раҳбар бўлиб борган масъуллар эдилар. Ушбу элчиликнинг тақдири жуда аянчли якун топган бўлиб, иккала элчи ҳам Қўқонга қайтмаган. Дипломатик тартиб-қоидаларга кўра, Филипп Назаров бу машъум воқеага изоҳ бериш мақсадида Россия империяси томонидан юборилган эди.

Филипп Назаров Қўқон хонлигидаги давлатчиликнинг муҳим компонентларидан бири бўлган дипломатик институтнинг элчиларни кутиб олиш маросимини баён этар экан, унинг ёзишича, «хукмдорнинг юқори кенгашини ташкил этувчи бир қатор вазирлар ва давлат амалдорлари тахти-равон ёнига солинган гиламлар устида даражаларига кўра ўтирар эдилар», дейди ва расмий қабул маросимидаги вазиятни ёритади [8, 41]. Филипп Назаров икки ёнида вазирлар ҳамроҳлигида саломхона[16] га яқинлашган, учинчи вазир эса саломхона эшигини очиб берган [8, 41]. Ичкарига киргандан сўнг Филипп Назаров Умархоннинг олдида бориб чўккалаб ўтириб, Россия императори томонидан юборилган мактуб ва унинг таржима нусхасини боши узра узатган. Умархон эса мактубни олиб икки қўли кўксида таъзим қилган ҳолатда турган вазирга узатади. Сўнгра Умархон элчидан императорнинг ҳолаҳволини ҳамда қандай оғзаки фармойишларга эғалигини сўраган. Шундан сўнг элчи Филипп Назаров орқароққа ўтиб ўтирган. Элчининг ёзишича, орқасида Хитой, Хива, Бухоро ҳамда Шаҳрисабздан келган элчилар ўтирган бўлган [8]. Филипп Назаровнинг мазкур маълумоти Қўқон хонлигида элчиларни қабул қилиш маросими махсус тадбир сифатида ўтказилганлигини кўрсатади. Маросимда барча юқори мартабали давлат амалдорлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг элчилари таклиф қилинган.

Қўқон хонлиги тарихнавислари томонидан ёзилган асарларда ҳам элчиларни кутиб олиш

маросимига доир маълумотларни учратиш мумкин. Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг "Мунтахаб ат-таворих" асарида Истамбулдан келган элчини кутиб олиш маросими баён қилинади. Қўқон хони Саййид Муҳаммад Умархон (1810-1822) томонидан 1820 йилда Усмонлилар давлати ҳукмдори Султон Маҳмуд II (1808-1839) ҳузурига Саййид Ҳожи Мирқурбон элчи қилиб юборилади. Шу йилнинг ўзида Истамбулдан қайтган Қўқон элчиси Саййид Мирқурбонга Усмонлилар давлати ҳукмдори Султон Маҳмуд II ҳам ўз элчисини ҳадялар билан қайтариб юборади. Бу даврда Қўқон хони Умархон Наманган вилоятига сафар қилган бўлиб, элчиларни кутиб олиш маросими Тўрақўрғонда амалга оширилади [10, 302 а.]. Саййид Мирқурбонни истамбуллик элчи билан бирга қайтиб келганлиги тўғрисидаги хабар келгандан сўнг Муҳаммад тунқотар исмли мансабдор элчиларни кутиб олиш учун юборилади. Қўқон элчиси Саййид Мирқурбон билан бирга Истамбулдан турк султонининг элчиси келганлиги боис ҳам алоҳида эътибор билан махсус кутиб олиш учун давлат амалдори жалб этилган. Бу ўринда Россия империясининг элчиси Филипп Назаров қайд этганидек, шиғовул мансабидаги кишининг кутиб олмаганини кўриш мумкин. Бу даврда Умархоннинг маҳаллий ҳудудларга сафарга чиққанини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Яъни, Умархон сафарга чиққанида албатта барча юқори мартабали мансабдорларни бирга олиб чиқмаслигини ҳам назарда тутиш керак. Шу боис Умархон Усмонийлар давлатидан келаётган элчини кутиб олиш учун шиғовул лавозимидаги мансабдорнинг ўрнига Муҳаммад Юсуф тунқотарни чиқаргани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қўқон хонлигининг давлат архивидаги ҳужжатлари тўлалигича сақланиб қолмаганлиги боис ҳам масалага ойдинлик киритувчи ҳужжатларни аниқлашнинг имкони йўқ. Лекин, Қўқон хонлари томонидан Усмонлилар империяси, Россия империяси, Ҳиндистонга юборилган дипломатик миссияларга доир ҳужжатларда ҳадялар рўйхати ҳам алоҳида қайд этилганлигини учратиш мумкин. Бошқа мамлакатлардан Қўқонга келган элчиларнинг ўзлари билан олиб келган ҳадяларини фақатгина маҳаллий тарихнависларнинг асарларида қайд этилганини кўрамиз.

Қўқон хонлигидан Усмонлилар давлатига бир неча бор турли мақсадларда дипломатик миссиялар юборилган бўлса-да, икки давлат ҳукмдорларининг бир-бирларига юборган ҳадяларига оид ҳужжатлар фақатгина учтани ташкил этади. Шундан бир ҳужжат Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1841) томонидан юборилган ҳадялар бўлса [19], иккита ҳужжатда Усмонлилар султони томонидан Қўқон хонига юборилган ҳадялар акс этган [17].

Мазкур ҳадяларни тақдим қилиш ҳам элчиларни қабул маросимининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бошқа давлатларнинг ҳукмдорлари томонидан юборилган ҳадялар Қўқон одатига кўра мансабдорлар ва бошқа мамлакатларнинг элчилари олдида ҳукмдорга топширилган.

Ҳадяларни тақдим этиш алоҳида маросим сифатида эътибор билан ўтказилганлигини маҳаллий манбаларда қайд этилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Элчиларни кутиб олиш маросимининг якуний қисмида зиёфат бериш аъъанаси мавжуд эди. Албатта, мазкур аъъана деярли барча мамлакатларда амалга оширилган тадбир, деб айтиш мумкин. Чунки элчи олий мартабали меҳмон саналган ва ҳар бир давлат ўз меҳмоннавозлигини кўрсатиш учун ҳам бу маросимга алоҳида эътибор қаратган.

Адабиётлар:

1. Аллаева Н. Хива хонлигида элчиларни қабул қилиш маросимлари // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар. -Т.: Адабиёт учкунлари, 2018.
2. Бабаджанов Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Т., 2010.
3. Васильев А.Д. Знамя и Меч от падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.). – М., 2014.
4. Махмудов Ш. Система административного управления в Кокандском ханстве (1709-1876 гг.) Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Т., 2007.
5. Махмудов Ш. Қўқон хонлигида дипломатик институтлар фаолияти // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар. –Т.: Адабиёт учкунлари, 2018.
6. Махмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. ЎзР ФА ШИ литографик нашр. Инв. № 304
7. Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Нашрга тайёрловчилар: Т. Алимардонов, Н. Абдулҳаким. - :Қарши, 1992.
8. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии / Текст подготовил В.А. Ромодин. – М.: Наука, 1968.
9. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияк ул-мулк. (Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, А.Эркинов) – Т.: Адолат, 1997.
10. Саййид Муҳаммад Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ат-таворих. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, инв. №594.;
11. Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат архивлари бошқармаси - Усмонли архиви - Türkiye Cumhuriyeti Cumhurbaşkanlığı Devlet Arşivleri Başkanlığı - Osmanlı arşivi кейинги ўринларда - TCCDABOA - қисқартмасида берилди.
12. Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар. –Т.: Адабиёт учкунлари, 2018.
13. Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia, Edited and translated by Timur Beisembiev. – London: 2003.
14. Филипп Назаровнинг ҳаёти тўғрисида батафсил маълумотлар етарли эмас. “Русский биографический словарь”да туғилган ва вафот этган йили тўғрисида аниқ маълумот кўрсатилмасдан, фақатгина 18 асрнинг охири – 20 асрнинг бошида яшаган, деб қайд этилади.
15. Ушбу асарнинг қўлёзмаси Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонаси (Собиқ М.Е.Салтиков-Шедрин номли кутубхона)да “Қўқон ҳақидаги эсдаликлар” сарлавҳаси остида сақланади. Мазкур асардан айрим парчалар дастлаб 1821 йилда “Вестник Европы” журналида нашр қилинган. Асар В.А.Ромодин томонидан нашрга тайёрланган ва 1968 йилда нашр қилинган.
16. Саломхона – ҳукмдор қароргоҳида алоҳида вазирларни ва бошқа олий мартабали меҳмонларни қабул қилиш жойи.
17. TCCDABOA, Hatt-ı Humayun Daftari, nr., 781/36550
18. Филипп Назаровнинг ёзишча, бу даврда хонлиқда бош вазир лавозимида Мирза Малла деган шахс бўлган. Лекин маҳаллий манбаларда бу даврда Қўқон хонлигида юқори мавқега эга мансабдорларнинг ичида бундай номдаги мансабдорни учратмадик. Балки муаллиф бош вазирнинг исмини нотўғри қўллаган бўлиши ҳам мумкин. Филипп Назаров таърифлаган бош вазирнинг ҳаракатлари кўпроқ парвоначи мансабидаги шахснинг фаолиятига тўғри келади.
19. Қўқон хонлигидан Турк султониға юборилган ҳадялар рўйхати қайд этилган ҳужжат Усмонли архивининг Ҳатти Хумоюн (НАТ) фондида 657/ 32100 D рақами билан сақланади. Мазкур ҳужжат 1254/1838 йилда Муҳаммад Алихон томонидан юборилган иккинчи элчилик бўлиб, бу дипломатик миссияга Хожи Муҳаммад Зоҳид хўжа бошчилик қилиб борган.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА РАХБАР ВА БОШҚАРУВ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРДА АКС ЭТИШИ

ОТРАЖЕНИЕ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ РУКОВОДИТЕЛЬСКИХ И УПРАВЛЕНЧЕСКИХ КАДРОВ В ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТАХ В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

LEADING MANAGERIAL AND MANAGERIAL PERSONNEL TRAINING SYSTEM IN UZBEKISTAN DURING INDEPENDENCE YEARS

А.А.Юлдашев

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг вужудга келиши, бошқарув анъаналари, шакли ва услублари, давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнлари, касбий маданиятни шакллантириш масалалари ҳамда уларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни тарихий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилиши бўйича яратилган илмий асарлар, тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируются научные произведения, исследовательские работы по вопросам формирования государственности на территории Узбекистана, а также традиции, формы и методы управления, процессы подготовки и переподготовки руководящих кадров в системе государственного управления, формирования профессиональной культуры и посвященные их роли в жизни государства и общества, в которых данные вопросы изучены с исторической и политико-правовой точек зрения.

Annotation

The article deals with the issues of formation of statehood on the territory of Uzbekistan, management traditions, its forms and methods, the processes of preparation and retraining of managerial personnel in the system of state administration, problems the formation of professional culture, their role in state and society development, scientific novels on historical and political-legal and research works were analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: Ҳаракатлар стратегияси, давлатчилик, бошқарув ҳуқуқи, шакл ва услуб, сиёсий институтлар, раҳбар кадрларни тайёрлаш, давлат хизматчиси.

Ключевые слова и выражения: Стратегия действий, государственность, законы правления, форма и стиль, политические институты, подготовка руководящих кадров, государственный служащий.

Keywords and expressions: Action Strategy, Government, Management Law, Form and Style, Political Institutions, Leading Personnel Training, Civil Servant.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг вужудга келиши ва тараққий топишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш, илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, маърифий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, илм-фаннинг таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар билан интеграцияси механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёшларда мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори [1,40] қабул қилинди. Ушбу қарорда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мазмун-моҳиятини, жамиятда барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни сақлаш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишларни ҳамда ҳозирги дунёда Ўзбекистоннинг роли ва ўрнини чуқур ўрганиш ва яққол очиб бериш вазифалари белгилаб берилган.

Тадқиқотчилар томонидан давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари,

истиқболи ва таназзулида ҳукмдор ва раҳбарларнинг тутган ўрни, бошқарувнинг шакл ва усуллари ҳамда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тарихий нуқтаи назардан ўрганиб келинган.

Мамлакатни одилонга бошқариш, ҳукмдорларнинг сиёсий ҳаётда тутган ролини ошириш ҳамда раҳбарларни танлаш ва тарбиялаш, раҳбарлик маҳоратларини ошириш борасида панд-насихат шаклидаги фикр-мулоҳаза ва тавсиялар Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий – Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқа алломаларимизнинг асарларида учрайди.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг методологик ва назарий асослари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи

Президенти И.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевларнинг асарларида ёритиб берилган.

Давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими, уларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамияти тарих, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, менежмент ва бошқарув ҳуқуқи каби замонавий фан вакиллари томонидан тадқиқ этилган. Уларнинг ҳуқуқий ва методологик асослари яратилиб, амалиётга тадбиқ этилган.

Мустақиллик натижасида ўзбек давлатчилигини ҳаққоний ўрганиш, узоқ ўтмишни ҳолисона ёритиб, тарихий жараёнларга тўғри баҳо бериш имконияти пайдо бўлди.

Кўплаб тадқиқотчилар томонидан қадимдан то бугунги кунга қадар Ўзбекистон ҳудудида давлатларнинг вужудга келиши, истиқболи ва таназзули, бошқарув анъаналари, шакл ва услублари, юқори мансаб эгаларининг раъият билан муносабатлари, пул муомаласи, солиқ сиёсати, ҳарбий қудрати ҳамда халқаро алоқалари тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этилиб, манбалар асосида ёритиб берилган [2].

Хусусан, Э.Ртвеладзе, А.Саидов, Е.Абдуллаевлар асарида давлатчилик тушунчаси ва унинг келиб чиқиши, давлат ва ҳуқуқ институтларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари, юртимиздаги қадимги давлатларда дипломатик муносабатлар ёритилган. Д.Алимова ва Э.Ртвеладзе муҳаррирлигидаги монографияда турли даврларда Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларнинг вужудга келиши, юксалиши, таназзулли сабаблари ҳамда давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари, бошқарув тизими, чегаралар ва маъмурий бўлиниши, ҳарбий ва дипломатик муносабатлар тадқиқ этилган.

“Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти” номли китобда энг қадимги даврдан то XIX асрнинг ўрталаригача бўлган даврда Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг вужудга келиши, ривожланиши, ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари ҳамда шаҳарларнинг тузилиши ёритилган.

А.Азизхўжаевнинг илмий изланишларида совет ҳукмронлигининг сўнги йилларида “пахта иши” ва “ўзбеклар иши” каби бўҳтонлар билан кадрларнинг қатағонлар таъсирида қолиши, маҳаллий раҳбар кадрларнинг таъқиб остига олиниши ҳамда марказдан партия ходимлари ниқоби остида махсус топшириқлар билан “десантчилар”нинг юборилиши далиллар асосида таҳлил қилинган.

Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар, уларнинг ўзбек миллий давлатчилигида тутган ўрни ҳамда Олий Мажлис Сенатини шакллантиришдаги иштироки Н.Дехкановнинг тадқиқот ишида кўрсатиб

ўтилган. Н.Расулованинг илмий изланишларида Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари билан бирга партияларнинг сиёсий кадрлар тайёрлаш жараёнидаги иштироки ёритиб берилган.

Мамлакатимизда давлат бошқарув тизимини шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, сиёсий институтлар фаолиятининг ташкил этилиши, замонавий бошқарув ва раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнлари сиёсий-ҳуқуқий фан соҳа вакиллари томонидан кенг тадқиқ этилган [3]. Улар ўз тадқиқот ишларида Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида ҳокимиятларнинг тақсимланиш принципларини, жамиятни демократлаштириш ва давлат хизматини ташкил этиш асосларини, бошқарувда ижтимоий-сиёсий институтларнинг ролини ҳамда раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнларини ўрганиб, ўз тавсия ва таклифларини ишлаб чиққанлар.

Давлат бошқарув тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлашнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, уларни танлаш ва тайёрлаш усуллари ҳамда соҳанинг модернизациялашиш жараёнларини ўрганиш бўйича Ф.Равшанов, Қ.Қуранбоев, О.Иброҳимов, Х.Аҳмедов ва М.Атамуратовлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларини алоҳида қайд этиш лозим.

Ф.Равшановнинг тадқиқот ишида Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарув кадрларини танлаш ва тайёрлаш тизимларининг тарихий ва замонавий тараққиёти, хорижий тажрибаси таҳлил қилинган. У, раҳбар кадрларни танлаш ва тайёрлаш технологияларининг ривожланиш жараёнларини ўрганиб, раҳбар кадрлар танлашнинг самарадор услуб ва технологияларини амалиётга тавсия этган.

Ўзбекистонда давлат бошқарувида кадрлар тизимининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари тизими фаолиятида кадрларнинг ўрни, уларни тайёрлаш шарт-шароитлари Қ.Қуранбоевнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Сиёсатшунос О.Иброҳимов ўзининг илмий изланишларида мамлакатимизда кадрлар сиёсати ва уни амалга оширишдаги ўзгаришлар, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий қурилишининг ислоҳ қилинишини ўрганган. Шунингдек, давлат ҳокимиятида бошқарувнинг янги тизимига ўтишда кадрлар муаммоси ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида юксак малакали кадрлар тайёрлашнинг сиёсий жиҳатларини тадқиқ этган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида миллий анъаналар ва жаҳон тажрибаси асосида замонавий раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалари ва давлат

ТАРИХ

хизматчисини тайёрлашнинг самарали механизмларини яратиш имкониятлари Х.Аҳмедовнинг тадқиқот ишида ёритиб берилган. У миллий давлатчиликни шакллантиришда давлат хизматини такомиллаштиришга интеграл ва дифференциал ёндашиб, шу орқали ушбу жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳамда бир-бирини таъкидлаш этиш хусусиятларини очиб берган.

Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёнлари бугунги кун нуқтаи назаридан сиёсатшунос М.Атамуратов томонидан ўрганилиб, у раҳбар кадрларга қўйилган янги талаблар ва бошқарув кадрлар фаолиятининг самарадорлигига эришиш мезонларини таҳлил қилади. Бошқарув кадрлар тизимидаги сиёсий ва ғоявий ўзгаришлар ҳамда концептуал қарашларни, кадрлар танлаш тизимининг замонавий технологияларини жорий этилишини ўрганган ҳолда шахсий жавобгарлик нуқтаи назаридан бошқарув кадрлар фаолиятини танқидий таҳлил этган.

Замон ривожланиб, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги, қонунларга риоя этиш маданияти ошиб боргани сари, уларга мос замонавий раҳбар кадрларни тайёрлаш талаби ортади. Шу сабабли, салоҳиятли ва малакали раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини давр талабига мувофиқ ислоҳ этиш доимо муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда 2017-2021 йилларда

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш учун муносиб раҳбар кадрлар тайёрлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сонли Фармони [4,210] қабул қилинди. Ушбу фармон билан давлат ҳокимияти бошқарувидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш тизими ва жараёни янги босқичга олиб чиқилди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон бошқарув тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёни, соҳага жорий этилган ислохот натижалари, хорижий ҳамкорлик алоқалари, кадрлар салоҳияти ҳамда уларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётида тутган ўрнини назарий-методологик ва фанлараро ёндашув тамойилларига асосланган ҳолда тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этиш мақсад қилинган. Бу эса, соҳада эришилган ютуқлар, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш, ривожланиш босқичларини таққослаш, хорижий тажрибалар самараси ҳамда кадрларни раҳбар лавозимларда ижобий ўсиш тенденцияларини таҳлил қилиш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3105-сонли Қарори. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2017 йил 26-сон, 583-модда*
2. Қаранг: Ртвеладзе Э., Саидов А., Абдуллаев Е. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т.: Адолат, 2001; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масъул муҳаррирлар Д.Алимова, Э.Ртвеладзе. – Т.: Шарқ, 2001; Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000; Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: Ўзбекистон, 2011; Дехканов Н. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тарихий тажрибаси (1995-2005 йй.) Т.ф.н. ил. дар....дис. – Т., 2011; Расулова Н. Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши: муаммо ва ечимлар (1991-2008 йиллар). Т.ф.н. ил. дар....дис. – Т.: ТДПУ, 2010; Воҳидов Ш., Хошимова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX-XX аср бошлари). – Т.: Янги аср авлоди, 2006; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. – Т.: Шарқ, 2000; Б.Эшов. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2012; Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Т.: Шарқ, 1999.
3. Қаранг: Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Т.: Шарқ, 1998; Раҳбар ва ходим (тўплам). – Т.: Академия, 1998; Одилқориев Х. Ўзбекистоннинг янги конституцияси ва ҳокимиятлар тақсимланиши принциплари. – Т., 1993; Раҳмонов А. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви. – Т., 2006; Раҳимова Д., Абулқосимов Х., Абдурақмонов О. Бошқарув тизими ва раҳбар. – Т.: ТДТУ, 2004; Хусанов О. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимият органлари. – Т.: Университет, 1994.; Холбеков А., Бошқарув социологияси (ўқув кўлланма). – Т.: Akademiya, 2007; Муллажонов М. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ижтимоий-сиёсий институтларнинг роли. Сиё.ф.н.....дис. – Т.: ТДИУ, 2005; Машарипов И. Маънавий омилларнинг раҳбар кадрлар касбий маданиятини шакллантиришдаги ўрни. Сиё.ф.н.....дис. – Т.: ДЖҚА, 2009; Бойдадаев М. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. Юр.ф.д.....дис. – Т.: ДЖҚА, 2001; Равшанов Ф. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Сиё.ф.д.....дис. – Т.: 2009; Қуранбоев Қ. Давлат бошқарув кадрлари тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари (Сиёсий-ижтимоий жиҳатлари). Сиё.ф.д.....дис. – Т.: 2008; Иброҳимов О. Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатининг янги тизимини шаклланиши ва амалга ошириш муаммолари. Сиё.ф.н.....дис. – Т., 1997; Аҳмедов Х. Ислом Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари. Сиё.ф.н.....дис. – Т., 2008; Атамуратов М. Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни. Сиё.ф. бўй. фал. доктори (PhD)дис. автореф. – Т., 2018.
4. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сон Фармони. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2017 йил, 32-сон, 795-модда*

УДК:10+371.044.4

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДА ЁШЛАР СИЁСАТИ: АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА
МОЛОДЕЖНАЯ ПОЛИТИКА В ЕВРОПЕЙСКИХ СТРАНАХ: ОПЫТ И ПРАКТИКА
YOUTH POLICY OF EUROPEAN COUNTRIES: EXPERIENCE AND PRACTICE

М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов

Аннотация

Мақолада дунёнинг ривожланган мамлакатларида ёшлар сиёсати борасида тўпланган тажриба ва унинг бугунги кундаги ҳолати, Ўзбекистонда юритилаётган ёшлар сиёсатини янги босқичга қўтаришда ривожланган давлатларнинг тажрибасини амалиётга татбиқ этиш борасида сўз юритилади.

Аннотация

В статье рассказывается об опыте и современном состоянии молодежной политики в развитых странах мира, о внедрении в практику опыта развитых стран с целью подъема молодежной политики Узбекистана на новый уровень.

Annotation

The article talks about the experience gained in the field of youth policy in the developed countries of the world and its current state, the application of the experience of developed countries to the practice of raising the youth policy in Uzbekistan to a new level.

Таянч сўз ва иборалар: ёшлар, сиёсат, ёшлар сиёсати, ёшлар қатлами, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари, ёшлар фаоллиги, ёшлар ташаббуслари, иқтидорли ёшлар, ёш кадрлар, миллий тажриба, дунё ёшлари, ёшлар муаммолари, ёшлар ва диний экстремизм, ёшлар тарбияси, ёшлар концепцияси.

Ключевые слова и выражения: молодежь, политика, молодежная политика, представители молодежи, права и интересы молодежи, активность молодежи, молодежные инициативы, одаренная молодежь, молодые кадры, национальный опыт, молодежь мира, проблемы молодежи, молодежь и религиозный экстремизм, воспитание молодежи, молодежная концепция.

Keywords and expressions: youth, politics, youth policy, youth stratum, youth rights and interests, youth activity, youth initiatives, youth leaders, youth cadres, national experience, world youth, youth problems, youth and religious extremism, youth education, youth concept.

Ўзбекистон бугун ёшлар соҳасида халқаро миқёсда ҳам ўз тақлифларини билдириб, дунёда ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ташаббусларни илгари суриб келмоқда. 2017 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро миқёсдаги тақлифлар билан чиқди, терроризм муаммосига катта эътибор қаратиб, унинг туб сабабларига барҳам беришга чақирди. “Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар,

биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”¹.

Президент Шавкат Мирзиёев экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганини таъкидлаб, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни тақлиф этди. Ушбу ташаббуснинг туб моҳияти ва аҳамияти шундаки, бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан инсоният

М.М.Юлдашев – фалсафа фанлари доктори.

Ш.А.Рахимов – ЎзР ФА Тарих институти мустақил изланувчиси.

¹Ш.М.Мирзиёевнинг БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан // [http:// president. uz/uz/ lists/ view/1063](http://president.uz/uz/lists/view/1063)

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

тарихидаги энг йирик авлод бўлиб, улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда “ёшлар” тушунчаси турли ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади, бунда нафақат ёш чегараси, балки индивидуал ёки гуруҳга хос тавсифлар, сифат ва белгилар йиғиндиси назарда тутилади. Ёшлар, аввало, инновацияларни яратувчи ва қўллаб-қувватловчи стратегик ресурс ҳисобланади. Улар моддий ва интеллектуал ресурсларни ишлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакатда ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Бу борада БМТ томонидан 1960 – 1980 йилларда қабул қилинган ҳужжатлар ёшлар сиёсатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Жумладан, БМТ 1985 йилни халқаро ёшлар йили, деб эълон қилди. 1995 йилда эса ёшларга оид жаҳон ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди, 1998 йилда ёшлар ишлари бўйича вазирларнинг халқаро конференциясида ёшлар сиёсати бўйича Лиссабон декларацияси қўллаб-қувватланди.

Ҳозирги замонда “ёшлар” тушунчасининг ёш чегараси аксарият Европа давлатларида турлича, жумладан, Германияда 27 ёшгача, Францияда 15 ёшдан 26 ёшгача, Швецияда 15 ёшдан 25 ёшгача, Финляндияда 29 ёшгача бўлгани ҳолда ёшлар сиёсати соҳасига жалб этилмоқда. Европа мамлакатларининг кўпчилигида ёшлар сиёсати ёшларнинг ҳаёт йўли шаклланишига, жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш ва жамиятдаги фуқаролик иштирокини таъминлашга ёрдам беришни мақсад қилган. Аммо асосий эътибор ёшларга таълим беришга ва улар ўртасида тренинглар ўтказишга қаратилмоқда. Европа давлатларининг аксарияти ёшлар сиёсатини уч босқичда амалга оширмоқда². Биринчи босқичда ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асоси ва умумий йўналишлари марказий ҳукумат даражасида ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда эса ҳукумат ҳудудларга ишлаб чиқилган йўналишларни амалга ошириш учун

жўнатади. Учинчи босқичда эса ишлаб чиқилган йўналишлар ёшлар ташкилоти томонидан амалга оширилади. Ёшларнинг ёшлар сиёсатидаги иштироки асосан ёшлар ташкилоти орқали амалга оширилади. Масалан, Германияда 90 тага яқин ҳудудлараро ёшлар ташкилоти ва иттифоқлари мавжуд бўлиб, уларга мамлакат ёшларининг 25 фоизи аъзо бўлган.

Давлат ёшлар билан ишлашда иттифоқлар, жамиятлар, диний бирлашмалар, фондлар ва бошқа мустақил ташкилотларга кенг ўрин берган. ГФРда ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳокимият органларининг асосийларида бири Оила, кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича федерал вазирликдир. Мазкур вазирлик ГФР федерал ҳукуматида бевосита бўйсунди, ҳар тўрт йилда “Германияда ёшларнинг аҳволи тўғрисида” ҳисобот топшириб боради.

Германияда ёшлар билан халқаро миқёсда ишлаш бўйича Германия миллий комитети ҳам фаолият юритади. У ёшлар манфаатини халқаро даражада ҳимоя қилиб, Европа ёшлар форумининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Мазкур комитет ёшлар сиёсатининг ички масалалари билан шуғулланмайди³. Германияда ёшлар сиёсати доирасидаги лойиҳа ва тадбирларнинг ярмидан кўпи нодавлат бирлашмалар ҳиссасига тўғри келади.

Европа давлатларининг ёшлар сиёсатини ўрганиш натижасида давлатларнинг ёшлар сиёсатига нисбатан қуйидаги стратегияларини ажратиш кўрсатиш мумкин⁴. Биринчидан, баъзи давлатларда ёшлар сиёсати соҳасида давлатнинг етакчи роль ўйнашини эътироф этиш керак. Масалан, Германия ва Франция каби давлатларда давлат, нодавлат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда ёшлар сиёсатининг йўналишларини белгилаб беради. Жумладан, Францияда ёшлар сиёсати Ёшлар, спорт ва жамоат ташкилотлари ишлари бўйича вазирлик, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва ҳамкорлик вазирлиги, Маданият ва

² Молодежная политика: европейский опыт. Доклад Института Европы РАН №163. – М.: ИЕ РАН – «Огни ТД», 2005. – С. 8-46.

³ Самохвалов Н.А. Сравнительный анализ практик реализации государственной молодежной политики в

современном мире // Сравнительная политика. – 2016. – №4. – С. 143-150.

⁴ Леонов Ю.С. Стратегии европейской государственной молодежной политики: основные направления и тенденции // Аналитический Вестник Совета Федерации СФ РФ. – 2007. – №4. – С.19 -30.

коммуникация вазирлиги иштирокида ишлаб чиқилади. Мазкур вазирликлар жойларда ёшлар сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган ҳудудий бошқармаларга эга.

Мазкур давлатларда асосий молиявий масъулият қуйи даражаларга тушади. Бундай молиялаштириш тизими локал ва регионал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёшларга аниқ йўналтирилган ёрдам бериш имконини беради. Давлат томонидан молиялаштиришдан ташқари бошқа молиялаштириш шакллари ҳам учрайди. Масалан, Немис ёшлари маркази фонди Германияда энг катта ёшлар фондларидан бири ҳисобланади. Мазкур фонд федерал молия вазирлиги томонидан чиқариладиган махсус почта белгиларини сотишдан тушадиган маблағларга эгалик қилади ва бу маблағларни ёшларни ривожлантиришга йўналтиради⁵.

Германияда мустақил экспертлар томонидан ёшлар муаммоларининг мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши вазиятни турлича баҳолаш асосида узоқ муддатли мулоҳазали қарор қабул қилишга ва зарур ўзгартишлар киритишга имкон яратади. Ёшлар сиёсати бўйича ривожланган ҳуқуқий базага эга бўлган давлатлардан бири Германиядир. Бу мамлакатда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунларнинг қабул қилиниши қадимий анъаналарга эга. Жумладан, Германияда 1839 йилда ёшларнинг фабрикада бандлиги ҳақидаги Фармон, 1900 йилда вояга етмаганларга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги Пруссия қонуни, 1922 йилда ёшларга ёрдам бериш ҳақидаги Қонун қабул қилинган эди⁶.

Европа давлатлари орасида давлат ва фуқаролик жамияти структураларида ёшлар сиёсати соҳасидаги тенглик стратегияси мавжуд. Масалан, Буюк Британия ва Швецияда давлат ёшлар сиёсати бўйича умумий йўналишни, мақсад ва вазифаларни шакллантиради. Лекин уни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари асосий роль ўйнайди. Швеция

ва Буюк Британия давлатларида ёшлар ҳамда ёшлар сиёсати бўйича махсус вазирликлар мавжуд эмас. Уларда ягона миллий дастур ва режа ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаган ҳамда турли вазирликлар, бошқармалар, ижтимоий муассасалар ўз вазифалари доирасида ёшлар сиёсатини амалга оширади. Шунга қарамайдан, Буюк Британияда ёшлар сиёсатини амалга ошириш Таълим вазирлиги ва болалар ҳамда ёшлар ишлари бўйича комитет томонидан, Швецияда эса Маданият вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Мазкур давлатларда ёшлар ижтимоийлашувининг муҳим воситаси сифатида қаралган таълимнинг қамрови ва сифатини ошириш ёшлар сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Сифатли, керакли мутахассислик бўйича таълим олган ёшлар ижтимоий барқарорликнинг кафолати ҳисобланишади. Бундан ташқари, ёшлар ўртасидаги ишсизликни минимал даражага тушириш ҳам ёшлар сиёсатидаги муҳим йўналиш ҳисобланади. Жумладан, Буюк Британияда ишсизликка қарши курашиш учун “Ёшлар учун янги курс” дастури доирасида ёшларнинг индивидуал хусусиятларини, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг касб танлашига маслаҳат ва тавсиялар берилади. Швецияда эса ишга жойлашиш муаммоси ва касбий қайта тайёрлов муаммосига маҳаллий меҳнат бозорининг хусусиятларини ва кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тизимли ёндашилади.

Европа комиссияси, Европа Кенгаши, БМТ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар ўз фаолиятларида бошқа давлатлар каби Туркияда ҳам ёшларга доир ишларни институционализация қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, 2008 йилда 47 та мамлакат фаолиятида иштирок этган Европа Кенгаши унга аъзо мамлакатларда 1997-2001 йилларда ёшларга оид сиёсатни тафтиш қилиб, унинг натижаларини эълон қилди⁷.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ёшлар манфаатларини таъминлашга

⁵База данных о международной работе с молодежью. Германия. – Режим доступа http://www.dija.de/downloads/downloads/Deutschland_Russis_ch.pdf

⁶Чальцева И.С. Молодежная политика за рубежом: попытка анализа [Электронный ресурс] // Сибирский педагогический журнал. 2010. № 2. Режим доступа:

<http://cyberleninka.ru/article/n/molodezhnaya-politika-za-rubezhom-popytka-analiza> (дата обращения: 01.12.2015).

⁷ Türkiye'de gençlik: insane gelişme raporu / UNDP // Türkiye Birleşmiş Milletler Kalkınma Programı. – Ankara, 2008.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

қаратилган саъй-ҳаракатлар миллий қадриятлар ва анъаналарга асосланган кўп асрлик тажриба ва амалиётдан фойдаланган ҳолда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси масалаларини устун қўйиш, ёшларнинг янги демократик жамиятга мослашуви жараёнларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар масаласида жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган илғор ғоя ва нормалардан унумли фойдаланиш тамойилларига асосланди.

Бугунги жамиятимизнинг ёшлар сиёсатини амалга ошириш моделида ҳам ўзига хосликлар мавжуд бўлиб, ривожланган мамлакатлар ёшлар сиёсати модели билан ўхшаш жиҳатлар нодавлат структураларнинг муҳим роль ўйнаши билан белгиланади. Шу ўринда Европа давлатлари ёшлар сиёсатининг баъзи жиҳатларини тажриба сифатида амалиётда қўллаш мамлакатимиз ёшлар сиёсати ривожига оз бўлса-да ҳисса қўшади. Хулоса ўрнида Европа давлатлари ёшлар сиёсатининг баъзи жиҳатларини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳар 2,5 йилда Ўзбекистонда ёшларнинг умумий аҳволи тўғрисида миллий ҳисобот эълон қилиб бориши керак. Иккинчидан, ёшлар сиёсатини молиялаштириш тизимидаги масъулиятни

қўйи даражага тушириш лозим. Учинчидан, жамиятда ёшлар сиёсати билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар сонини ошириш лозим. Тўртинчидан, мустақил экспертлар томонидан ёшлар муаммоларини мунтазам мониторинг қилиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва уни йўлга қўйиш керак. Бешинчидан, ёшлар ўртасидаги ишсизликни минимал даражага тушириш ёшлар сиёсатининг энг муҳим йўналишига айланиши керак. Бу борада “Ёшлар - келажагимиз” дастури доирасида Президент Ш.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини тўлиқ ва сифатли бажаришимиз лозим. Олтинчидан, республикамызда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатини институционализация қилишда БМТ, Европа комиссияси, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотларни кенгроқ жалб қилиш ва улар имкониятларидан миллий манфаатларимиз доирасида фойдаланиш ишларини кенгайтиришимиз лозим. Юқоридаги масалалар жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ёшлар муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутиши билан бирга ёшлар бандлигини таъминлашга ва меҳнат фаолияти сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ш.М.Мирзиёевнинг БМТнинг 72 – сессиясида сўзлаган нутқидан // <http://president.uz/uz/lists/view/1063>
3. Молодежная политика: европейский опыт. Доклад Института Европы РАН №163. – М.: ИЕ РАН – «Огни ТД», 2005.
4. Самохвалов Н.А. Сравнительный анализ практик реализации государственной молодежной политики в современной мире // Сравнительная политика. – 2016. - №4.
5. Леонов Ю.С. Стратегии европейской государственной молодежной политики: основные направления и тенденции // Аналитический Вестник Совета Федерации РФ. – 2007. – №4.
6. База данных международной работе с молодежью. Германия. – Режим доступа http://www.dija.de/downloads/downloads/Deutschland_Russisch.pdf
7. Чальцева И.С. Молодежная политика за рубежом: попытка анализа [Электронный ресурс] // Сибирский педагогический журнал. 2010. № 2. Режим доступа: <http://cyberleninka.ru/article/n/molodezhnaya-politika-za-rubezhom-popytka-analiza> (дата обращения: 01.12.2015).
8. Türkiye'de gençlik: insane gelişme raporu / UNDP // Türkiye Birleşmiş Milletler Kalkınma Programı. – Ankara, 2008.

(Тажризи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)

УДК: 10+7.036.0+301

ИЖТИМОЙ ФИКРЛАР ТАРИХИДА ТАФАККУР УСЛУБИ МАСАЛАСИ

ВОПРОС СТИЛЯ МЫШЛЕНИЯ В ИСТОРИИ ОБЩЕСТВЕННЫХ МНЕНИЙ

PROBLEM OF THE STYLE OF THOUGHT IN SOCIAL THINKING HISTORY

З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров

Аннотация

Мақолада муаллифлар томонидан тафаккур услубининг тарихий тараққиёт босқичлари, тарихнинг турли даврларига доир мутафаккирларнинг қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Муаллифлар фикрига кўра, тафаккур услуби олимнинг илмий фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Аннотация

Авторами статьи проведен сопоставительный анализ этапов исторического развития стиля мышления, взглядов мыслителей на различные исторические периоды развития мысли. По мнению авторов, стиль мышления органически связан с научной деятельностью учёных.

Annotation

In the article, history and improvement the style of thought were analyzed. Additionally, the author scrutinized comparatively the style of thought and the approach of scholars of different times. The author asserts that the meaning of the style of thought is concerned genetically with the scientific work of the scholars.

Таянч сўз ва иборалар: тафаккур услуби, Гераклит, Платон, Аристотель, Демокрит, Эмпедокл, Лукреций Кар, Сукрот, Плотин, скептицизм, стоиклар, схоластлар, реализм, Уйғониш даври маданияти.

Ключевые слова и выражения: стиль мышления, Гераклит, Платон, Аристотель, Демокрит, Эмпедокл, Лукреций Кар, Сократ, Плотин, скептицизм, стоики, схоласты, реализм, культура эпохи Возрождения.

Keywords and expressions: style of thinking, Heraclites, Plato, Aristotle, Democrat, Empedocles, Lukreciy Kar, Socrates, Plotin, skepticism, stoics, scholiast's, realism, culture epoch rebirths.

Фалсафада «Тафаккур - буюк устунлик ва донишмандликнинг мазмуни, ҳақ гапириш ва табиат овозига қулоқ солиш ва унга мувофиқ муносабатда бўлишдир», деган фикр бор. Тафаккур услуби эса билиш жараёнининг йўналишини белгиловчи билим, ғоя ва назариялар йиғиндисидир. Фалсафий тафаккур услубида моддий олам ва унинг ривожланиш қонуниятларини акс эттириш ҳамда англаб олиш муайян дунёқараш ва методологик тамойиллар асосида амалга оширилади.

Инсон миясининг мавҳумлаштириш қобилияти натижаси бўлган тафаккур жараёнларини англашда услубнинг мазмунини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Услуб, яъни метод юнунча “methodes” сўзидан олинган бўлиб, у одатда тадқиқот йўллари, назария, таълимот маъноларини англатади. Тадқиқот услублари аниқ фанларда ва фалсафа фанида ўзига хос хусусиятларга эгаки, уларни бир-бири билан аралаштириш мумкин эмас. Аниқ фанларда ишлатиладиган тадқиқот услублари илмий билиш методлари туркумига киради. Фалсафада услуб тушунчаси кенг маънода оламни фалсафий англаш, тафаккур тарзи мантиғи, қонун-қоидалари, тамойиллари, шакллари ифодаласа, тор маънода фалсафий билимларни ҳосил қилиш воситалари тушунилади.

Фалсафа тарихида фалсафий тафаккур ва тафаккур услуби турли файласуфлар томонидан турлича ўрганилиб ва уни талқин этишда турлича ёндашганлар. Улар ўз қарашларида тафаккур нима эканлигини ёритишда ўз даврларида мавжуд бўлган ўзига хос тафаккур услуби ва фалсафий ёндашувларига асосан ўз муносабатларини билдирганлар.

Ғарб антик давр фалсафасининг қарашларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, Гераклит фикрича, «Ҳиссиёт - жисмларнинг табиати ҳақида тўлиқ ва узил - кесил билим бера олмайди. Тўлиқ билимни фақат тафаккур бера олади» [2]. Платоннинг фикрича, «тафаккур» биргина ақлнинг фаолиятидир. У ҳиссий қоришмадан ҳолидир. У бевосита ақлий объектларни ҳис этади.

Бу фаолиятни кейинчалик Аристотель тафаккур ҳақидаги тафаккурдир, деган эди. Аристотел тафаккурни сезгилардан, объектив реалликдан ажратиб қўйиб, тафаккурнинг манбаини мутлақ ақл, мутлақ шакл ташкил этади [3], деган хулосага келган. Бундай билимлар ўз-ўзидан хусусийликдан умумийликка ўтиб, уларни маълум бир йўналиш, услуб ва турларга бўлиб ўрганиш жоиз бўлади. Мисол учун, Аристотель

З.Р.Қадирова - фалсафа фанлари доктори, профессор.
А.А.Қамбаров - ФарДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

тафаккур ва унинг қонунлари тўғрисидаги тизимлаштирилган фан, яъни мантиқшуносликнинг «отаси» ҳисобланади. У мантиқ тўғрисида таълимоти яратишда ўзидан илгари ўтган юнон файласуфларидан Демокрит, Платон ва бошқаларнинг таълимотларига таянган. «Топика» асарида тафаккурнинг асосий қонунлари ифодаланган. Аристотель анъанавий мантиқнинг тўртта қонунидан икkitасини: қарама-қаршиликни рад этувчи ва учинчисини инкор этувчи қонунни қабул қилди. Аристотелда айният ва етарли асос қонунларни исботловчи билим сифатида илмий билиш ҳақидаги таълимотида кўрсатиб ўтилган. Бу эса, фанда яна бир тафаккур қонунининг ўрганилиши ва тафаккурдаги маълум бир масалаларнинг ўз ечимини топишига туртки бўлди.

«Тафаккур сезгига ўхшайди», дейди Эмпедокл. У фикрни сезги билан айнан бир нарсаси, дейди. Кишининг фикри – бу қалбни ювиб турувчи қондир. Эмпедоклнинг фикрича, ҳақиқат мезони сезгилар эмас, балки тўғри фикрлашдир. Тўғри фикрлашнинг асосида маълум даражада илоҳийлик, бир қисмида эса, инсонийлик ётади. Илоҳийликни билиб бўлмайди, инсонийлик эса ўткинчидир. Тўғри фикрлаш ҳиссиётга таянмайди. Чиндан ҳам, инсон фақатгина сезиш ё сезги органлари орқалигина ҳақиқий моҳиятни била олмайди, билиш учун эса фикрлаш ва таҳлил қилиши лозим, яъни бирор-бир предметнинг ташқи кўриниши ҳар доим ҳам тўғри маълумотни ва ўз моҳиятини очиб бера олмайди, бунинг учун эса уни ўрганиш лозим бўлади.

Тафаккур орқали олинган билимимиз «ҳақиқий» билимдир. Ақл орқали олинган билим дунёнинг моҳиятини ташкил этувчи майда заррачаларни билишга олиб келади. Ҳиссий қабуллашнинг асосий шакли ёки унинг дастлабки шакли Демокрит фикрича, эт орқали сезиш сезгилари ташкил этади. Бу, шак - шубҳасиз, тўғри фарздир. У кундалик кузатиш ва тажриба асосида юзага келган. Бу ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Тафаккурнинг ролини тушунтиришда Демокрит ақлий билиш моҳиятининг нарсалар сабабини қидиришда ва оқибатни тушунтиришда кўради. Бирон-бир ҳодисанинг сабабини қидириш Демокрит учун олий мақсад бўлган. У муайян ҳодисаларнинг сабабини билишни ҳақиқий билиш, деб атади. Шундай қилиб, Демокритнинг оламни билиш назариясини яратишдаги хизматлари каттадир. У моддий оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлайди ва билиш

жараёнида ҳиссий момент ва тафаккур ролини оддий услубда бўлса-да кўрсата олган.

Оламни билишнинг диалектик тафаккур тарзига Шарқда Зардушт асос солган. Унинг фикрича, оламда икки қарама-қарши куч (руҳ) ўртасида абадий кураш боради. Эзгулик руҳи ёвузлик руҳи устидан ғалаба қозонишида имонли (аъло) одамларнинг ҳаракати, фаолияти катта ўрин тутди. Эрампиздан олдинги V-IV асрларда Қадимги Юнонистонда диалектика ҳам билиш методи, ҳам ҳақиқатни топиш учун баҳс санъати, деб таърифланганини Форобий таъкидлайди.

Лукреций Кар фикрича, сезгилар орқали бу атомларни кўра олмаймиз, уларни фақат тафаккур орқали умумлаштириб биламиз. Биз, албатта, бунда ҳақиқатга эришамиз, чунки бизнинг тафаккуримиз муайян ашёвий далилларга таянади, сезгиларимиз эса ташқи моддий дунёнинг фақат ташқи кўринишини шубҳасиз тўғри акс эттиради. Лукреций Карнинг билиш назарияси содда характерга эга бўлса-да, у жаҳон фалсафий тафаккурида жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Скептицизм оқимида асос солганлардан бири, элладалик Пиррон Сукрот сингари ўз таълимоти оғзаки равишда баён қилиб, ўзидан кейин бирон-бир асар қолдирмаган. Пиррон ва унинг издошларининг фикрича, инсон ўз тафаккурига таяниб, босиб ўтган йўлига бир қараб олиш учун тўхтайди ва билишда эришган ютуқларини танқидий қараб чиқади. Плотиннинг фикрича, «диалектика – бу, олий фан бўлиб, тафаккурнинг сўнгги босқичи, инсоният фикрлаш қобилиятининг мукамал қисми ҳисобланади». Диалектика, шунингдек, жисмларнинг умумий тушунчалари ҳақидаги фан бўлиб, анализ ва синтез ҳолида бўлиши ва бирикиши ҳақидаги тафаккур услубидир.

Августин таълимоти Ўрта аср тафаккурининг белгиловчи маънавий омилига айланиб, бутун Ғарбий Европа христианлик таълимотига катта таъсир кўрсатди. У Худони фалсафий тафаккурнинг марказий мавзусига айлантирди. Унинг фалсафаси теоцентриқ руҳда, яъни Худо фалсафий тафаккурнинг марказидир. Худонинг бирламчи ва бошланғич тамойиллигидан келиб чиқиб, у жон тандан устун, ирода ва сезги ақлдан юксак туради, деб таъкидлайди. Бу устунлик метафизик жиҳатдан ҳам, гносеологик жиҳатдан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам тўғридир. Худо билишнинг сабабчиси ҳамдир. Худо инсон руҳига, инсон тафаккурига нур киритади, одамларга ҳақиқатни танишда ёрдам беради. Худо энг олий даражадаги фаровонлиқдир ва умуман

ҳамма эзгуликнинг сабабчисидир. Ҳамма нарса Худо туфайли мавжуд экан, ҳар қандай эзгулик фақат Худодан келиб чиқади. Чиндан ҳам, Худо оламни, инсонни яратган экан, унга ҳам бу оламдаги нарсаларни танитади, синайди ва яна икки йўлни, яъни яхши ва ёмон йўлни кўрсатиб, танлаш ҳуқуқини беради ва шунга муносиб тақдирлайди. Буни тасаввуфдаги нафснинг 7 босқичида ҳам кўриш мумкин. Инсон қанчалик нафсини тийиб, билим ва ҳақиқатга интилгани сари тасаввуфнинг 7 босқичини босиб ўтиб, энг олий босқич – комилликка эришади. Комил инсон эса жамият равақининг энг олий даражасидир, бевосита бу, инсон маънавий маданиятига ҳам боғлиқдир. Яъни, «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир» [5].

Схоластлар тафаккур услуги ва ўзига хос тафаккури қуйидагича бўлган, аввало, схоластика сўзининг луғавий маъноси «мактаб», «ўқийдиган жой» кабиларни англатади. Схоластлар деб, Буюк Карл саройидаги, сарой мактабларидаги ўқитувчиларни ҳамда динни ўқитишда фалсафадан фойдаланган Ўрта асрлар илоҳиётчиларини атаганлар. Улар ҳақиқатни янгидан қидирмаганлар, балки мавжуд ҳақиқатни мантиқий йўллар билан исботлашга ҳаракат қилганлар. Эътиқодни тафаккур билан мустаҳкамлаш мақсадида илоҳий муқаддас китоблар фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиниши керак. Муқаддас китоб сўзлари Аристотелнинг дедуктив мантиғи ёрдамида тизимлаштирилган ва янгича кашф қилинган. Схоластика Аристотель фалсафасининг Европага кириб келишининг асосий сабабидир.

Реализмнинг йирик вакилларида бири Ансельм Кентерберийскийдир. У Шимолий Италияда туғилган. 1093 йилда Кентерберийда архиепископ лавозимини эгаллаган. Унинг тафаккур ва эътиқоднинг ўзаро муносабатларига бўлган қарашлари «билиш учун эътиқод қиламан», деган тезисда ўз

ифодасини топган. Унинг фикрича, энг аввал ва асосан эътиқод билимнинг асоси бўлиши керак. Ансельм ўзининг икки асарида далиллар орқали тафаккур эътиқодни асослаб бериши кераклиги ҳақидаги хулосаларга келади. Яъни, «Монолог» асарида – тажриба, «Мулоҳазага қўшимча» асарида – ақлга таянади.

Ўрта асрларда номиналистлар илоҳий кароматни инкор қилмаганлар. Унга тафаккур иштирокисиз ишониш керак, деб таъкидлаганлар, чунки уларнинг фикрича, черков таъкидлаган нарсанинг ҳақиқийлиги, ишончлилиги ақл билан исбот қилинмайди.

Уйғониш даври маданияти, мафкураси ва тафаккурининг муҳим тамойил ва анъаналаридан бири — дунёни теоцентрик (дунё асосига Худони қўйиш) тушунишдан антропоцентрик (оламнинг асосига одамни қўйиш) га ўтишдир. Бу жараён мураккаб, қарама - қарши характерда бўлиб, у аста - секинлик билан турли шаклларда амалга ошган.

Уйғониш даври йирик натурфайласуфларидан бири, немис кардинали Николай Кузанскийдир. У Ўрта асрлар ва Уйғониш даври ораллигидаги янги давр тафаккурига асос солган биринчи мутафаккирлардан биридир. Унинг табиат ҳақидаги ва космологик таълимоти дин чегарасидан четга чиққан эмас.

Хуллас, илмий тафаккур инсон тафаккурининг ривожланиш эволюцияси билан боғлиқ тушунча ҳисобланиб, у қадимдан ҳозирги давргача ўзига хос хусусиятга ва услубларига эга бўлиб келмоқда. Бу жараён тўхтаб ҳам, ё маълум бир тизимда чегараланиб ҳам қолмайди. Чунки инсон яшар экан, ҳаёт давомида турли хил билимларга эга бўлади, фандаги изланишлар натижасида ҳар хил кашфиётлар кашф қилинади ва шу жараёнлар, ривожланишлар билан биргаликда инсон тафаккури ҳам ривожланиб, мансублигига, типларига кўра, илмий тафаккур услублари қатори ҳам кенгайиб боради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А.. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Қадимги ва Ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. —Т.: «Шарқ», 2003.
3. Назаров Қ. ва бошқалар. Ғарб фалсафаси. – Т.: ЎФМЖ, Шарқ. 2004.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).

ИЛМИЙ БИЛИШ - ЁШЛАР АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЮКСАЛИШИДА МУҲИМ ОМИЛ НАУЧНОЕ ПОЗНАНИЕ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ НРАВСТВЕННОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ

YOUNG PEOPLE ARE INVOLVED IN AHEAD IN THE CROATIAN DESIGNS

Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова

Аннотация

Мақолада бугунги ёшларнинг диний ва дунёвий қарашларини янада ривожлантириш, уларнинг билишнинг ақлий, эмпирик, ҳиссий каби турларини яққол тарзда англаб олиши, ҳаётий идеаллик муносабатлари, социал муносабатда оилавий бахт-саодат муносабатларини шакллантириш, ёшларнинг мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб камол топишлари, дунёни нафақат билиш, балки илмий билиш ёшларимизнинг ахлоқий маданиятини юксалтириш омиллари эканлиги ёритилган.

Аннотация

В статье освещены вопросы дальнейшего развития религиозных и светских взглядов современной молодежи, а также вопросы, касающиеся четкого осознания ею таких видов познания, как интеллектуальное, эмпирическое и эмоциональное, идеальных отношений в жизни, формирования семейного счастья в социальных отношениях, развития молодежи с независимым мышлением, с высоким интеллектуальным и духовным потенциалом, способной не только познавать мир, но и познавать в научном отношении. Это послужит фактором повышения этической культуры молодежи.

Annotation

This article analyzes the present and future days of happiness, the further development of religious and secular views of the future generations, the understanding of intellectual, empirical and emotional intelligence, the relationship of idealism in life, family happiness in social relationships, intellectual and spiritual potential, not only knowing the world, but also scientific knowledge of factors of raising the ethical culture of young people.

Таянч сўзлар ва иборалар: антропологик, ислом догматикаси, ортодоксал қарашлар, теологик тасаввурлар, эвдемонологик мерос, социоантропологик хусусият, социал муносабатлар, бахт белгиси – билим, бахт-саодат феномени, дифференциал.

Ключевые слова и выражения: антропологический, исламская догматика, ортодоксальные взгляды, богословские представления, эвдемонологическое наследие, социоантропологическая особенность, социальные отношения, знание - признак счастья, феномен счастья, дифференциальный.

Keywords and expressions: anthropological, Islamic Diction, Orthodox views, Theological cross-section, Socioanthropological characteristic of evdemonological heritage, Social relations, Happiness - sign of phenomenon, happiness and happiness, Differential.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар инсоннинг бахт-саодатга эришиб яшашини кўзда тутди. Айниқса, ёшларимизнинг ҳаётни тўғри англаб, бахтли яшашлари учун илмий билишнинг муҳим омил эканлигини асослаб бериш бугунги кун талабидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, “Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бормоқда. Шундай улуғ мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак” [1].

Алоҳида қайд этиш лозимки, ижтимоий борлиқ

талаблари ва қизиқишларининг детерминистик таъсири инсондаги индивидуалликни, айниқса, маънавий-руҳий изланишлардаги ўзига хосликларни рад эта олмайди. Бу ўринда буюк юртдошимиз Абу Наср Форобийнинг фалсафий антропологик ва эвдемонологик изланишларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ортодоксал қарашлар, теологик тасаввурлар ҳаёт тарзига айланган, ислом догматикасидан ташқарига чиқиш амри маҳол бўлган бир даврда у идеал, фозил ва бахт-саодатли инсонлар яшайдиган жамият ҳақида бетакрор ғояларни илгари сурган. У жамият ва шахс ўртасидаги боғлиқлик ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Фозиллар шахри

Р.Рўзиева – Г.В.Плеханов номидаги РИУнинг Тошкент шаҳридаги филиали, гуманитар ва математик фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

Н.Эшонқулова – НДКИ, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

Н.Бобоназарова – НДКИ, академик лицейи ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

одамларидан баъзилари ҳамма учун муштарак, умумий бўлган билимларни ўрганиб иш юритадилар, баъзилари эса фақат муайян мавқедаги одамлар билиши зарур бўлган билимларни ўрганиш ва иш юритиш билан шуғулланадилар. Бу одамларнинг ҳар бири, шундай умумий ва хусусий билимлар ва фаолиятлар орқали саодатга эришадилар” [2,163]. Демак, бахт-саодатга эришиш жамият ва шахс амалларининг мавжудлигини тақозо этади. Аммо шахс амалларининг ўзи эмас, уларнинг тинмай такомилли муҳим бўлиб, бу, жамият эҳтиёжларининг мувофиқчилигида ўз ифодасини топади. “Ўзаро яқин (кўнгли яқин) руҳларнинг қанчалик кўпчилиги бир-бири билан қўшилса, улар шунча кўп ҳузур- ҳаловатга эришадилар... Руҳлар сифатларининг бундай ўзаро қўшилиши оқибатида уларнинг (ақлий) қувватлари миқдор жиҳатидан ҳам тобора ошиб боради...маънавий кучлари ортиб, баркамоллашиб боради. Руҳларнинг бир-бирига чексиз қўшилавериш имкони бўлгани учун ҳар бир руҳнинг бошқалари билан чексиз қўшилаверишидан оладиган ҳузур-ҳаловати ҳам чексиз ортиб бораверади” [3,165]. Бу ўринда файласуф руҳлар тўғрисида тўхталяпти, аммо бу фикрлар инсонларга тааллуқлидир. Инсонлар кўпроқ ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бир-бири билан бирлашиб фаолият олиб боришлари жамиятнинг мавжудлик шартидир. Форобий Ғарб файласуфларига хос индивидуал субъективистик ёндашувдан ҳоли тарзда, инсон қувватлари ва амаллари жамият манфаатларига мувофиқ келиши зарурлигини эътироф этади. Шунинг учун ҳам унинг эвдемонологик мероси социоантропологик хусусиятга эга. Фаолиятнинг ижтимоий детерминистик хусусияти инсон хатти-ҳаракатларининг жамият талабларига, эҳтиёжларига мувофиқчилигида акс этади. Бундан инсоннинг бахт-саодатга интилиши ҳам истисно эмас. Бизнинг фикримизча, ушбу интилишларни қуйидаги йўналишларга ажратиб, тадқиқ этиш мумкин:

1. Борлиқни билишдан завқ олиш, гносеологик изланишларга берилишни ҳаётий мақсадга айлантириш.

2. Ижтимоий борлиқни такомиллаштиришдан ўзига эвдемоник маъно топиш.

3. Трансцендентдан, иррационалдан “олий бахт” излаш.

4. Инсонларни севиб ва севилиб яшашни саодат билиш.

5. Ҳаётий идеал излаш ва унга эргашишдан ҳаётий мазмун топиш, умр моҳиятига етиш.

6. Социал муносабатлар, аввало, оилавий ҳаётдан бахтиёрлик излаш.

Оламни, ҳаёт сирларини билиш, тафаккур билан янги илмий кашфиётлар қилишга интилиш ёлғиз инсонга хос хислатдир. “Инжил”да қайд этилишича, Одам Ато ва Момо Ҳаво тақиқланган дарахт мевасини тотиб кўриб, билишга бўлган эҳтиёжини намойиш этиб, гносеологик қизиқишлари жаннатда яшашдан устун эканини тасдиқлаганлар [4,5-6]. Ислонда эса “Иймон яланғочдир, унинг либоси тақво, зийнати ҳаё, меваси эса илмдир”, “Олим Оллоҳнинг ер юзидаги ишончли кишисидир” [5,20-21], дейилади. Муҳаммад Пайғамбаримизга Қуръони каримнинг ўқи, ўқи, ўқи тарзидан нозил этилиши, маълум қилиниши инсондаги билишга бўлган қизиқишни ифода этади. Хуллас, гносеологик қизиқиш инсоннинг шундай табиатига айланганки, у бутун фикри-зикри, борлиғи билан ён атрофидан, ҳаётдан моҳият излаб, ўзини бахтиёр сезади.

Оламни илмий билишда, айниқса, китобнинг аҳамияти катта. “Одамларнинг онг-у тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтириш ҳақида кўп гапиримиз. Лекин бу борада энг оддий ва айни пайтда энг таъсирчан восита — бу китоб эмасми? Мен шунга аминман — китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ” [6,114]. Зеро, китоб орқали инсон дунёни янада теранроқ англайди. Ўзини сирдан кузатиб, камчиликларини тузатиб боришга ҳаракат қилади. Маънавий меросимизда илм ҳақида, илмий билишга интилиш ҳақида жуда қимматли фикрларни учратамиз. “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур”, “Бахт — белгиси билим”, “Билим — ақл чироғи”, “Билим бахт келтирар”, “Билим давлатдан қиммат”, “Куч — билимда” кабилар шулар жумласидандир.

Тарихда ижтимоий борлиқнинг инсон эвдемонологиясига қурилган жамият бўлгани маълум эмас. Инсоннинг бахт-саодат ҳақидаги тасаввурлари шахсий, субъектив ҳодиса бўлиб келган. Уларнинг энг ёрқин кўринишлари утопияда, футурологик моделларда акс этади. К.Мангейм ёзганидек, утопик онг, тасаввур реал борлиққа мувофиқ келмаган, мавжуд тартибларни парчалашга қаратилган трансцендентал воқелиқдир [7,113]. Бироқ, бахт-саодатнинг экстравертив хусусиятини унутиб бўлмайди, акс ҳолда инсоннинг барча

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

фаолияти мутлақ шахсий субъектив воқелик сифатида талқин этилади. Шунинг учун утопия ва футурологик моделлар негизда инсоннинг амалий, ижтимоий фаолиятига таъсир этувчи омиллар борлигини унутиш мумкин эмас. Айниқса, инсон ўзгартиришга аҳд қилган ижтимоий борлиқ “мудом аниқ, маълум бир тарихий ҳаёт билан боғлиқ” [8,114]. Шундай экан, инсоннинг бахт-саодат ҳақидаги қарашлари, ҳатто улар утопия, футурологик моделлар тарзида намоён бўлганида ҳам жамиятга қаратилган фаолиятида объективлашади.

Ҳаётий идеал излаш ва унга эргашишдан моҳият, мазмун топиш инсонни бахтли яшашга элтиши мумкин. Бахт феноменининг идеал билан боғлиқ айрим қирраларини С.Агзамходжаева ўрганган. У ёзади: “Бахт”, “бахтиёр ҳаёт қуриш” барча кишиларга, барча жамиятларга хос идеалдир. “Бахт ва бахтиёр ҳаёт” ахлоқан етук инсон билан боғланган. Кишининг бахтиёр яшаши унинг мол-мулки, лавозими билан эмас, эзгу амаллари, эзгу ниятлари туфайлидир. Ахлоқан етуклик ҳам эзгулик концепциясидан келиб чиқиб талқин қилинади. “Эзгу амалли шундай бир кишини танлаш зарурки, – деб ёзади Сенека, – у мудом кўз олдинда турсин ва шундай яшагинки, гўёки ушбу идеал сенга тикилиб, сенинг ҳаракатларингни кузатаётгандек бўлсин... Бошқанинг фикрларида яшаб, уни тўғри яшашга ўргатган бахтиёрдир! Аммо бошқани идеал билиб ўзи комилликка интиладиган янада бахтиёрдир! Бизга ахлоқимизни тузатадиган кимдир намуна бўлиши даркор, чунки эгри чизиқни фақат чизгич билан тўғрилаш мумкин” [9,32].

Социал муносабатлар, аввало, оиладан бахт излаш кишидаги энг барқарор туйғу, истакдир. Оила тасодифий кишилар уюшмаси эмас, унга дуч келган талаблар, кўрсатмалар, даъватлар тўғри келавермайди. Қуръони каримда айтилишича, Оллоҳ кишиларнинг сокинлик топиши, ораларида меҳру муҳаббатнинг марҳамат бўлиши учун оилани кашф этган [10,368]. “Наҳл” сурасида дейилади: “Оллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфтлар қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлантирди” [11,238]. Агар мазкур таъкидлардан келиб чиқсак, оила инсонга сокин турмуш ато этади, меҳру муҳаббат билан яшашга ўргатади, жуфт танлашни, фарзандлар ва набиралар кўриб, бахт-саодат нималигини тотиб яшашга ўргатади. “Оила ҳар бир жамиятнинг бошланғич хужайраси ҳисобланади. Оила мустаҳкам,

тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Аксинча, оилаларда парокандалик, бузғунчилик бўлса, ҳалол-ҳаромнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчлик йўқолади, охир-оқибат у чуқур таназзулга юз тутади” [12,4].

Агар гап бахт-саодат феномени устида кетса, социоантропологик воқелик ижтимоий борлиқ ва инсонни, жамият ва шахсни, уларнинг орзу, истак, кечинма ва тасаввурларига уйғун қарашни шарт қилиб қўяди. Бу, албатта, уларни сунъий тарзда айнанлаштириш эмас, ижтимоий борлиқ билан инсон ўртасида функционал, биологик, психофизиологик ва социал фарқлар сақланиб қолади. Жамият билан шахс ўртасидаги уйғунлик, ҳатто у интенция ёки субъектив поғонада бўлса-да, дифференциал ўзига хосликлардан келиб чиқишни тақозо этади, чунки бахт феномени, маълум маънода шахсий субъектив тасаввурлар, кечинмаларга оид ҳодисадир. Шахсий субъектив тасаввурларни умумлаштириш тарзи бутун жамиятга, жамият ҳаётига татбиқ этиш хавфини юзага келтириши мумкин. Мишель Монтень айтганидек, “Биз ҳеч қачон уйимизда қололмаймиз, мудом қаердадир ташқарида бўламиз. Хавфсираш, истаклар, умидлар бизни келажакка ундайди, улар бизни бор нарсга ҳақида ўйлаш ва тушуниш имконидан маҳрум этади, ҳатто бизни йўқ бўлганимизда ҳам безовта қиладиган даражада ўзига банди этади” [13,117-118]. Бу, жамият деб аталган ташқи борлиқнинг инсонга, шахсга ўз талабларини ўтказиши оқибатидир.

Демак, жамиятда ва у билан яшаш, уларнинг борлиғи орқали ўзини, ўзлигини намоён этиш, орзу-истаклари ва бахтли ҳаёт ҳақидаги қарашларини амалга татбиқ этиш инсон, шахс қисматида битилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ёшларга маънавий меросимиз асосида бахт-саодат тушунчаларининг моҳиятини тушунтириш ва бугунги янги тараққиёт даврида бахтли фуқаро сифатида ҳаётда ўз ўринларини топиб яшашлари учун муносиб шароит яратиб бериш бугунги кун талабидир. Зеро, “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қиляётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси

соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [14,14].

Социал муносабатлар инсон ва жамият, давлат, нодавлат институтлари ўртасидаги ранг-баранг алоқалардан иборат. Кишининг ушбу муносабатларда бахтли яшаши ёки ўзини бахтиёр, омадли субъект сифатида намоён қилиши турли-туман омилларга боғлиқ. Энг муҳими, инсон шу муҳит учун зарурлигини, унинг фаолияти ниманидир ўзгартиришини, такомиллаштиришини ҳис қилиши даркор. Обьектив борлиқ, муҳит шахснинг ижтимоий фаоллиги учун зарур шароитларни доимо яратавермайди. Социал муносабатлар, жамият бахт феноменига ижобий воқелик сифатида таъсир кўрсатиши керак. Буни қуйидагича талқин қилиш мумкин. Биринчидан, жамият бахт улашмайди, аммо у кишиларга бахтли яшаши учун зарурий имкониятлар яратиб беради. Бундай имкониятларсиз шахс ўзининг инсон сифатида нималарга қодирлигини англамайди, билмайди. Иккинчидан, жамият шахсни онгли, тафаккурли, ижодкор субъект сифатида шаклланишини кафолатлайди. Айнан яратувчанлик қувватига эга эканини англаган шахс ўзини бахтиёр сезади, жамият берган сабоқлар ва қулайликлардан тўла фойдаланишга интилади. Учинчидан, инсон ижтимоий мавжудот (Аристотель), унинг бу фазилатини жамиятдаги муносабатлар, ранг-баранг алоқалар, ҳаёт тарзи ва кундалик амалиёт шакллантиради. Ижтимоий борлиқ

деб аталувчи ушбу омил инсоннинг бутун борлиғига, тасаввурлари ва онига сингганки, инсон фақат улар таъсирида ёки уларнинг баҳолашида ўзини ким бахтиёр ёки бадбахт эканини билади. Бахт феномени учун ташқи таъсир, жамиятдаги қадриятларнинг, яъни макромуҳитнинг баҳолари муҳим. Тўртинчидан, социал муносабатлар оила, яқин кишилар давраси, меҳнат жамоаси, қўшнилари, қариндош-уруғлар, маҳалла, хуллас, инсоннинг ҳар куни қиладиган алоқаларини шакллантирадиган микромуҳитлар бахт ҳақидаги тасаввурларга бевосита таъсир этувчи объектлар ҳисобланади. Бешинчидан, жамият таъсири қанчалик кучли бўлмасин, бахт шахсий, индивидуал хусусиятга, қадрга эга феномендир. Демак, бахтни шахс яқка ўзи тасаввур этса-да, унга фақат ўз ҳаётига тааллуқли феномен сифатида қараса-да, бу, унинг мутлақ ўзига тегишли, мутлақ ўз хоҳишидан келиб чиқувчи, мутлақ ўзигина ҳал этиши мумкин ҳодиса эканини билдирмайди. Жамият нафақат ўрнатган муносабатлари, шунингдек, эъзозлайдиган, амал қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган қадриятлари орқали ҳам инсоннинг бахтли ёки бахтсиз яшашига таъсир этади. Айнан шунинг учун ҳам жамият, шахс билан ёнма-ён, баб-баробар бахт феномени субъектидир.

Демак, дунёни нафақат билиш, балки илмий билиш ёшларимизнинг ахлоқий маданияти юксалиб, бахт-саодатга интилиб яшашларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатнома. 28 декабр, 2018 йил. Хс.уз.
2. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашр., 1993.
3. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашр., 1993.
4. Инжил. Стокгоlm, 1992. Ибтидо.
5. Қаранг: Ғаззолий, Имом Абу Ҳомид. Биринчи китоб. - Т.: Мовароуннахр, 2003.
6. Мирзиёев Шавкат. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.
7. Қаранг: Мангейм К. Идеология и утопия. Утопия и утопическое мышление: антология зарубеж. лит. -М.: Прогресс, 1991.
8. Қаранг: Мангейм К. Идеология и утопия. Утопия и утопическое мышление: антология зарубеж. лит. -М.: Прогресс, 1991.
9. Қаранг: Мангейм К. Идеология и утопия. Утопия и утопическое мышление: антология зарубеж. лит. -М.: Прогресс, 1991.
10. Қуръони карим. А.Мансур таржимаси. -Т.: Чўлпон, 1992.
11. Қуръони карим. А.Мансур таржимаси. -Т.: Чўлпон, 1992.
12. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. -Т.: Шарқ, 2012.
13. Қаранг: Рассуждения о счастливой и достойной жизни. - Минск: Харвест, 1999.
14. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Эркин ва фарвон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўчма мажлисидаги нутқ / Ш.М.Мирзиёев. - Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).

ТЕМУРБЕК КАЗБЕКОВ – ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН АНДИЖОНЛИК ТАЛАБА

ТЕМУРБЕК КАЗБЕКОВ – СТУДЕНТ-АНДИЖАНЕЦ, ОБУЧАВШИЙСЯ В ГЕРМАНИИ

TEMURBEK KAZBEKOV – AN ANDIJAN STUDENT STUDIED IN GERMANY

А.Йўлдашев

Аннотация

Мақолада XX асрнинг 20-йилларида Туркистон ва Бухоро Республикаларининг саъй-ҳаракати билан иқтидорли ёшларни хорижга юбориш масаласи ҳақида фикр юритилган. Хусусан, бу даврда Германиянинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқишга юборилган ёшлар орасида Фарғона водийсидан бўлган андижонлик Темурбек Казбековнинг шахсияти ҳамда фаолияти, унинг Германияда таълим олиш даври ёритилган.

Аннотация

В статье рассматривается вопрос обучения одаренной молодежи Туркестана и Бухарской Республики Республики за рубежом в 20-е годы XX века. В частности, освещена личность и деятельность, а также период обучения Темурбека Казбекова, в числе других представителей молодежи Ферганской долины отправленный на учебу в Германию с целью обучения их в высших и средних учебных заведениях этой страны.

Annotation

The article deals with the issue of receiving education of talented youth of Turkestan and Bukhara abroad in the 20s of the twentieth century. In particular, the personality and activity, as well as the educational process of TemurbekKazbekov, who was sent from Germany to study in higher and secondary educational institutions from among the youth of the Fergana Valley, was consecrated.

Таянч сўз ва иборалар: “Умид”, “Эл-юрт умиди”, жамғарма, “Кўмак” уюшмаси, Халқ хўжалиги Марказий Кенгаши, Олимжон Идрисий, Хайринисо Исмоилова, Георгий Мейерсон, Берлин, уюшма, комиссариат.

Ключевые слова и выражения: “Умид”, “Эл-юрт умиди”, фонд, объединение “Кумак”, Центральный Совет Народного хозяйства, Алимджан Идриси, Хайриниса Исмаилова, Георгий Мейерсон, Берлин, объединение, комиссариат.

Keywords and expressions: “Umid”, “El-yurt umidi”, fund, “Kumak” Society, Central Council of National Economy, Olimjon Idrysiy, Khairiniso Ismoilova, George Meyerson, Berlin, society, authorized.

Ҳар бир давлатнинг тараққиёти ҳамда келажаги учун етук малакали кадрлар асосий етакчи куч саналади. Шу сабабли асосий эътибор ёшлар ва уларнинг таълим-тарбияси масаласига қаратилади. Ёшларнинг ўз касбининг етук эгалари бўлишлари учун ҳар бир давлат ўз имкониятлари ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўзаро алоқалар, илмий-назарий ва амалий билимлар, тажрибалар алмашинуви орқали амалга оширади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларни хорижга ўқишга юбориш ва уларни кўллаб-қувватлаш бўйича республикада ижобий ишлар йўлга қўйилди. 1997 йилда “Умид” жамғармаси ташкил этилиб, жамғарма орқали кўплаб ёшлар хорижий мамлакатларнинг бир қатор нуфузли олийгоҳларида таълим олдилар [1]. 2018 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилиб, кўплаб ёшларни хорижда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва

докторантура дастурлари асосида ўқишлари учун имконият яратиб берилмоқда [2].

Тарихга назар ташланса, ўзбек халқининг малакали ёш мутахассисларни хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ўқитиш борасидаги тарихий тажрибаси узоқ даврларга бориб тақалишини кўриш мумкин. Аждодларимизнинг буюк мутафаккир, қомусий олим бўлиб етишиб, кўплаб мамлакатлар тан олган алломалар даражасида эъзозлашлари ҳам бежиз эмас. Узоқ даврлардан бошлаб улар ўз илмини ошириш йўлида Арабистон, Миср, Ҳиндистон каби мамлакатлардаги нуфузли таълим даргоҳларида таҳсил олганлар [3]. XIX аср охири – XX аср бошларига келиб Туркистон ўлкасида Россия империясининг босқини ва мутаассиблик натижасида мамлакат тараққиётида турғунлик вужудга келди. Ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг оғирлашуви, маънавий қолоқлик ёшларга бўлган эътиборнинг сустлиги, янгиликка интилишга безъиборлик кўплаб мамлакатлардан ортда қолишга сабабчи бўлди.

XX аср бошларида Туркистон минтақаси тараққиётини ўйловчи илғор фикрловчи

шахслар мавжуд эди. Қўшни мамлакатлардаги сиёсий ва маданий ўзгаришлар тўлқини Туркистон ўлкасини ҳам четлаб ўтмади. Ўлкада жаҳидчилик ғоялари вужудга келиб, илғор зиёлилар ташаббуси билан кўплаб мамлакат ривожини йўлида маориф, матбуот ва маданиятнинг бошқа соҳалари замонавий кўринишда ривожланиб борди. Бир томонда диний хурофотлар, иккинчи томондан мустамлака зулмининг оғир шароити кейинчалик совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги мураккабликларга қарамай, бу ҳаракатлар тўхтаб қолмади.

Маҳаллий зиёлилар ва илмга ҳайрихоҳ кишилар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон тараққиёти учун хориждаги замонавий олий таълимни олиш мақсадида “Кўмак” номли жамият туздилар [4]. Уюшманинг саъй-ҳаракати билан хорижда маҳаллий ёшларни ўқитиш ва замонавий илм-фан соҳалари учун халқ орасида кўмак йиғдилар, турли ташвиқот ишлари олиб борилди. Саъй-ҳаракатлар натижасида Туркистоннинг кўплаб ёшлари Озарбайжон, Россия ва Германиянинг марказий шаҳарларидаги замонавий олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларига бориб таълим олдилар. Бу жараёнда Маориф халқ комиссарлиги қошидаги “Ўзбек билим кенгаши” фаол иштирок этди. Катта мақсадларни кўзлаб бошланган ҳаракатнинг натижасида маҳаллий зиёлилар ҳукумат органлари билан келишув йўлини тутишди. 1922-1923 ўқув йилида Германиянинг олий таълим муассасаларига юбориш учун Туркистондан 11 кишилик иқтидорли ёшлар рўйхати тузилди. Бу рўйхатга 5 нафар ўзбек, 4 нафар қozoқ ва 2 нафар туркман миллатига мансуб талабалар киритилган эди [5].

Рўйхатда номлари қайд этилган ёшлар орасида фарғоналик талаба Темурбек Казбеков ҳам бор эди. У ҳам кўплаб хорижда таълим олиш истагидаги ёшлар каби Халқ Маориф комиссарлигига ариза билан мурожаат қилган эди. Унинг аризаси қабул қилиниб, Германияга кетувчи 11 кишилик рўйхатга киритилди. Талабалар таъминоти учун тайёрланган рўйхатдаги маълумотга кўра, Темурбек Казбеков — 22 ёшда, маълумоти — ўрта, миллати — қирғиз, Андижондан, мутахассислиги қишлоқ хўжалиги йўналишида эканлиги кўрсатилган [6]. Туркистон Республикаси томонидан хорижга кетаётган ёшларга молиявий кўмак бериш мақсадида соҳа йўналишига қараб, улар ҳукумат томонидан турли муассасаларга бириктирилди. Темурбек Казбековнинг моддий таъминоти

Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (ЦСНХ) томонидан амалга оширилди. Шунинг учун ЦСНХ нинг 1922 йил 27 августдаги 34-сонли қарорига мувофиқ унга гувоҳнома берилади. Бу гувоҳноманинг нусхаси Бухоро Халқ Совет Республикасининг Германиядаги маориф вакили Олимжон Идрисий томонидан тасдиқланди [7].

1922 йил Т.Казбеков Германияга боргач, қисқа муддатли тил ўрганиш курсида ўқийди. 1923 йил 19 июлда у Берлин Қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг талабаси сифатида ўқишга қабул қилинади. Шу куни Темурбек Казбеков олийгоҳнинг 1897 йил 20 январдаги 23-сонли қарорига асосан тасдиқланган талабалик қасамёдини қабул қилди [8].

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг совет даврига оид фондларидан бирида сақланаётган Темурбек Казбековнинг 1924 йил 2 июндаги Берлиндан Маориф Халқ комиссарлигига ёзган маълумотида кўра, у 1922 йил сентябрь ойида Туркистон Халқ Комиссарлар Совети ва Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси тавсиясига кўра, Туркистон халқ хўжалиги томонидан ажратилган стипендия асосида Германияга таълим олиш учун келади. Берлинга келганининг дастлабки кунларидан немис тилини ўрганиш учун Берлин университети қошидаги тил ўргатиш курсларига қатнайди. Шундан сўнг Берлин олий Академиясига қарашли немис институтига кириш учун ариза топширди. Унинг аризаси қабул қилиниб, 1923 йилда ёзги семестр охирида имтҳонларсиз ўқишга қабул қилинади [9].

Темурбек Казбеков “Мен Туркистон Давлат Университетининг ишчи факультетини битиргандан сўнг олган сертификатга кўра, олдиндан топширилиши лозим бўлган қабул синовларисиз ўқишга қабул қилинганимни алоҳида таъкидлашни лозим деб ҳисоблайман”, деб ёзади [9].

Берлин Қишлоқ хўжалиги олийгоҳида ўқиш одатий ва самарали тарзда амалга оширилган. У ўқиш жараёни ва ўтилган фанлар масаласига ҳам тўхталиб, учинчи семестрда назарий жиҳатдан ботаника, зоология, ҳайвон физиологияси, тупроқшунослик, кимё, физика ва аграр сиёсат каби фанлар ўтилганлиги ҳақида маълумот беради [9]. Семестр якунида ўтилган барча фанлар бўйича имтиҳонлар ташкил этилган. Кейинги семестрдан эса қишлоқ хўжалигининг маълум соҳаларига бағишланган махсус фанлар ва мутахассисликка оид фанлар ўқитилган. Т.Казбеков университетда пахтачилик ва

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

далада пахтани етиштириш ихтисослиги бўйича таълим олган. Институтда назарий билимлар билан бирга курс якунида талабалар учун амалий билимларни эгаллаш ва тажриба орттириш учун ҳатто Америка ёки Мисрга бориш имкониятлари ҳам берилган [10]. Бундан кўзланган мақсад пахтанинг серҳосил тури ҳисобланган Америка ёки Миср навларини етиштириш сирларини, амалиётини ўрганиш эди.

Темурбек Казбеков Берлиндаги Туркистон талабаларининг таълим ва яшаш фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкил этилган жамиятнинг фаолларидан эди. Германияда ўқиган талабалардан бири Саттор Жаббор берган маълумотга кўра, бу жамиятга Абдуваҳоб Муродий бошчилик қилган. Германия ҳукуматининг расмий мақомлари тарафидан маъқулланган бу жамият Европада туркистонликлар ташкил этган илк расмий ташкилот сифатида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган. Ушбу жамиятни қуришдан мақсад туркистонлик талабаларни бир ташкилот атрофида бирлаштириш ва Европа илм-фанини Туркистонга танитишга, Туркистоннинг ижтимоий ҳаётини, саноатини замонавий илм-фан, техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янгилашга хизмат қилишдан иборат бўлган. Шунингдек, жамиятнинг яна бир вазифаси Туркистондан Европага келадиган талабаларни, қандай йўл билан келишидан қатъий назар, доим қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш эканлиги ҳам таъкидланган [11; 230 б.]. Шунингдек, Казбеков стипендия комиссиясининг раҳбари сифатида ҳам фаолият олиб борган.

Темурбек Казбеков Германияда талабалик даврида Туркистондан ўқиш учун борган тошкентлик татар қизи Хайринисо Исмоиловага уйланади [12]. Хайринисо Исмоилова Тошкентда тиббиёт курсини тамомлаб, олий таҳсил олиш учун Германияга бориш истагида “Кўмак” уюшмасига ариза топширади. Х. Исмоилованинг “Кўмак” уюшмасига хорижда таълим олиш учун тўлдирган сўров қоғозида ижтимоий ҳолати бўйича оддий деҳқон оиласидан чиққанлиги қайд этилган. У Германияга кетаётган вақтда 17 ёшли қиз эди [13]. Хайринисо Берлин

университети тиббиёт факультетига ўқишга киради.

1926 йилда Темурбек Казбеков Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўқишга лоқайдсизлик билан қараганликда айбланиб, ҳукумат томонидан юборилаётган стипендиядан маҳрум этилади. Унинг бу ҳолатга тушишида Россиядаги давлат тўнтарилиши йилларида Германияга қочган империя тузуми тарафдорлари билан алоқа қилиш ва совет ҳукуматига зид турли ғоялар билан талабаларнинг озиқланиши мумкин, деган фикрга борган совет давлати раҳбар органлари 1923 йилдан бошлаб Туркистон талабаларини орқаларига қайтариш чораларини кўра бошлайдилар. Талабаларнинг аҳволи, ғоявий-сиёсий тарбиясини тафтиш қилиш мақсади билан бир неча бор Германияга борадилар. Бухоро Халқ Маорифи нозирлиги номидан 1924 йилнинг июль-август ойларида, Ўзбекистон ҳукумати номидан Москва буйруғи билан Георгий Мейерсон⁸нинг 1925 йилнинг июль ойида Германияга боришида ҳам ана шу мақсад кўзланган эди.

У томонидан 1925 йил июлда ўтказилган йиғилишда Германияда ўқиётган ёшларнинг орқаларига қайтиш масаласини кўтарилиши талабалар орасида норозиликка сабаб бўлади. Берлин университети фалсафа факультети талабаси Аҳмад Шукрий норозилик намоиши сифатида осмонга отган ўқи натижасида Г.Мейерсон Москвага қайтиб, хорижда ўқиётган талабаларнинг зид ғоялар таъсирида советларга қарши руҳда тарбия топаётганлиги ҳақида сохта чақувномалар ёзади [14; 19 б.]. Хорижда ўқиётган талабаларни ортга қайтариш ва ички Россия таълим муассасаларида ўқитиш ҳаракатлари натижасида турли иғволар билан бўлса-да, уларнинг маълум қисмини ортга қайтаришга муваффақ бўлдилар. Хусусан, 1925 йил 12 ноябрда Мейерсон иши оқибатида Германиядаги совет элчихонаси буйруғи билан бухоролик талабаларнинг бир қисми Кёльндан Москвага жўнатилади. Темурбек Казбековнинг турмуш ўртоғи Хайринисо Исмоиловани эса совет ҳукуматига зид ғоялар тарафдори, ўқишга бефарқлик билан қараганлиги таъкидланади. У Аҳмад Заки Валидий қарашлари тарафдори, шунингдек, Валидийнинг Берлиндан Туркияга кузатиш

⁸ Мейерсон Илья Григорьевич – 1897 йилда туғилган. Петербургдаги қишлоқ хўжалиги гидротехника университетини тамомлаган. Туркистон коммунистик партияси Сирдарё вилояти қўмитаси ижрокоми бюроси аъзоси. Урта Осиё коммунистик университети ректори (1924).

(Тарихнинг номъалум саҳифалари. Илмий мақолалар, ҳужжатлар ва материаллар, хотиралар. 2-китоб. –Тошкент: 2010. –Б.117.)

маросимида иштирок этган. Аҳмад Шукрийнинг шерикларидан бири сифатида кўрсатилади [15; 140 б.]. Ўша йиғилишда иштирок этган Т.Казбековга оид сохта маълумотлар тўпланган бўлса керакки, бунинг натижасида у ҳукумат томонидан оладиган стипендиядан маҳрум қилинган. 1927 йилда ёзги таътилни Ўзбекистонда ўтказиш учун келган бир гуруҳ талабаларнинг ортларига қайтиб ўқишни давом эттиришга рухсат берилмади.

Шундай бир шароитда таъминотсиз қолган Темурбек Казбеков ўқишини давом эттириш ва стипендия таъминотини тиклаш учун Ўзбекистон ҳукуматининг ишончини қайта қозонишга эришади. У 1929 йилгача Германияда таълим олиб, олий маълумотга эга диплом билан Ўзбекистонга қайтади.

Казбеков Ўзбекистонга қайтгач, тўқимачилик корхоналарини ташкил этиш ва ушбу соҳа учун мутахассис кадрлар тайёрлаш ишлари билан шуғулланди. Аммо совет ҳокимиятида бу даврда авж олиб бораётган қатағон сиёсати хорижда таълим олган талабаларнинг кейинги фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

У ҳақда турли сохта маълумотлар тўпланди. Т.Казбековни 1937 йил 2 сентябрда ҳибсга олишди. У қамоққа олинган вақтда Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги ўқув ишлаб чиқариш муассасасида директор ўринбосари лавозимида ишлар эди. Унга немис

жосуси, аксилинқилобий гуруҳ аъзоси каби сохта айбловлар қўйилади ва 1938 йил 8 октябрда отувга ҳукм қилинади. Сталин вафотидан кейин 1956 йилдан бошланган шахсга сиғиниш сиёсатининг фош этилиши натижасида Темурбек Казбековнинг иши қайта кўриб чиқилади ва 1958 йил 27 мартдаги СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси қарори билан оқланади [16].

Вышеупомянутое духовное общение-благодарность, надежда, согласие с судьбой привлекают внимание тем, что смешанные чувства, такие как ответственность, самоотверженность и долг перед Родиной и народом, освещаются на основе культуры и просвещения исламского Востока. Уже показ персонажа на основе его национальной веры и приверженности к великой миссии, которую он поставил перед собой история, не только дает ему живой дух, но и помогает зрителю в понимании лейтмотива произведения. Любовь к главному герою поднимает настроение своим энтузиазмом. Таким образом, происходит связь между историческим прошлым и настоящим. Сулувкуз – сочиненный образ. Тем не менее, в ней также отражены многие особенности, характерные для королевы темуридов. В частности, ее попытки вернуть великого эмира из опасного похода, в качестве женщины желание охранять любимого человека от невзгод, свидетельствует о таких аспектах, как желание удержать любимого человека всегда в семейном окружении. Есть еще один тонкий момент, который может приблизить характер Сулувкуз к историческому образу Сароймулхоним, муж передает завершение еще незавершенной мечети в руки Сулувкуз. Услышав это, Биби Сардор невероятно огорчается: *“Что за оскорбление в моем преклонном возрасте, какие еще испытания обрушишь на мою голову!”*. Этот случай доказывается двумя жизненными логиками. Во-первых, Биби Сардор принял, что ответственная обязанность перешла в другие руки как оскорбления, потому что он верил в свой интеллект. Во-вторых, исторически

обоснованно подчеркивается, что, когда Сахибкиран находился в походах, королевы темуридов всегда строили культурно-бытовые объекты, одаривали их средствами, талантами и своим потенциалом.

В кульминации развития драматических событий сюжет становится более напряженным, конфликт проявляется более ярко. В этом отношении особенно характерен следующий диалог, который определяет направление решения произведения:

Баязид: - Извините несчастного, сударь. Но господь, создав меня слепым, Вас создал хромым.

Сахибкиран: Да бог отдал судьбу этого мира одному слепцу и одному хромцу. Но сегодня мне открылась одна истина: лучше быть хромым, чем слепым! Чего еще хочешь спросить, говори, Йилдырым!

Баязид: Нет, у меня более нет слов для тебя. Только совет: я, слепец, думал стать столпом этого мира, но не смог. Ты, хромой, тоже не сможешь.

Сахибкиран: (с сарказмом) Мудрый совет! А я-то не знал этой истины, ты открыл мне глаза, благодарю, Йилдырым [3, 249].

Из все еще продолжающейся коллизии во время межличностного диалога-общения становится понятно; несмотря на то, что Йилдырым Баязет практически побежден, межличностный внутренний конфликт будет продолжаться по-другому. Следовательно, борьба приобретает качественно иной характер. Теперь она переходит в сарказм и намеки, и играет важную роль в том, чтобы показать, как турецкий султан не смог побороть свою гордость. Будет обеспечено развитие сюжета на основе переходов из одной ситуации в другую. Сюжет драматического произведения характеризуется построением на основе обмена ситуаций. В основе разговора лежит большая жизненная правда. Это важно в том, что побуждает нас делать поучительные выводы из далекой истории, беречься от духовной слепоты, следовать философии меры в чувственных устремлениях. Следующие эпизоды пьесы описывают трагическую судьбу Сулувкуз, которая не знает о происках дворцового окружения. Приводятся все действия, такие как интриганство, зависть и ревность, происходящие во дворце. Смысл названия драмы “Завещание потомкам” – полностью раскрывается в последнем представлении. Драматург О.Якубов не противоречил историческим реалиям. Поэтому сцена смерти Сахибкирана настолько

убедительно изображена, что она заставляет напрячься любого зрителя. Завещание Сахибкирана своим детям автор выражает следующим образом: «- *Сорок лет мы вместе скакали на лошадях. Мы совместно разделяли соль, которую дал Аллах, и создали государство без границ, простирающееся от Маширика до Магриба. Но помните, что независимо от того, насколько сильно государство, существуют три риска, которые могут ударить топором по его венам: первая- взаимная разобщенность, вторая озлобленность, третья предвзятость. Если не будете делать этих трех ошибок, государство, построенное мной, простоит вечно*» [3, 250]. Однако еще при жизни Амир Темур разделил страну на четырех сыновей и внуков. К сожалению, эти темуриды не смогли быть дружны. В результате произошла трагедия, поразившая драматурга. Факторы, о которых предупреждает Амир Темур, будут появляться один за другим.

Как мы видим, О.Якубов описал героев драмы в процессе действия-движения. В определенном смысле эти действия и обстоятельства впитали в себя личность

творца, его мечты-переживания. Следовательно, в драме создан пластичный образ объекта. За то, что главная идея в драме «Завещание потомкам» была обращена к народу, она отражается в душе и уме каждого читателя (зрителя). О.Якубов сосредоточил в одном композиционном центре, основанном в причинно-следственных отношениях, все сюжетные события. Он смог впитать во время исполнения события сюжета. Он достиг резкости конфликтов, достоверности интриг, условности и оживления жестов в воображении читателя (зрителя). Обеспечил естественный, живой характер речей, искренность проводимых диалогов.

Таким образом, эстетическое удовольствие, воспитательное и просветительское значение произведений, написанных умело, гармонично развито с идейно-художественной стороны, чрезвычайно велико. Уже огромное жизненное содержание и красивое поэтическое выражение делают образы этого жанра жизнеспособными, впечатляющими.

Литература:

1. Аникст А. История учений о драме. – М.: Наука, 1988.
2. Волькенштейн В.М. Драматургия. – М.: Сов. писатель. 1960.
3. Дидро Д. Собрание сочинений. -Т.5.– М.: Наука, 1983 .
4. Ёкубов О. Қайдасан, Морико? – Т.: Шарқ НМАК, 1992.
5. Karimov H. Istiqlol davri adabiyoti. – Т.: Yangi nashr, 2010 .
6. Лессинг Г.Э. «Гамбургская драматургия». – М.: Художественная литература, 1953.
7. Монтескье Ш. Избранные произведения. – М.: Литература, 1955.
8. Салиев А. Интерпретация жизни и человека. – Т.: Турон замин зиё, 2015.
9. Куранов Д. Основы теории литературы. – Т.: Академнашр, 2018.
10. Хатамов Н., Саримсаков Б. Русско-узбекский толковый словарь литературоведческих терминов. – Т., 1983.

(Рецензент: Ҳ.Жўраев – доктор филологических наук).

АДАБИЁТДА ТУРНА ТИМСОЛИ ТАСВИРИГА ДОИР

К ИЗОБРАЖЕНИЮ СИМВОЛИЧЕСКОГО ОБРАЗА ЖУРАВЛЯ В ЛИТЕРАТУРЕ

THE IMAGE OF A CRANE IN THE LITERATURE

А.К.Абдурахмонов

Аннотация

Мақолада бадиий асардаги қушлар орқали ифодаланган рамзий маъно, хусусан, турна образи таҳлилга тортилган. Турли жанрлар орқали турна образига мурожаат қилган ижодкорларнинг мазкур деталь ёрдамида ғоявий-эстетик мазмунни кучайтириш маҳорати ўрганилган.

Аннотация

В статье представлен анализ символического смысла, изображенного в художественном произведении посредством птиц, в частности, через образ журавля. Изучено мастерство усиления идейно-эстетического содержания при помощи данной детали авторов, обратившихся к образу журавля через различные жанры.

Annotation

The article draws on the analysis of the symbolic meaning, in particular, the image of a crane, expressed through birds in an artistic work. The ideological-aesthetic content of the creators, who applied to the image of the crane through different genres, was studied with the help of this detail.

Таянч сўз ва иборалар: характер, деталь, қисса, эстетик идеал, мотив, руҳият, рамз, рамзий маъно.

Ключевые слова и выражения: характер, деталь, повесть, эстетический идеал, мотив, психика, символ, символический смысл.

Keywords and expressions: character, detail, narration, aesthetic ideal, motivation, permission, symbol, symbolic.

Ўзбек ва жаҳон халқлари фольклорида ҳайвонлар ва қушлар образи муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам эртақларнинг бир тури “Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар”, дея таснифланади. Бу ўринда “Чўлоқ турна”, “Тулки ва турна” каби кўплаб эртақларни мисол қилиб келтириш мумкин. Мумтоз ёзма адабиётимиздаги: “Мантиқ ут-тайр” (Ф.Аттор), “Лисон ут-тайр” (А.Навоий), “Зарбулмасал” (Гулханий) асарларида ҳам қушлар ғоявий мазмунни акс эттирадиган асосий қаҳрамонлар сифатида тасвирланади. Юқоридаги асарларда жонзотлар мажозий образ сифатида гавдаланса, замонавий адабиётда кўп ҳолларда қаҳрамон характери, ички олами ёки кайфиятини очишга хизмат қиладиган восита сифатида ҳам ифодаланади. Хусусан, биргина турна тасвири кўплаб ижодкорлар асарларида турли психологик ҳолатларни очиб беришга хизмат қилган.

Саид Аҳмаднинг “Турналар” ҳикоясида турна образи чолнинг ҳамроҳи, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган фарзандларини ёдга солиб турувчи тимсол сифатида Тасвирланади. Қуш тасвири чолнинг характерини, асарнинг асосий ғоявий мазмунини очиб беришда муҳим роль ўйнайди. “Бемалол келаверинг, ит боқиш менга тўғри келмайди, турнани ғажиб қўйишидан қўрқаман” [1.53] каби чол нутқида келтирилган парчадан чолнинг қушга қанчалик меҳр

қўйганлигини пайқаш қийин эмас. Жароҳатланган қуш учиб бораётган шерикларини кўрганда жуда безовта бўлади, ҳолатни кузатган чол ҳам изтироб чекади, юзидаги ажинлар янада кўпайиб кетади. Учиб кетаётганда “қувончми, маъюсликми, билиб бўлмайдиган ғалати оҳангда – Ке-етди-и-и!!!”, дея ҳаяжонланади. Мазкур тасвирда фарзандларидан сўнг ягона эрмакка айланган турнага боғланган қаҳрамоннинг руҳий ҳолати янада таъсирли ифодаланган. Умуман олганда, Саид Аҳмад ўз ҳикояси қаҳрамонларининг ички оламини очиб беришда жонзотлар образидан самарали фойдаланади. Мазкур усул машҳур шоир Расул Ҳамзатов ижодида ҳам маҳорат билан қўлланилган.

Хусусан, шоирнинг “Турналар” шеърида инсон қалби турнанинг овози, ҳаракатлари билан уйғунликда тасвирланади. Шоир қалб тўлқинларини ҳаракатдаги деталга – турнага муқояса қилган ҳолда таъсир кучини юқори даражага олиб чиқади:

Нозланиб-нозланиб ёясиз овоз,
Кўнгиллар завқидан бўлар сарфароз.

Воқифнинг ҳам кўнгли кўп этар парвоз,
Сизлар билан бирга-бирга турналар. [2]
Чирчиқ шаҳридаги ёдгорликка асос бўлган “Турналар” шеъри ҳақида муаллифдан сўралганда: “Бундай эътибор учун ўзбек

А.Абдурахмонов – ФарДУ адабиётшунослик кафедраси ўқитувчиси.

халқидан миннатдорман... Биласанми, шу шеърни қаерда ёзганман? Японияда, Хиросимада. Қоғозлардан турначалар ясаб, уларнинг бирин-кетин осмонга учирадиган қизалоқ ҳақидаги ҳикоя менга қаттиқ таъсир қилувди. Эртасига эса онамнинг вафоти тўғрисида телеграмма олдим. Бир онда волидам, урушда ҳалок бўлган икки акам турналарга айланиб қолишгандек бўлди, хаёлимда... Шу ерда ўз-ўзидан “Турналар”нинг сўзлари “чарх ура” бошлади...” [2] Муаллиф изоҳидан англаш мумкинки, шеър чуқур руҳий изтироб натижасида дунёга келган. Бошқа қатор шеърларида ҳам турна инсон руҳи, уларнинг парвози эса саф тортган яхши одамлар тимсоли сифатида келтирилади. Турналарнинг парвози тасвирига рамзий маъно юклаш усули Менгзиё Сафаров ижодида ҳам кузатилади.

Менгзиё Сафаровнинг “Турналар учади” қиссасида қушларнинг парвози тасвири Алижоннинг характерини очиб беришга, унинг табиат шайдоси эканлигини кўрсатишга хизмат қилган.

Қисса воқеалари бош қаҳрамон – институтнинг 4-босқич талабаси Алижон тилидан ҳикоя қилинади. Чағаниёнлик (ҳозирги Сурхондарё вилояти Денов тумани) тарих йўналиши талабасининг куз фаслига бўлган илиқ муносабати, бу фаслда юз берувчи табиатдаги эврилишлар ва турналарнинг парвози тасвири қиссада моҳирлик билан тасвирланган. Қаҳрамоннинг турналарни ёқтириб қолиши шаҳарга – Термиздаги савдо ташкилотига – маҳсулот олиб келиш учун кетаётган акаси билан тунги сафари чоғида қушларнинг парвозига гувоҳ бўлишидан бошланади:

“Ана шу ғира-шира ёруғда Амударё томон учаётган жуда узун арғамчини кўриб қолдим. Унинг ортидан яна, яна арғамчилар... Бу галалар ўтмас учбурчак шаклида бир неча қатор бўлиб, изма-из учиб боришарди. Уларнинг тўшлари оқариб кўринар, арғамчининг учлари эса нафис тасмадек безовта тўлқинланар эди”. [3.53] Бу ҳолат бола Алижоннинг тасаввурида тенгсиз бир гўзаллик эди. Акаси томонидан халқнинг турна хосияти ҳақидаги қарашлари тўғрисида айтган фикри эса бу қуш муқаддас тимсол сифатида бир умр Алижоннинг ёдида қолишига сабаб бўлади.

“ - Турналар паст учяпти, замон тинч келади,- деди акам.

- Турналар урушни ҳайдайдими? – дедим. Гўдак эдим. Турналар назаримда ҳар нарсга қодирдек эди. Акамнинг сўзлари мени сеҳрлаб қўйганди.

- Бу гап узоқ ўтмишдан, ота-боболардан қолган: турналар хосиятли қуш, дейишади...” [3.53]

Бадий адабиётда турна образи ҳақида фикр юритилганда унинг тинчлик, эзгулик, қут-барака, инсон руҳи рамзи эканлиги айтилади. Бундан ташқари, турна адолат, узоқ умр тушунчалари билан ҳам боғланган, шунингдек, у тақводор ва меҳр-шафқатли жон мужассамидир. Хитой анъанасида турна – алоҳида руҳлар, ўлмас руҳлар белгисидир. Турналар марҳумларни осмонга кузатади ва фаришталарни ташийди. [4,103]

Қисса воқеалари аввалида – Алижон дўсти Шердилникига кўчиб ўтади. Экспедицияга кетишидан олдин зарур кийимларини сумкага жойлар экан, газетага ўраб асраб қўйилган турналар тасвири туширилган рамкани кўрган қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ўз тилидан баён қилинади:

“Экспедиция шароитида кийиладиган кийимларимни чиқара бошладим. Кўзларим газета қатлари орасидаги рамкага солинган расмга тушди. Бу расмда менинг якка-ю ёлғиз қувончим бўлган кадрдон турналар тасвири бор эди. Расмга тикилиб қолдим”. [3,14] Бу ҳолатни кузатиб турган ва қаҳрамонимизнинг табиатга, хусусан, турналарга муносабатидан хабардор бўлган Шердил беихтиёр шеър тўқийди:

- Эй, Алининг само қушлари,

Олисларга қанот ёздингиз.

Сиз учасиз, дўстим қалбида,

Аммо ўчмас ойдин ёдингиз. [3,14]

Мазкур шеърий парчада ҳам турна Алининг туйғулари, орзулари тимсоли сифатида гавдалантирилади. Бу йўл билан ёзувчи ўз қаҳрамонининг руҳий оламини очиб беришга эришади.

Шердилнинг ҳам табиат шайдоси эканлигини Оқтошдан туриб Али томонидан унга йўлланган мактубда ҳам кўришиш мумкин. Қизиғи, Шердил Али қалбидаги турналарга бўлган муҳаббати ёнида Зилолга ҳам (Алижон ва Шердилнинг курсдоши, Алижонни севган қиз) жой ажратилишини хоҳлайди. Асар давомидаги Шердилнинг фикри бунга далил бўлади:

“ - Ана учиб келди...

Ҳовли эшиги очилиб, йўлакчада Зилолнинг қораси кўринди”. [3,14]

Асарда қаҳрамоннинг табиатга муносабати ён атрофидаги бошқаларга ҳам “юқади”. Алининг меҳридан умидвор Зилола ҳам унинг ҳаёт тарзи, қизиқишлари ва унинг ишқи тушган турналарга эътиборсиз қарай олмас эди. Зилола деворга қоқиб қўйилган турналар парвози акс этган суратга қараркан,

АДАБИЁТШУНОСЛИК

“Турналарингиз илгари турган уйингиздагига нисбатан ҳозир тиниқ кўриняпти”, деб эътироф этади. Шердил ҳам тоғ бағридаги қишлоқнинг кичик-кичик уйлари, бўй чўзган яшил тераклар оша учиб кетаётган турналар, томларга чиқиб олган болалар, сочларини шамол тўзғитаётган қизларнинг турналар ортидан қичқиришлари тасвирланган суратга “Чиндан ҳам худди баҳор келиб қолганга ўхшайди”, дея таъриф беради.

Экспедиция давомида бир-бирига кўнгил қўйган Алижон ва ундан беш ёш катта Райҳоннинг муносабатларида ҳам турналарнинг парвози тасвири катта аҳамиятга эгадир. Райҳон билан учрашувида Али турналар парвози билан боғлиқ илк хотираларини сўзлаб беради. Тарихий ёдгорлик топилган ҳудудда қазиш ишлари қизғин кетаётган пайтда турна образи яна жонланади: “Бир маҳал кимдир “Жим!”, деб қолди. Қаердадир “қурр-қурр эй” деган овоз эшитилди. Ҳамма беихтиёр осмонга қаради. Оппоқ момиқ булутлар тагида бир гала турна айланарди”. [3.21] Дўстига юборилган учинчи мактубда келтирилган ушбу жумлалар бош қаҳрамондан ташқари унинг ҳамкасблари ҳам турналар парвозига эътиборсиз бўлолмай қолганлигини англатади.

Шундан сўнг қиссада Зилол томонидан Алининг туғилган кунига жўнатилган табрик

хати ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки откриткага қаҳрамонимиз орзу қилган тип-тиниқ осмонда учиб бораётган турналарнинг фотоаппаратда олинган сурати туширилган эди. Суратнинг остида Зилолнинг: “Бу совғани туғилган кунингиз шарофати билан юборарканман, шу тиниқ осмондай ғуборсиз ҳаётингизда шу, сиз севган самовий қушлар каби эркин парвоз қилишингизни тилаб, Зилол” [3.62] жумлалари нафақат қаҳрамон учун, балки бутун инсоният учун билдирилган энг эзгу тилақдир.

Хуллас, бадий адабиётда турна образи ижобий мазмун ташувчи рамзий деталлардан бири ҳисобланади. Насрий ва шеърий асарларда қўлланилган бу қуш содиқ ҳамроҳ, орзу-умид, яхшилик рамзи сифатида, боқий дунёдан хабар берувчи восита тарзида талқин этилган. Хусусан, Менгзиё Сафаровнинг ушбу қиссасида турна рамзи инсоннинг руҳиятини очиб беришда асосий восита вазифасини бажарган. Асарда куз тасвири асосий ўринга чиққан бўлса-да, турналар парвози ҳал қилувчи мотив сифатида келтирилади. Шунингдек, бадий эстетик идеал сифатида гавдаланган турна образи Алининг руҳиятини очиб беришга, орзу-умид тимсоли сифатида чуқур мазмун ташишга хизмат қилган.

Адабиётлар:

1. Саид Аҳмад. Танланган асарлар. I жилд. -Т.: Шарқ, 2000.
2. У эътироф, ё исён, ё тарсаки, ё ўпич. Расул Ҳамзатов билан суҳбат. Суҳбатдош – Анвар Жўрабоев. www.google.uz
3. Сафаров М. Она тупроқ қўшиғи. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт, 1989.
4. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. -Т.: Янги аср авлоди, 2007.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).

УДК: 418

ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИДА МУСАВВИР ОБРАЗИ

ОБРАЗ ХУДОЖНИКА В УЗБЕКСКОЙ И МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

THE IMAGE OF AN ARTIST IN UZBEK AND WORLD LITERATURE

Г.Муҳаммаджонова

Аннотация

Мақолада ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналаридаги мусаввир образининг бадиий-эстетик жиҳатлари тадқиқ этилади. Ижодкор шахс —мусаввирнинг эстетик идеал сифатида талқин этилиши, креатив фикрловчи шахс сифатида қаҳрамон руҳий-маънавий оламидаги ўзига хосликлар, инсон ва жамият муносабати масалалари қиёсий аспектда ўрганилади.

Аннотация

В статье исследуется художественно-эстетические аспекты образа художника в узбекской и мировой литературе. В сопоставительном Изучается интерпретация личности художника как эстетического идеала, своеобразие психологического и духовного мира героя как креативно мыслящей личности, проблемы отношений человека и общества.

Annotation

The article investigates artistic-aesthetic features of artist image in Uzbek and World literature. The interpretation of creative artist as an aesthetic ideal person, features of character's spiritual world as a creative person, issues of an individual and society are considered in comparative aspect. The image of an artist is investigated comparatively from the viewpoint of national literature peculiarities and certain historical period

Таянч сўз ва иборалар: эстетик идеал, мусаввир образи, руҳий-маънавий олам тасвири, психологик тасвир, давр ва қаҳрамон муаммоси, муаллиф ғоявий-бадиий нияти, муаллиф позицияси.

Ключевые слова и выражения: эстетический идеал, образ художника изображение психологического и духовного мира, психологический портрет, проблема эпохи и героя, идейно-художественная задумка, авторская позиция.

Key words and word expressions: Aesthetic ideal, the image of an artist, spiritual world description, psychological description, the problem of the age and character, the author's ideological-artistic intention, the author's position.

Ижод — бу, илоҳий тушунча. “Ижод гўзалликни яратиш ва гўзаллик унинг яралиш жараёнидир”, дея фикр билдиради ёзувчи Назар Эшонқул. Зеро, гўзаллик эстетиканинг ажралмас категориясидир. Эстетика эса, фалсафанинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади.

Ижод жараёни ўзи ғоят мураккаб, ижодкор дунёси эса ранг-баранг ва сирлидир. Санъат намунасини яратиш инсоният учун яхшилик тўғрисида этиш деганидир. У санъат намунаси санъатнинг қайси турига мансуб бўлса ҳам. Шу жиҳатдан олганда, мусаввир ранглар воситасида янги олам яратиб, инсоният маънавияти, руҳиятига жиддий таъсир кўрсатувчи алоҳида шахсдир.

Мусаввирнинг ҳаёти жуда қизиқ, унинг характери ҳам мураккабдир. Ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятини ифодалашда айна жиҳатлар муаллифнинг эътиборини тортиши муқаррар. Унинг бадиий адабиётда пайдо бўлиши мумтоз адабиёт намуналарига бориб тақалади. Мазкур образ ёзма бадиий адабиётда аввал персонаж — ёрдамчи образ, эпизодик образ сифатида талқин этилган. Кейинчалик эса асосий қаҳрамон мавқеини эгаллади. Мусаввир образи бадиий адабиётда тарихий шахс ёки

фольклор ва мифлар таъсирида яратилган тўқима образ сифатида намоён бўлади.

Ўзбек ва жаҳон адабиётида ижодкор шахс образи жанридан қатъий назар, кўплаб ижод намуналарида учрайди. Хусусан, Ж.Жойснинг “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили”, “Улисс”, А.Дюманинг “Асканио”, Ж.Лондоннинг “Мартин Иден”, С.Моэмнинг “Ой ва сариқ чақа”, М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”, Ойбекнинг “Навоий”, О.Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” каби қатор асарларида ижодкор шахс характериға оид турфа қирралар ёрқин акс этади.

Бадиий адабиётда мусаввир образининг кўҳна тасвирлари Навоий ижодида кўринади. “Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асарида рассом Шопур образи комил инсон, истеъдодли санъаткор сифатида талқин этилади:

Хунар бобида устои замона,

Замон ичра наққоши ягона.

Қалам аҳлига онинг тарҳи дастур,

Жаҳон аҳли дебон отини Шопур” [1.151].

Дўстлик ва содиқликнинг тенги йўқ тимсоли Шопур ўз санъати билан гўзаллик яратиш баробарида ҳаёт синовларида Фарҳодни қўллаб-қувватловчи садоқатли дўстига айланади.

Г.Муҳаммаджонова — ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Эркин Воҳидовнинг ҳажв дафтари туркумидаги қаҳрамонларнинг мақсади пок, нияти тоза, ҳар бир кишига қалби очиқ. Бу сифатларни шоирнинг “Донишқишлоқ латифалари” туркуми қаҳрамони – Матмуса образида ҳам кўришимиз мумкин. “Матмуса рассом” шеърда Матмуса кўчма музейдаги суратларни кўриб ҳайрон қолгани, уни абсурд санъатга тушунмаганлиги, бунга параллел равишда ўша даврдаги баъзи инсонлар дунёқарашидаги мубҳамлик, маънавияти, онгидаги оқсаш, шунинг баробарида ҳам санъатни, санъаткорликни даъво қилувчи оми инсонлар ҳажв қилинганини англаймиз. Ўз ғояси, мафкураси сингдирилган тузум маданият ва маърифатдан йироқ ҳолда бошқарилганини сезамиз. Масаланинг яна бир томони бор: санъат йўлига адашиб кириб қолган, асл санъатни мураккаблиликда, деб билган, оддий моҳиятни англаб етмаган санъаткорлар бу образ орқали ҳажв қилинади.

“Қаҳрамон, бу, – ижодий ниятлар, бадий-фалсафий ғоялар қай тариқа, қанақа шаклларда ифодаланади”[2.13.], деган гап. “Асардаги қаҳрамонлар эстетик идеалнинг рангин қирраларини ёритишга хизмат қилади. Демак, ёзувчи ғоявий-бадий ниятининг ифодасида, айниқса санъаткор образи ўзгача руҳ беради. Сюжет воқеалари қаҳрамон атрофида уюштирилиб, бошқа персонажлар у билан боғлиқ ҳолда асар воқелигига киритилади.

Назар Эшонкул асарларида ҳам бир қанча санъат вакили образлари гўёки бир-бирининг мантиқан давомига ўхшайди. Жумладан, “Маймун етаклаган одам” ҳикоясининг бош қаҳрамони рассом образи, “Тобут” ҳикоясининг бош қаҳрамони меъмор образининг мантиқий давоми, деб ҳам ўйлашимиз мумкин. Ёзувчи тасвир орқали икки ҳолатни бевосита боғлаб, ҳикоядаги образларини рамзлар орқали тасвирлайди.

Ёзувчи Назар Эшонкул асарларида рассом образига бир неча маротаба мурожаат қилинган бўлиб, “Рассом образи – бу, менингча, амалга ошмай қолган орзуларимдан бўлса керак. Рассом бўлишни кўп орзу қилганман. Кейин ички “мен”имни рассом образи орқали бериш ўзим учун қулай ва осон. Мен рассомнинг тасаввур дунёсига яқиндайман. Аслида, рассом – бу, менинг ўзим. Умуман, мен ўзимни ҳикояларимда файласуф, олим, рассом, бастакор, қадим кўшиқни айтувчи қиёфасида тез-тез тасаввур қилиб тураман”. [3.13.] – деб таъкидлайди.

Одатда рассомлар яшайдиган муҳит, хона тасвири тартибдан бир оз ҳоли

тасвирланади. Асарда ҳамма нарса сочилиб ётган, турли ранглар қоришиқ ҳолда тасвирланади. Бироқ ҳикоядаги тасвирда жамиятнинг чиркин муҳити, мусаввир чол руҳиятига, тафаккурига айнан мос пейзаж ва интерьер акс этади. Асардаги бу тасвирларнинг барчаси рамзийлик касб этади.

Рамзда ҳаётӣй воқеа, тушунча ва нарсалар бирон предмет, маълум воқеа-ҳодисаларнинг хусусиятлари орқали ифодаланар экан, унда доимо яширин ўхшатиш ётади. Демак, ҳикоянинг ўзига хос тилини, унда яширинган рамзий тасвирни тўғри англамай туриб, уни тушуниш, асарда яширинган теран фалсафий мазмунни англаб етиш қийин бўлади. Ҳикоядаги бадбўй ҳидлар тасвирида ҳам теран фалсафий талқин мавжуд.

Бадий адабиётдаги мусаввир образи тарихий ёки бадий тўқима, асосий қаҳрамон ёки эпизодик образ эканлиги, энг асосийси, ҳаёт фалсафасини турлича идрок этиши билан фарқланса-да, яратувчанлик, курашувчанлик, исёнкор туйғулар, мураккаб тақдирлилик, руҳан покланиш – катарсис сари етаклаши каби жиҳатлари билан муштараклик касб этади.

Ижодкор шахс образини талқин этишда ёзувчи Омон Мухтор ижоди янгича тасвир усуллари кашф эта олганлиги билан аҳамиятлидир. У яратган Навоий тимсоли бошқа ижодкорлар яратган тимсоллардан тубдан фарқ қилади. Ёзувчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти сазовор бўлган “Навоий ва рассом Абулхайр” роман-диалогияси “Ишқ аҳли” ва “Буюк фаррош” номли иккита китобдан иборат. Профессор Й.Солижонов бу асарни “Ойбекдан кейин улуғ Алишер Навоийнинг монументал қиёфасини яратиш йўлидаги буюк жасоратдир” [4.54.], дея баҳолайди.

Дарҳақиқат, асарда тарихий шахс сиймоси ўзгача йўналишда талқин этилади. Ойбекнинг “Навоий” романида Навоий сиёсий арбоб, бунёдкор шахс, инсон сифатида воқеликлар силсиласида талқин этилса, Омон Мухтор Навоийнинг ижодкор сифатидаги сиймосини, мураккаб руҳий-маънавий оламини ижодий асарлари асосида очиб беришга эътибор қаратади. Яъни, унинг ижодий олами, буюк инсон сифатидаги фазилатларини ҳайрат ва ҳавас билан кашф этади. Қисқаси, асарда ижтимоӣй воқеликдан келиб чиқиб, ижодкор шахс ўзлигини кашф этиш эмас, ижодкорнинг асарлари, ундаги ғоялар орқали Навоийни англаш тамойили сари борилади.

Асар алоҳида сюжет линиясига эга эмас. Асардаги образлар ҳам санокли. Воқеликнинг содир бўлиш ўрни ҳам насрий асарлар,

хусусан, реалистик асарлар хусусиятларига зид нисбий. Романда насрий ва лирик асар хусусиятлари уйғунлашиб кетган. Асар ровий баёнига асосланган бўлса-да, лирик кечинма билан суғорилган ўринлар бисёр. Баёнда тарих – Навоий замони воқеликлари билан бугунги кун нафаси қоришиб кетган.

Рассом Аблхайр – ижодкор. У ижод аҳлидан бўлган Навоий сиймосини яратмоқчи. Аммо Навоий суратини яратмоқ аввалида ўзи учун Навоийни кашф этиши керак. У тарихий факт-маълумотларга таяниб эмас, Навоий асарларидаги ғоя ва ҳиссий кечинмалар асосида Навоийни англаш йўлидан боради. Асарнинг баён услуби ҳам шунга хос ҳислар сингари бетизгин. Абулхайр гоҳ Навоий лирикасидаги образлар қиёсига, гоҳ афсона ва ривоятлар билан йўғрилган маълумотларга, гоҳ тарихий фактларга мурожаат қилади, бугуннинг воқеликлари, мушоҳадаси билан синтез қилади.

Асарда асосий қаҳрамон қиёфасини мукамал яратишда, туйғулар тафтини аниқ беришда эпистоляр услубдан самарали фойдаланилади. Мактублар 4 та бўлиб, Одилнинг Барнога (Орзу, Ҳайрат, Армон) 3та мактуби, Одилнинг Холидга мактубларидан иборат. Биринчи роман композицияси Абулхайрнинг 5 та дафтардаги битиклари ва мактублардан иборат. 2-китоб “Ёзуқ” ва “Туфроқ” деб номланувчи боблардан иборат бўлиб, рассомнинг эсдаликлари тарзида битилган. Бу, рамзий маънода тақдир, туғилиш ва умрни яшаб, яна ЎЗИга қайтишдир.

Асар баёни ички монолог – рассомнинг ўз-ўзига сўзлаганлари, ўй- тафаккурида кечган ва кечаётган туйғулар сифатида тузилган. Зеро, Навоий “У – бир Осмон, у – бир уммон, Қамраш қийин!” Бу қамраш, қийинлик баён услубидан ҳам яққол акс этиб туради. “Одатда, ҳар қандай одамни (буюк инсонни ҳам!) рассом ўз даражасида чизади.” Рассом катта жасорат – Навоийнинг қиёфасини яратишдан аввал ўзи маълум даражада унга қараб кўтарилиши лозимлигини ҳис этади. Бир оз бўлса-да, бу вазифага муносиб бўлишга ўзига ички бир масъулият сезади. Бу, ижодкорларга хос ўзидан қониқмаслик ҳиссидир.

Асарда ижодкор шахс камолотининг тадрижи Абулхайрга берилган тавсифда яққол намоён бўлади. “Абулхайр бир пайтлар эски шаҳар кўчалари, кунгурали деворлари, *ҳалқали эшикларини* чизиб юрган. Ўшанда баъзан *табиат манзараларига* ҳам мурожаат қилган. Кейинчалик *инсонга* юз бурган. Ҳар хил кишилар расмини (портретини) ишлашга қизиққан. Булар орасида бир неча ўз қиёфаси

тасвири (автопортрет) ҳам учрайди. *Дунёми, ўзи устиданми кулиб турган тасвир* унга анча шуҳрат келтирган” [5.6.].

Эшик – янги манзил, сир-синоат сари йўл, ижодкорнинг изланиш босқичи. Ҳалқа эшикни очишга кўмаклашувчи восита, шунингдек, тараддуд ва ижозат маъносини ҳам беради. Ижод йўли бошида турган ижодкорнинг руҳий ҳолатига монанд тасвир. Кейин табиат, борлиқ, оламни ҳайрат нигоҳи ила кашф этиш. Ундан сўнг инсонни англашга интилиш – бу, ўзликни англаш сари ташлаган муносиб қадам. Ўзликни англашга етишган инсон учун эса “дунёми, ўзи устидан кулиб туриб” билдирилган муносабат таниш тасвир. Бундай ҳолат Навоий асарларида кўп бор учрайди.

“Алишернинг “лой”и осойишта кўркам яшаб кетадиган “тупроқ”дан олинмаган. Унинг манглайига даҳо бўлиши учун аввалдан фожиа муҳри босилган!” Абулхайр асар давомида ана шу даҳолик сифатларини англашга, Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижодида унга хос ташқи осойишталик ва ички зиддият сабабларини, фожиа муҳрининг илдизларини излашга уринади.

Роман – дилогиянинг “Буюк фаррош” қисми яна бир ўзгача усулда ёзилган. Унда ўрни билан рассом Абулхайрнинг Шаҳрияга мактуб сифатидаги мурожаатига ўрин берилади. Эсдалик тариқасида битилган изҳорларда рассом ва Навоийнинг туйғулари қоришиб кетгандек. Абулхайр ўз ҳаёт йўлини, олам англамини шу асосда таҳлил қилади. Дилогиянинг 1- китоби Навоийни англаш сари ташланган қадам, 2-китоб Навоийни англаш, унинг нигоҳида оламни идрок этиш босқичи, инсон қалби, руҳий дунёсидаги эврилиш ҳосиладир.

Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдамов «Турфа ранглар уйғунлиги» номли мақоласида ёзади: «Агар қаҳрамон ҳаёти танлаб олинган ранг орқалигина олинар экан, унда шу рангга алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда, қолганларига ҳам йўл беришга тўғри келади. Токи, ўқувчи кўрсинки, асар қаҳрамони атрофида турфа хил ранглар бор эди, бироқ тақдир уни шундай гирдобларга отдики, оқибат унинг кўзлари, масалан, қорадан ўзгасини англамай қолди. Қолаверса, инсоннинг ҳаёти бошдан охир зулматнинг ичида кечса-да, унинг орзулари кўпинча ёруғ бўлади» [6.2.].

Омон Мухтор мазкур асарда рассом Абулхайр образини ҳам, Навоийни ҳам оқ ва ёруғ ранглар ила беради. Бу оқлик, ёруғлик рассомнинг кўнгли, қалби, орзулари, мақсадлари каби ёруғ эди. Назар Эшонқул

АДАБИЁТШУНОСЛИК

яратган рассомдан фарқли ўлароқ, Абулхайр исмига мос ҳайрли маслаклар, эзгу ишлар илинжидаги одам. Бу, унинг яшаш муҳитида ҳам, диалог, монологларида, оламини, Навоийни англашида ҳам яққол кўринади.

Муаллиф етказмоқчи бўлган ғоявий-бадий юк ижодкор шахс образининг зиммасида ўзгача ифода топади. Кузатишлардан кўринадик, бундай асарларнинг асосий қисмида ижодкор шахс образи воситасида муаллиф “мен”и акс этиб, автобиографик хусусият касб этади. Муайян қисмида эса ҳаётда яшаб ўтган тарихий шахс – ижодкорнинг руҳий ва маънавий дунёси ёритиб берилади.

Ж.Жойс ва У.Моэм ижодида ҳам ижодкор, мусаввир образи кенг талқин этилган. Бу, уларнинг мусиқа ва санъатга бўлган чексиз муҳаббати самарасидир. “Артист, рассом, шоир ёки созанда ўзининг кўтаринки ва улуғвор санъати билан эстетик туйғунинг эҳтиёжини қондиради. Унинг сири бамисоли саргузашт романларидай кишини ўзига тортади. Бу худди коинот сирларидай англаб бўлмас жумбоқдир”[7.34]. Моэм ижодий фаолиятида англаб бўлмас жумбоқнинг сирини очишга, моҳиятан англашга интилади.

Жамиятдан норозилик, ўз даврида қадр топмаган истеъдод, эрка интилиш, қийин турмуш тарзи, инсонлардаги турланишларнинг моҳиятини англаш йўлидаги изтироблар ижодкор шахс образи тасвиридаги муштаракликдир. Аммо ҳар бир талқин муайян ижодкорлар тақдирида ўзига хос ифодаланади. Бунда шоир, ёзувчи, мусаввир, мусиқачи, раққосаларнинг санъаткорона ички дунёси, характерида оид сифатлар акс этади.

Моэм тасвирлаган рассом Чарлз Стрикленд образи бошқа рассомлардан кескин фарқланмайди. Рассом ва унинг характерида оид тафсилотлар муаллиф томонидан, шунингдек, санъаткор позициясидан аниқ-тиниқ ифодаланади. “Санъатга ҳунар, деб қараш, уни фақат ҳунарманд одамларгина тушунади, дейиш тамомила хатодир. Санъат туйғуларни намоиш этиш шакли, туйғу эса ҳамма тушунадиган тилда ифодаланади”. Ушбу фикрлар муаллиф Моэмнинг санъатга нисбатан концептуал ёндашувидир.

Асар муаллиф тилидан баён этилади ва моҳир мусаввир сийрати сўз санъатига дохил шахс – ёзувчи, публицист, умуман, ижодкор томонидан кашф этилади. Ушбу роман асосан тавсифий характерда ёзилган.

Ж.Жойснинг “Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамойили” асари асосий қаҳрамони Стивен Дедалус муаллифнинг болаликдаги энг яқин

дўсти образидир. Умуман, бу образ Жойс ижодида алоҳида ўрин тутати. Болаликка эҳтиром ва соғинч маҳсули сифатида яратилган ушбу образ “Улисс” романида ҳам асосий қаҳрамонлардан бири сифатида учрайди. Биринчи асарда бола, ўспирин ижодкор тасвирланса, “Улисс”да ақлан анча тўлишган, ҳаёт ҳақида ўз фикр ва фалсафасига эга, ўз даврида қадр топмаган мусаввир образи намоён бўлади. “Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамойили” асарида ижодкор ўспириннинг борлиқ, мавжуд ижтимоий муҳитни қабул қилиш тарзи, жамиятдаги вазиятларга муносабати, муайян муҳитда шаклланган онг ва унда ўзликни англаш масалалари чуқур психологик таҳлиллар асосида очиб берилади. Ушбу асарда муаллиф тавсифидан кўра асар қаҳрамонининг фикрлари, ўй-хаёллари, кечинмалари ички монологлар орқали берилади. Яъни, ижодкор сийрати бевосита мусаввирнинг ўз нутқи орқали яралади.

Жойснинг мазкур икки асари ичида шеър ва кўшиқлар, сўз санъатининг бошқа намуналарига, парчаларга мурожаат кенг ўрин тутати. Улар чуқур фалсафий фикр ифодаси, мажозийлик ва рамзийликка ҳам хизмат қилган, шунингдек, модернизмга хос турланган баён услубини, ранг-барангликни юзага келтирган. Моэм романида эса бундай мурожаат етакчи ўрин тутмайди. Унда муаллифнинг санъат ва санъаткор ҳақидаги, санъаткорнинг руҳий олами хусусидаги қарашлари етакчи ўрин тутати[8.].

Жаҳон адабиётида ҳаётлик даврида ўзи ва истеъдоди қадрланмаган, ўз жамиятига сиғмаган буюк шахслар тимсоли кўп тасвирланади. Бу, гўёки жаҳон адабиёти образ яратиш мактабида анъанага айланиб қолган. Моэмнинг Стрикленд образи ҳам ана шу анъанага издошлик асосида яратилган, дейиш мумкин.

Рассом, ижодкор шахс сифатида Стрикленд бир хил, бир маромдаги ҳаётда яшашга кўнмасди. Чунки унинг ичига, асардаги таъбир бўйича, “шайтон кириб олган”ди. Аниқроғи, буюк бир истеъдод тўфон янглиғ уни турли ҳолатларга солиб кўрарди.

Асарда рассом ҳаётига оид ҳаёт тарзи, рассом хонасининг интеръери, ранг ва ёруғлик тасвирларига кенг ўрин берилган. Буларнинг барчаси рассом дунёқараши, руҳий дунёсини тасвирлашда муҳим ўрин тутган.

Муаллиф ҳар бир чизгида, ҳар бир тасвирда рассомнинг ўзига хос мураккаб дунёсини теран ифодалаб беришга интилади. Ҳатто ранглар жилоси, хусусиятини ҳам туйғулар, хотиралар билан боғлаб рассом

нигоҳидан акс эттиради. Мазкур уринишлар натижасида бадий синтез – сўз санъати ва тасвирий санъат уйғунлигидаги тасвирлар яралади. Бу эса муаллифнинг бадий маҳоратини намоён этади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бадий адабиётда санъаткор характерини яратиш масаласи кўп йиллик тажрибаларга бориб тақалади. Рассом характерининг мураккаб ва қизиқ табиати муаллифларнинг бадий маҳорати самараси ўлароқ ўзининг гўзал ифодасини топган. Аксар асарларда рассом образи эстетик идеал сифатида талқин этилган ва ёзувчининг мусаввир ҳақидаги ғоявий-фалсафий қарашларини ифодалашга хизмат қилган.

Жаҳон адабиётида дарбадар рассом образи муаллифларнинг ғоявий-бадий

ниятини ёрқин ифодалаб бера олувчи мураккаб образдир. Айни шу жиҳатига кўра ҳам мазкур образ ёзувчилар эътиборини торта олади. Шунингдек, бу тасвирларда ёзувчилар муайян даражада ўзлигини, ўз ҳиссий оламини, тақдирини кўради.

Ёзма адабиёт намуналарида баъзан персонаж, баъзан асосий қаҳрамон сифатида тасвирланган мусаввир образида ички монологлар, диалоглар, интерьер ва пейзаж тасвирлари орқали муаллифнинг субъектив қарашлари, позицияси, ўзлиги теран ифодаланади. Сўнгги йиллар адабиётида бу образга кенг мурожаат этилиши инсон руҳий оламининг рангин қатламларини кашф этишда муҳим роль ўйнаши билан характерланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий А. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Т., F.Фуллом номидаги нашр. 2006
2. Do'stimuhammad X. Ijod - ko'ngil munavvarligi. T., 2011.
3. Эшонқул Назар. Мендан «мен»гача. Т., Академнашр, 2014.
4. Солижонов Й. Мўъжизалар сеҳри. Т., «Адиб», 2013.
5. Мухтор Омон. Навоий ва рассом Абулхайр. Т., Шарқ, 2006.
6. Ҳамдам У. Турфа ранглар уйғунлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2000. 29-сентябрь
7. Мозм С. Ой ва сариқ чақа // Жаҳон адабиёти. 2012. 2 сон.
8. Жойс Ж. Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамоили. Т., 2012.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).

НИШОТИЙ МУХАММАСЛАРИНИНГ МАТНИЙ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ
(I ҚИСМ)ТЕКСТОВО-СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ МУХАММАСОВ НИШОТИ
(I ЧАСТЬ)TEXTUAL-COMPARATIVE ANALYSES OF MUHAMMASES BY NISHOTIY
(PART I)

О.Солиева

Аннотация

Ушбу мақолада В.А.Абдуллаев, Ҳ.Расул, В.Мирзаевлар томонидан нашрга таёрланган монография ва тўплам китобларда Нишотийнинг Навоий ғазалларига боғлаган тахмисларидан намуналар келтирилган. Уларни ўзаро асл матн билан биргаликда қиёслаш орқали матний ўзгаришлар ва манбалардаги матнларнинг асосий фарқи фонетик ва лексик сатҳ бирликларида аниқланади.

Аннотация

В данной статье приведены примеры «тахмисов», т.е. пятистрочий, привязанных к газелям определенного автора-поэта, а в нашем примере - «тахмисы» Нишатия к газелям А.Навои, рассмотренные на основе монографий и собраний книг, подготовленных к изданию со стороны В.А.Абдуллаева, Ҳ.Расула, В.Мирзаева. Так, посредством их параллельного сравнения с текстом-оригиналом определяются текстовые различия в текстах-источниках на фонетико-лексическом уровне и их единицах.

Annotation

This article provides examples of "tachmis", i.e. five lines, attached to the gazelles of a certain author-poet, and in our example, "tachmises" of Nishatiy to the gazelles of A.Navoi, considered of books prepared for publication by V.A.Abdullayev, H.Rasul, V.Mirzayev. So, through their parallel comparison with the original text, textual changes in source texts at the phonetic and lexical level and their units are determined.

Таянч сўз ва иборалар: мухаммас, тахмис, ғазал, матн, фонетик фарқ, лексик фарқ.

Ключевые слов и выражение: мухаммасы, тахмисы, газель, текст, фонетико-лексическом различие.

Keywords and expressions: muhammases, tachmises, gazelles, text, phonetic and lexical changed.

Мумтоз адабий манбалар нашрига қўйиладиган талаблар кўп. Уларнинг орасида энг муҳими нашр ва матннинг сақланиш даражаси орасидаги уйғунлик билан белгиланади. Бу уйғунлик кўпгина ўлчамларга боғлиқдир. Қўлёзма ва тошбосма нусхаларнинг сони ва сифати, улардаги матннинг ишончли ва ҳар томонлама мукамаллиги, шунингдек, мутахассисларнинг умумий тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади. Биз бу борадаги ўз мулоҳазаларимизни Нишотий мухаммасларининг нашрларига боғлаб билдиришга ҳаракат қиламиз.

Табиийки, Нишотий мухаммаслари ҳам ўзбек мумтоз адабиёти тарихига оид ёдгорликларнинг асосий қисми сингари араб ёзувида ёзилган ва кўчирилган.

Ҳозиргача мумтоз матнларни тўла ёки парчалар ҳолида амалдаги ёзувга ўгириш, табдил ва транскрипция қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Бундай муносиб тажрибаларнинг натижаси сифатида кўплаб тарихий, илмий ҳамда адабий асарларнинг нашрлари

мухлислар қўлига етиб борган. Ўз навбатида бу борада турли қийинчиликлар, матнларнинг сақланиш даражаси ва ҳолатига доир мураккабликлар, шунингдек, ўрганувчиларнинг ёндашув тамойилларига боғлиқ бўлган ҳар хилликлар ҳам кўзга ташланади.

Муҳаммад Ниёз Нишотийнинг ҳозирча 14 та мухаммаси чоп этилган. Улардан 12 таси Навоий ғазалларига, биттаси Фузулий ғазалига боғланган тахмис ва яна бири таъби худ мухаммаслардир.

Шоир асарларининг қўлёзмалари турли котиблар томонидан кўчирилган. Уларнинг кўчирилган саналари ҳам ҳар хил. Ана шундай нусхалардан бири Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида 156 инв. рақам остида сақланади. Бошқа бир қўлёзма матни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий қўлёзмалар хазинасида сақланаётган 7054 инв. рақамли

О.Солиева – ҚДПИ докторанти.

нусхадир. Ушбу қўлёзма матнлар қуйидаги нашрлар билан таққосланди:

1. Абдуллаев В.А. Хоксор ва Нишотий. – Самарқанд, СамДУ, 1960, 112-б.

2. Нишотий. Хусн ва Дил. Достон. Шеърлар. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Расулов, И.Ражабов. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1967, – 440 бет.

3. Нишотий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчилар: Мирзаев В. Тошкент: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960, 88-б.

4. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Хазойин ул-маъоний. 10-жилд. 1-2-4 жилдлар. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012.

Улуғ устоз В.А.Абдуллаев монографиясида Нишотийнинг Навоий ғазалларига боғлаган 7 та мухаммаси келтирилган.

1960 ҳамда 1967 йилги нашрларда Нишотийнинг “Навоий ғазалларига мухаммаслар”и сарлавҳаси остида 13 та мухаммас чоп этилган. Бироқ, бу мухаммасларнинг биттаси шоирнинг таъби худ (мустақил) мухаммасидир. У В. Абдуллаев монографиясида алоҳида “Б.Мухаммас”, деб кўрсатилган.

Биз Нишотийнинг юқоридаги учала нашрда бир хил бўлган “Эрди”, “Билдим”, “Айламиш”, “Айлама” радифли мухаммасларини ўрганиб, асл матн (156-7054 инв. рақами) билан таққослаб, ўзаро ўзига хос айирмаларни икки гуруҳга бўлишни ихтиёр этдик:

I.Араб ёзувидаги матнни кирилча ёзувга табдил қилишдаги айирмалар:

Бундай фарқлар ҳарфларни ўқиш жараёнида содир бўлган. Натижада, товуш тушиши, товуш алмашиши, товуш орттирилиши ҳодисалари юзага келган. Тегишли мисоллар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

Фавоид ул-кибарда	В.А.Абдуллаев монографиясида	В.Мирзаев нашрида	Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида	156 рақамли қўлёзмада
-------------------	------------------------------	-------------------	------------------------------	-----------------------

“Эрди” радифли мухаммаси

	ваҳ	воҳ	ваҳ	وه
	заман	замон	заман	زَمَن
	моҳлиқоға	маҳлуқоға	моҳлиқоға	ماه لقاغه
	пайкарию	пайкари	пайкари	پكرى
мен	ман	мен	ман	من
сиймтан	симтан	сим тан	сиймтан	سيمتن
	этиб	қилиб	қилиб	قتلتب
	сарв	сарв	сарви	سرو
	сўнмоғидин	сунмоғидин	сунмоғидин	سونماغيدین
нозу	ноз	ноз	нозу	ناز
гаҳе	гаҳи	гоҳи	гоҳи	كحي
арбада	урбада	арбада	арбада	عربده
кўксум	кўксим	кўксум	кўксим	كوكسوم
кеби	киби	каби	киби	كيبى
анга	анго	анга	анга	انكا
	пираҳан	пийрахан	пираҳан	پرهن
	хуршидими	хуршидини	хуршидни	خورشيدىنى
	бир-бира	ҳар ера	бир-бира	بیر بیره
	букун	бутун	бутун	بوتون
	тўфроқ ўза	тупроқ уза	туфроқаро	توفراق ارا
уза	ўза	уза	уза	اوزه
	заҳр	заҳр	заҳру	زهړ
	ҳаётидин	ҳаётидин	ҳаёти	حياتيدین
эмди	энди	эмди	эмди	ایمدى
не армон	на армон	на армон	на армон	نارمان
бу важҳи	бу важҳи	бу важҳи	ба важҳи	بوجه